

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБIIЙ АСОСЛАРИ

илмий мақолалар тўнлами





Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари”  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

---

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ  
АСОСЛАРИ**

**илмий мақолалар тўплами**

**ТОШКЕНТ–2015**

УЎК 330.34  
КБК 65.011  
М24

**Масъул муҳаррир: и.ф.н., доцент  
Ражаббаев Шароф Рахимбердиевич**

**Такризчилар:  
и.ф.д., профессор Тошматов Ш.А.  
и.ф.д. Мирзаев Ф.И.**

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш-нинг илмий-услубий асослари. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: “LESSON PRESS”, 2015. – 236 б.

Мазкур тўплам Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази ходимларининг Ф1-ФА-1-16435-рақамли “Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг илмий – методик асослари” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа ва А-2-74-рақамли “Худудий суғурта бозорларининг потенциални баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий илмий лойиҳа доирасида олинган натижалар ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари асосида тайёрланган илмий мақолалардан иборат.

УЎК 330.34  
КБК 65.011

Ушбу илмий мақолалар тўплами Тошкент давлат иқтисодиёт ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази Илмий кенгашининг 2015 йил 24 июндаги 4-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-351-12-7

© ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази, 2015й.

# МУНДАРИЖА

## 1-секция. Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш

Вахабов А.В., Адилов М. Миллий иқтисодиёт таркибини модернизациялашнинг долзарб муаммолари.....	5
Зокиров Ш.Э. Мамлакатда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда таркибий силжишларнинг аҳамияти.....	17
Исаджанов А.А., Кенжабоева Р.М. Глобаллашув шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш масалалари.....	25
Ишмухамедова Л.А., Шийхназаров Т. Оценка современного уровня развития предприятий реального сектора в республике.....	33
Карабаева Г.Ш. Повышение эффективности реального сектора.....	40
Маҳмудов Н.М., Рустамов Н.И. Ялпи ички маҳсулот таркибида хизматларнинг улуши ва уни баҳолашни такомиллаштириш.....	46
Талипова Н.Т., Сафаева С.Р. Проблемы и перспективы развития туризма в Узбекистане.....	54
Хақимов Р. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш.....	61
Қадыров А.М., Ахмедиева А.Т., Дўсматов Б.О. Глобаллашув шароитида инновация тизимлари шаклланишининг ривожланаётган мамлакатлардаги йўналишлари.....	67
Қурбонов Ж.Б. Ўзбекистонда ташқи савдо ривожланиши таҳлили.....	76

## 2- секция. Худудларнинг барқарор ривожланиш муаммолари ва миллий иқтисодиётни худудлараро мувозанатлашувини таъминлаш йўллари

Адилова М.Т. Инновацион салоҳият – минтақавий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим омили.....	84
Азимов Ш.А., Абдулкасимов А. Худудларни барқарор ривожлантириш стратегиясининг методологияси.....	90
Айдинова М.А. Зарубежный опыт реализации прав собственности на интеллектуальный продукт в условиях бюджетного финансирования....	99
Акрамова Ш.Г. Республикада соғлиқни сақлаш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари.....	107
Асқарова М.И. Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёшларнинг салмоғи.....	114
Икрамова Н.И. Корхоналарда иш ҳақи тўлаш тизимининг иқтисодий механизми.....	119
Ишназаров А.И., Ҳайдарова М.Э. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари таҳлилида кластер усулини қўллаш.....	125
Кузиев К.Ф. Тенденции развития мирового рынка молока и молочных продуктов.....	131

<b>Махкамов С.Б.</b> Навоийская СИЭЗ: ставка на интеллектуальную экономику.....	138
<b>Отақўзиева С.А.</b> Ўзбекистонда олий таълим тизимида ахборот ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари...	142
<b>Тростянский Д.В.</b> Развитие механизма реализации прав на объекты интеллектуальной собственности в Узбекистане.....	148
<b>Jalilov K.Sh.</b> Use of cluster investing in Uzbekistan: experience of Navoi free industrial economic zone.....	157

**3-секция. Иқтисодий ва барқарор ривожланишида банк-молия инфратузилмасини инновацион ривожлантиришнинг ўрни**

<b>Абдувалиев А.А.</b> Кадрлар сиёсатининг самарадорлиги – миллий иқтисодий ва барқарор ривожлантиришнинг асоси.....	162
<b>Газибеков Д.Г., Сабиров О.Ш.</b> Предпосылки возрастания роли лизинга в качестве эффективного инструмента инвестиционного обеспечения предприятий республики.....	168
<b>Джалилов А.А.</b> Суғурта бозори ривожланишининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги роли.....	176
<b>Котов В.А.</b> Зарубежный опыт участия банков в инфраструктурном обслуживании высоко-интегрированных корпоративных структур.....	181
<b>Насретдинова Ш.С.</b> Методика оценки финансовой устойчивости страховых компаний с помощью ориентированных графов.....	187
<b>Ражаббаев Ш.Р.</b> Значение и роль инноваций в совершенствовании платежных систем в условиях финансовой глобализации.....	195
<b>Умарова М.Б.</b> Ўзбекистонда банк инфратузилмасини ривожлантиришнинг аҳамияти.....	203
<b>Хамидулин М.Б.</b> За строкой Указа Президента Республики Узбекистан.....	208
<b>Nazrullaev N.</b> Role of the financial intermediaries in economic growth of the country.....	213
<b>Муминов Б.Ш.</b> Пути повышения воздействия инфраструктуры фондового рынка на масштабы инвестиционного обеспечения предприятий Узбекистана.....	219
<b>Oblomuradov N.N., Murodkhujaeva Z.B.</b> Development of banking services for export operations.....	228

## 1-СЕКЦИЯ

### МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Вахабов Абдурахим Васикович  
ЎзМУ кафедра муdiri, и.ф.д., профессор  
Адилов Миркомил  
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти стажёр-тадқиқотчиси

### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек "... биз иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ҳисобидан ўз олдимизга қўйган мараларга албатта эришамиз" [1].

"Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жихатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган кувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин" [3].

Иқтисодиётда модернизация жараёнлари содир бўлаётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун ўрта муддатли истиқболдаги провард вазифа – барқарор иқтисодий ўсишни таркибий модернизациялаш билан уйғунлигини таъминлайдиган иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун чекланган ишлаб чиқариш омилларини купайтиришга эмас балки ялпи омиллар самарадорлиги, яъни ўлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга асосланган янги иқтисодий ўсиш моделини шакллантириш лозим.

Миллий иқтисодиёт таркибининг шаклланишига турли омиллар таъсир кўрсатади: шаклланган бозор конъюнктураси; монополлашган бозорлар ҳажми ва даражаси; мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш даражаси; ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси; илмий-техника тараққиётининг миқёси, тавсифи ва суръатлари; ишлаб чиқариш ресурсларининг сифати; худудларнинг кенглиги ва инфратузилма билан таъминланганлиги; экологик вазият.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири таркибий ўзгаришлар ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркиби қуйидаги омиллар таъсирида шаклланмоқда: ижтимоий меҳнат тақсимоти, илмий-техника тараққиёти, информацион технология аҳоли эҳтиёжларининг ўсиши ва мураккаблашуви, бирламчи ишлаб чиқариш ресурсларининг кўлами ва чекланганлиги, ташқи иқтисодий омиллар ва жаҳон бозори конъюнктурасини ўзгариши.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар даражасини ўлчашда икки кўрсаткичдан: таркибий ўзгаришлари индекси ва икки таққосланаётган таркибнинг ўхшашлик индексларидан фойдаланилади. Иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир даврида таркибий ўзгаришлар индексини баҳолашда ўсишнинг тармоқ эластиклиги кўрсаткичидан фойдаланилади. Эластиклик кўрсаткичи миқдорига боғлиқ ҳолда ҳамма тармоқларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўсишнинг юқори эластиклигига эга бўлган тармоқлар;
- ўрта суръатларда ривожланаётган тармоқлар;
- паст ўсиш эластиклигига эга бўлган тармоқлар;
- салбий ўсиш эластиклигига эга бўлган тармоқлар.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар иқтисодиёти таркибидаги жадал ўзгаришлар қайта ишлаш тармоқлари учун хосдир. БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси маълумотларига кўра миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлари кўрсаткичлари бўйича етакчи ўринни фан сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлар эгалламоқда.

Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар учун қуйидаги умумий қонуният хосдир. Катта агрегатлар кичикларига нисбатан вақт бўйича барқарор ҳисобланади. Тармоқлараро ишлаб чиқариш таркиби учун қуйидаги йирик тармоқлар гуруҳи – саноат, кишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасини нисбатан узоқ давом этмайдиган вақт интервалида барқарор улушга эга бўлиши хосдир.

Узоқ давом этадиган муддатларда (10-20 ва ундан ортиқ) глобал тармоқлараро нисбатларнинг ўзгариш қонуниятлари кузатилади.

Тараққий этган мамлакатлар ривожланишининг ҳозирги босқичи учун эса куйидаги тармоқ ўзгаришлари қонуниятлари хосдир:

– саноатнинг қишлоқ хўжалигига нисбатан устун даражада ривожланиши туфайли қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улушининг камайишида намоён бўлади. Ушбу қонуният қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш асосида бу тармоқда меҳнат унумдорлигини аксарият мамлакатларда саноатга нисбатан ўсиш суръатларининг юқори бўлиши билан белгиланади;

– саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида қайта ишлаш саноати улушининг қисқариши хом ашёнинг қимматлашуви ва ресурс тежайдиган технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан изоҳланади;

– миллий хўжаликнинг умумий ҳажмида хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ортиши иқтисодий ўсишнинг ижтимоий йўналтирилганлигининг кучайиши ва аҳоли ҳамда тадбиркорлар томонидан хизматга бўлган талабнинг барқарор суръатларда ортиши билан боғлиқдир. Шунингдек, 1960 йилларда бошланган саноат улушининг ялпи ички маҳсулотда аста-секинлик билан қисқариши бир томондан хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши, иккинчи томондан эса саноат ишлаб чиқариши самарадорлигининг ортиши ва саноатнинг базавий тармоқлари ролининг пасайиши билан белгиланади.

Иқтисодий адабиётда охириги йилларда "таркибий ислоҳотлар" тушунчасини тадқиқ этишга жиддий эътибор берилмоқда. Таркибий ислоҳотлар деганда одатда, иқтисодиётда турли секторлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, янги соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши ва йирик корхоналар даражасида ташкилий-ҳуқуқий соҳада қабул қилинаётган меъёрий хужжатлар ва қарорларнинг ўзгариши тушунилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларнинг иқтисодиётни модернизациялашдаги аҳамияти шундаки, улар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш, инновация ва хизмат кўрсатиш соҳаларида рақобатбардошликни ошириш учун шарт-шароит яратиши керак. Фикримизча, иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва жозибadorлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиши лозим.

Фикримизча, таркибий ислоҳотлар уч блокда амалга оширилиши зарур:



Биринчи блок – иқтисодиётни эркинликлаштириш ва унинг очиқлигини кучайтириш: давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш; хўжалик субъектлари учун тенг, соғлом рақобат муҳитини яратиш; солиқ юкини пасайтириш ва давлат харажатларини қисқартириш.

Иккинчи блокда – ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш: уй-жой коммунал хўжалиги, пенсия тизими, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам ва меҳнат муносабатларида ислоҳотларни амалга ошириш. Юқоридаги ислоҳотлар жаҳон амалиётида ижтимоий соҳани ислоҳ этишнинг субсидиар модели деб аталади. Ушбу моделнинг моҳияти шундаки, давлат яшаш учун зарур ҳаётий воситаларни объектив сабабларга кўра жисмонан ишлаб топа олмайдиган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни тўлалигича ўз зиммасига олади. Жамиятнинг бошқа фуқароларига эса ижтимоий хизматлар тўла қиймати бўйича етказиб берилади.

Учинчи блок – маъмурий ислоҳотлар: марказ ва минтақалар ўртасидаги муносабатларни ислоҳ этиш ва суд ислоҳоти.

Шундай қилиб, иқтисодиётда амалга ошириладиган таркибий ислоҳотлар инвестиция муҳитини, инвестицион фаолият шарт-шароитларини яхшилади, иқтисодиётга капитал жалб этишни рағбатлантиришга, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ва уни сифатини оширишга олиб келади.

Россия, Қозоғистон, Озарбайжон ва Туркманистон каби ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида хом-ашё ресурсларининг экспортини кескин кўпайтириш ва иқтисодиёт самарадорлигини пасайиши ҳисобига иқтисодий ўсиш таъминланмоқда.

Иқтисодий адабиётларда бундай йўл билан ривожланаётган мамлакатларни “Голланд касаллиги” (Гронинген самараси), “Тўқчилик парадокси” (ресурсларга тобейлик)га мубтало бўлган давлатлар деб ҳисобланади. Ушбу назария биринчи мартта иқтисодий атама сифатида 1977 йилда киритилган. “Тўқчилик парадокси” ресурсларга тобейлик назариясига мувофиқ мамлакатларни ресурсларга бойлиги уларни иқтисодий ривожланиш суръатларини секинлашувига олиб келади.

1997 йилда Гарвард унверситети проф. Дж.Сакс ва проф. Э.Варнер 1970-1990 йилларда жаҳондаги 95 ривожланаётган мамлакатлардаги табиий ресурсларига бойликлари билан сустр иқтисодий ривожланиш суръати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни исботлаб, қуйидаги хулосага келдилар – табиий ресурслар билан кам таъминланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари табиий ресурсларга бой давлатларга

нисбатан юқори бўлади. “Тўқчилик парадокси” табиий ресурсларни миллий иқтисодиётда етакчи ўрин тутиши натижасида иқтисодиёт таркибининг иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир этишини ифодалайди [4].

Иқтисодиётда “Голланд касаллиги” модели 1982 йилда В.М.Корден ва П.Нира томонидан ишлаб чиқилди. Ушбу моделга мувофиқ иқтисодиёт уч секторга: сотилмайдиган товар ва хизматлар (мамлакатлар ўртасида сотилмайдиган товар ва хизматлар); жадал ўсувчи сотиладиган товарлар (турли хом-ашёлар); ўсмайдиган сотиладиган товарлар сектори (экспорт ва импорт қилинадиган саноат товарлари)га бўлинади.

Хом-ашё секторининг барқарор, жадал суръатларда ўсиши натижасида у қайта ишлаш саноати секторидан меҳнат ресурсларини жалб эта бошлаши туфайли унда “тўғридан-тўғри деиндустриализациялашув” содир бўлади. Бундан ташқари, хом-ашё секторидаги ишловчиларнинг юқори даромад олиши улар истеъмолини жумладан, сотилмайдиган товар ва хизматларга бўлган талабини кескин кўпайтириб улар баҳосини оширишга ва меҳнат ресурсларини қайта ишлаш саноатидан хизмат соҳасига оқиб ўтишига олиб келади. Натижада саноатда “билвосита деиндустриализациялашув” самараси вужудга келади. “Голланд касаллиги”га мубтало бўлиш натижасида қазиб чиқариш сектори ва хизмат соҳаси қайта ишлаш саноати инқирози ёки пасайиши ҳисобига жадал суръатлар билан ривожланадилар. Ушбу самара миллий валютанинг реал курсини ўсиши ва баҳонинг кўтарилиши билан биргаликда содир бўлади. Агар “Голланд касаллиги” узок муддат давом этса, маҳаллий қайта ишлаш саноати жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини йўқотади ва мамлакат саноат ривожланиш жиҳатдан жаҳон трендидан кескин орқада қола бошлайди. Пировард натижада, иқтисодиётда хом-ашё захираси тугаб қолса ёки унинг баҳоси пасайса мамлакат иқтисодий инқирозга учрайди.

“Голланд касаллиги” билан турли иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлган жумладан, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ҳисобланган Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркменистон ушбу касалликка чалинган.

Россияда нефть ва газдан олинадиган даромадлар федерал бюджетнинг даромадлар қисмининг 46-48 фоизни ташкил этади. Мамлакатни товар ва хизматлар экспортида нефть ва газнинг улуши 1994 йилда 33%ни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 60%га тенг бўлди [6].

Қозоғистоннинг иқтисодий ривожланиши ҳам хом-ашёни (устун

даражада нефть ва газ) экспорт қилишга бевосита боғлиқ ҳисобланади. Жаҳон Банки маълумотларига кўра, 2010 йилда Қозоғистон ЯИМни ишлаб чиқаришда табиий ресурсларнинг бевосита улуши 27,6% (таракқий этган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 1,5 %дан ортмайди), жумладан нефтьга 22,4%, газга 2,7% кўмирга 5,5 %, ҳамда хом-ашё рудасига 2,5% тўғри келади [7]. Мамлакат умумий экспортининг 90% минерал ресурслар ва улурни бирламчи маҳсулотларига, жумладан 78% нефть ва газ ҳиссасига тўғри келди. 2014-2015 йилларда жаҳон бозорида нефть, қора ва рангли металлар баҳосининг кескин пасайиши, Кошаган нефть конини ишга туширишни кечикиши ва нефтьга бўлган талабни жаҳон иқтисодиётида пасайиши Қозоғистон иқтисодиётига кескин салбий таъсир кўрсатди [8]. Қозоғистон Миллий банки тенгени алмашинув курсини қўллаб-қувватлаш учун мамлакат олтин-валюта захирасидан 2014 йилда 18 млрд.доллар сарфлади, шунга қарамасдан 2014 йилда тенге курси 16,5 %га девальвация қилинди. 2014 йилда Россия рубли 61,9 % ва Озарбайжон манати 34,8 %га девальвация қилинди. Хом-ашё ёқилғи экспортига бевосита боғлиқлик Қозоғистон иқтисодиётини ва иқтисодий ўсиш суръатларини жаҳон хом-ашё бозори конъюнктурасига боғлиқлигини кучайтириб беқарор қилиб қўйди. Жумладан, Қозоғистон ЯИМ 2012, 2013, 2014 йилларда мутаносиб равишда 5,6, 4,3%га ўсди ва 2015 йилда 1%га, 2016 йилда 3,1%га купайиши кутилмоқда [9].

Россияда 2013 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига қатор омиллар таъсир этган ҳолда, етакчи ўринни амал қилаётган иқтисодий ўсиш моделини тўхтатиш механизми ўйнай бошлади. Мамлакатда иқтисодий ўсиш захираларининг (нефть юқори баҳосининг сақланиши ва жамғарилган молиявий ресурслар) тугашини тўхтатиш механизмининг вужудга келишига сабаб бўлди.

2012 йилнинг иккинчи ярмида Россияда бошланган иқтисодий ўсишни тўхтатиш механизмининг асосий эленментлари қуйидагилардан иборат бўлди:

– истеъмол талабининг (иш ҳақини) инвестициядан (фойдадан) устуворлиги;

– бозорларнинг самарасизлиги туфайли меҳнат ва капиталнинг самарали тармоқларга оқиб ўтишига ҳалақит бериш натижасида иқтисодиёт таркибини консервация қилиш хавфининг вужудга келганлиги;

– давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш механизми ва дастакларини мукамал эмаслиги;

– мамлакат иқтисодиётини жаҳон хўжалигига жалб қилинишининг, интеграциялашувини сустиги.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар Россиянинг “ўрта даромадлар даражаси тузоғи”га тушиб қолаётганлигини бирдиради.

Ушбу ҳолат аҳоли турмуш фаровонлигининг етарли юқори даражасига етган ҳолда мамлакат бир вақтнинг ўзида иш кучи баҳосидаги чеклов ва инвестицияларнинг сифати билан тўқнашмоқда. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат юқори малакали ишчи кучига эга ва юқори технологик инновацияларни экспорт қилувчи тараққий этган мамлакатлар, ҳамда паст даромадли, юқори иш ҳақиға эға бўлмаган ва арзон саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи давлатлар билан рақобат қилиш қобилиятиға эға эмас. Ушбу ҳолат иқтисодий ривожланишнинг экстенсив омилларидан интенсив омилларига ўтаётган Хитой иқтисодиёти учун ҳам хосдир.

Мамлакатнинг жаҳондаги юқори, ўрта ёки паст даромадли давлатлар қаторига кириши ундаги ўрта даромадлиларни 1920 йилдан бошлаб жаҳон иқтисодиётида етакчилик қилаётган АҚШ ўртача даромад даражасига нисбатан қандай улушни ташкил этиши билан белгиланади. Ушбу кўрсаткич “кувиш индекси” деб аталади. Мамлакатдаги аҳоли жон бошиға тўғри келадиган ўрта даражадаги даромадлар АҚШ даромадиға нисбатан 20-55 фоиз бўлса мамлакат ўрта даражадаги даромадға эға бўлганлар гуруҳига киради. Мамлакат “ўрта даромадлар тузоғига” тушган ҳисобланади агар уларда узок давр мобайнида дастлабки ўрта даромад даражасига (Американинг 20 фоиз кўрсаткичига) эришган ҳолда юқори даромадли мамлакатлар категориясига, яъни АҚШнинг ўртача даромадлар даражасининг 55%ға чиқа олмаса. 1970 йилларнинг охиридан бошлаб Хитой барқарор иқтисодий ўсиш сурьатларига эға бўлган ҳолда 2007 йилда ўртача даромадларни куйи чегарасига (АҚШ даражасининг 20%ға) эришди. Хитой иқтисодчилари фикриға кўра 2008 йилда мамлакатда жон бошиға ишлаб чиқарилган ЯИМ 6725 долл. ва АҚШда 31178 долл.ни ташкил этди. 2012 йилға келиб Хитойдаги жон бошиға ишлаб чиқарилган ЯИМ 6100 долл.ға тенг бўлди [5]. Шунинг учун Хитой иқтисодиётиға иккиёклама босим – узок муддатли истиқболда иқтисодий ўсишни секинлашуви ва жорий паст самарадорлик даражаси таъсир кўрсатмоқда. Мамлакат иқтисодиётиға кириб келадиган ишчи кучи оқими кескин қисқарди ва иқтисодиётдаги жамғариш нормаси 2008 йилдаги 52,3%дан 28,6-34,0%ға пасаяди. Хитой иқтисодиётида қизиши ва жиддий кескинлашув жараёни кузатилмоқда.

Шунинг учун “Ўрта даромадлар тузоғига” тушиб қолган Хитой, Россия каби мамлакатлар ўрта иқтиқболда жаҳон иқтисодиётини ўртача даражасига нисбатан устун даражада барқарор ўсиш суръати ва сифатини яхшиланишини таъминлайдиган ва таркибий модернизациялаш жараёнларини таъминлайдиган иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишлари зарур. Бунинг учун эса мамлакатда ишлаб чиқариш омилларини микдорий ўстиришга эмас, балки улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга асосланган янги инновацион иқтисодий ўсиш моделини шакллантириш лозим.

Фикримизча юқоридаги мамлакатлар ялпи талабни эмас, балки ялпи тақлифни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион тараққиёт йўлига ўтказиш учун иқтисодиётда чуқур таркибий ислоҳотларни амалга ошириш лозим.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида чуқур таркибий ўзгаришларни тақозо этувчи объектив сабаблар ва шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат:

- инсон, ижтимоий синфлар ва жамият эҳтиёжларининг ўзгариши;
- ҳозирги замон фан ва технологиялари ютуқлари асосида эҳтиёжларни қондириш воситаларининг жадаллик билан ўзгариши;
- ҳозирги илмий-техника революциясининг имкониятлари;
- жадал суръатларда ривожланиб бораётган ва ўзгараётган жаҳон бозорларида, халқаро меҳнат тақсимотида мамлакатлар ишлаб чиқариш ихтисослашувининг ўзгариш имкониятлари;

– иқтисодий ўсишда табиий ресурслар тақчиллигининг ошиши, ресурсларнинг чекланганлиги ва экологик омиллар билан боғлиқ ҳолда ушбу ҳолатнинг кучайиши.

– Ўзбекистонда 2000 йилларни бошларида ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги муҳим вазифалардан бири инвестицион ресурсларни саноат ва инфратузилма устувор даражада йўналтириш, таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш ва узоқ муддатли даврда барқарор иқтисодий ўсишни асосларини шакллантиришдан иборат бўлди. Иқтисодий ислоҳотларнинг бошланғич босқичларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун саноатнинг база тармоқларини (ёқилги-энергетика комплекси, қора ва рангли металлургия ва бошқаларни) техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш зарур эди. Ушбу тармоқларни ривожланиши иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришда,

экспортни кўпайтириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш асосида узоқ муддатли истиқболда аҳоли турмуш даражасини изчил ошириш ва сифатини яхшилашда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда инвестиция сиёсатида иқтисодиётни база тармоқларига сарфланаётган инвестицияларни рағбатлантириш орқали иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилди. 2000-2013 йилларда иқтисодиётга йўналтирилган йиллик инвестицияларҳажми 2,0 млрд.долл. дан 12,1 млрд.долл. га кўпайди ёки 6,4 баравар ўсди. Ҳисобот даврида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли иқтисодиётни таркибий тузилиши жиддий ўзгарди, яъни саноатни ЯИМдаги улуши 14,1%дан 24,2%га, хизмат кўрсатишни улуши 44,0%дан 54,0%га ўсган ҳолда, қишлоқ хўжалигини улуши 30,0%дан 17,6%гача қисқарди. Инфратузилма тармоқларига йўналтирилган инвестициялар мамлакатда ялпи талабни кўпайишига, бандликни кенгайтиши ва мутаносиб равишда аҳоли тармуш даражасини изчил ўсиши ва сифатини яхшилаш имконини берди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва бандлик таркибини такомиллаштириш имконини берди, яъни 2000-2013 йилларда саноат ва хизмат соҳасида банд бўлганлар улуши 66,6%дан 72,8%га ортди, аксинча қишлоқ хўжалигида машғул бўлган ҳиссаси эса 33,5%дан 27,2%гача қисқарди.

Иқтисодиётни база капитал сиғимкорлиги юқори, чегараланган иш жойлари яратиш имконига эга бўлган тармоқларни ривожланиши, қишлоқ хўжалигидаги фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва йириклаштириш борасидаги ислохотлар ишдан бўшаган ходимларни бандлигини таъминлаш тўғрисида кўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни талаб эта бошлади. Бу борада қилинган чора-тадбирлардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган кафолат ва рағбатлар тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш натижасида солиқ маъмурчилиги жиддий соддалаштирилди, маъмурий тўсиқларни қисқартириш ва трансакцион бизнесни юритиш харажатлари қисқартирилди. Юқорида қўлланган чора-тадбирлар туфайли 2001-2013 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 33,8%дан 55,8%га, саноатда 12,5%дан 28,1%га, қишлоқ хўжалигида 74,5%дан 98,1%га, хизмат соҳасида 37,0%дан 48,9%гача кўпайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланиши кўп сонли иш жойларини яратиш, аҳоли даромадларини ўсиши, ўрта

мулкдорлар синфини шаклланиши ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Аҳоли бандлиги соҳасида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторидан банд бўлганларни жами бандларга нисбати 2001 йилдаги 51,8%дан 2013 йилда 76,7%га ҳамда тадбиркорлик фаолиятдан олинмаган даромадларни аҳолининг умумий даромадаги улуши 27%дан 50,7%гача кўпайди.

Ташқи савдода, жамладан экспортнинг товар ва географик таркибини диверсификациялашуви ва тайёр маҳсулотлар улушини ортишини рағбатлантириш сиёсати мамлакат иқтисодиётини жаҳон конъюнктура ўзгаришларига бўлган боғлиқлигини қисқартириш ва юқори қўшилган қийматга рақобатбардош, тугалланган, юқори технологияни мужассамлаштирган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди.

Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи устувор йўналишларидан бири ишчи кучи таклифи ва талаби ўртасида мувофиқликка эришиш ва уни рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. ўрта ва узоқ истиқболда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар устун даражада мавжуд ортиқча меҳнат ва чегараланган миқдордаги ер-сув ресурслари билан белгиланади.

Давлатнинг меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилашга қаратилган фаолияти капитал сиғимкорлиги юқори бўлган истиқболли енгил ва озиқ-овқат, айрим машинасозлик корхоналарини ривожлантириш ҳисобланади. Ушбу ҳолат ишчи кучига бўлган эҳтиёжни, талабни оширади ва мавжуд бой табиий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради. Ниҳоят, мамлакатимизда узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётда самарали, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини юритиш иқтисодий ўсишни барқарорлигини таъминловчи ва сифатини ошириш имконини берувчи омил ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади” [2].

Ўзбекистонда амалга оширилган таркибий ислохотлар иқтисодиёт таркибини куйидагича диверсификациялаш имконини беради:



- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар саноатнинг улушини 2000 йилда 14,2%дан 2014 йилда 24,2%гача ўсишига олиб келди;
- кичик бизнеснинг жадал суръатларда ривожланиши натижасида унинг ЯИМдаги улуши 56,0% га етди;
- транспорт ва алоқа инфратузилмасининг ривожланиши бўйича инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши унинг ЯИМдаги улушини 2000 йилда 7,7%дан 2013 йилда 11,7%га ортиши кузатилди;
- иқтисодиёт таркибидаги сифат ўзгаришлари туфайли хизмат соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 2000 йилдаги 37%дан 2014 йилда 54,0%гача ўсишига олиб келди, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50%дан ортиги хизмат соҳасида меҳнат қилмоқда;
- мустақиллик йилларида пахта толасининг мамлакат экспорт таркибидаги улуши 1990 йилдаги 59,7%дан 2014 йилда 9,0%га камайди. Мамлакатда етиштирилган пахта толасининг 50% қайта ишланиб қўшилган қийматни мужасамлаштирган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда;
- хом ашё бўлмаган товарларнинг мамлакат экспортидаги улуши 1990 йилдаги 30%дан 2014 йилда 70%га етди [10];
- экспорт таркибида қўшилган қийматни ўзида мужассамлаштирган енгил автомобиллар, ип калава, газлама, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришининг улуши барқарор суръатларда ошиб бормоқда.
- 2011–2015 йилларда миллий иқтисодиёт таркибини модернизациялашнинг қуйидаги объектив тенденцияларини кузатиш мумкин:
  - турли мамлакатларнинг босқичма-босқич инновацион ривожланиш йўлига утиши муносабати билан фан сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлар улушининг ортиши;
  - миллий иқтисодиётда инновацион ишлаб чиқариш тармоқларининг устувор даражада ривожланиши;
  - инновацияга йўналтирилган иқтисодиётда давлат-хусусий ҳамкорлигининг илмий-инновацион фаолияти ривожланиши имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш асосида аралаш мулкнинг жадал суръатларда ўсиши;
  - иқтисодиётни модернизациялашда ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда фан, таълим, ишлаб чиқариш ва бозор интеграциясининг кучайиши;
  - иқтисодий ривожланиш стратегиясида ресурс-инновацион йўналишнинг кучайиши ва иқтисодий ўсиш сифатини яхшилашда инновацион омилларнинг етакчи рол ўйнаши;



- мамлакат минтақалари комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бараварлашуви;
- иқтисодиётда ва минтақада таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат томонидан тартибга солишнинг кучайиши;
- таркибий ўзгаришлар шароитида интеллектуал-малакали ва маънавий жиҳатдан етук бошқарувчиларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиши.

## БИБЛИОГРАФИЯ

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015. – 36 б.
2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. –Тошкент. “Ўзбекистон”, 2015. 9 б.
3. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичига кўтарадиган йил бўлади. -Т.: "Ўзбекистон", 2012.
4. Гуриев С., Сонин К. Экономика ресурсного проклятия // Ж: Вопросы экономики. №6. - С. 66.
5. Портяков В. Есть ли у Китая шансы не застрять в ловушке средних доходов // Ж: Мировая экономика и международные отношения. 2013, №6.
6. Стандартные колебания мировой экономики и коррекция экономической политики Казахстана. Часть 3. <http://ctntrasia.ru/newsA.php?=&id=1421050620>
7. World Development Indicators 2012 / World bank.
8. Алиев Т. “Казахстан: ресурсное проклятие” или “голландская болезнь” // Вопросы экономики, №6, 2013,
9. Казахстан придется девальвировать тенге на 30%: <http://ca-news.org/news:1146131>
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари: [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

## МАМЛАКАТДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ТАЪМИНЛАШДА ТАРКИБИЙ СИЛЖИШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маълумки, иқтисодиёт жуда кенг қамровли тизим ҳисобланиб, бир-бири билан кучли боғлиқ бўлган кўплаб макроиқтисодий элементлардан ташкил топган. Бу элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар иқтисодиёт таркибини билдиради. Мамлакат иқтисодиёти таркибининг аҳамияти иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашда, уларнинг самарадорлигини оширишда ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда кўринади. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши мамлакатлар ривожланиш хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Иқтисодиётдаги таркибий силжишлар мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Кўпчилик ривожланган Ғарбий Европа давлатлари, Жануби-Шарқдаги янги саноатлашган давлатлар юқори даражада иқтисодий ўсишга иқтисодиётидаги катта таркибий силжишлар ҳамда бошқа сифат жиҳатдан ўзгаришлар эвазига эришдилар.

Маълумки, иқтисодиётда таркибий силжишларни амалга ошириш натижасида туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин. Бугунги кунда республикамизда жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек: “...Ишончим комилки, биз иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ҳисобидан ўз олдимизга қўйган марраларга албатта эришамиз” [1].


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-4707 сонли Фармони доирасида мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни

модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли саноат тармоқларини янада ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия сиғими, меҳнат ва материал харажатларини камайтириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, рақобабардош тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгайтириш, ушбу маҳсулотларга ички ва ташқи бозорларда талабнинг ошишига эришиш, бунинг учун эса ҳорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш ишлари кўзда тутилмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий силжишларни баҳолашда иқтисодиёт таркиби асосан тармоқ, такрор ишлаб чиқариш, минтақавий ва ташқи савдо жиҳатидан қаралади. Иқтисодиётдаги таркибий силжишлар тармоқ жиҳатдан қаралганда, асосий уч тармоқ: саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар кўрсатиш соҳаларининг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши ёки ушбу тармоқларда банд аҳоли сонига қараб аниқланади. Мамлакат иқтисодий ўсишининг дастлабки босқичларида уч тармоқнинг иқтисодиётдаги улуши жиҳатидан қишлоқ хўжалиги устунлик қилса, иқтисодий ўсишнинг кейинги босқичларида саноат ва юқори иқтисодий ўсиш палласида эса хизматлар кўрсатиш соҳасининг етакчилик қилиши кузатилади.

Мамлакатимизда сўнги йилларда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши камайиб, саноатнинг улуши ошиб бормоқда. 2004 йилда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 26,4% ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 17,2% ни ташкил қилди. ЯИМда саноатнинг улуши эса 2014 йилда 2004 йилдаги 17,5% дан 24,1% га кўтарилди. ЯИМда хизматлар кўрсатиш соҳаси улуши 2004 йилда 56,1% бўлган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 58,7% ни ташкил қилди (1-расм). Мамлакатимизда ЯИМ таркибида саноат улушининг ортиб бориши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга катта ҳисса қўшади. Чунки, мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсишининг зарурий шарти саноат қайта ишлаб чиқариш тармоқларининг шиддат билан ривожланишидир. Уларнинг ривожланиши эса иқтисодиёт бошқа тармоқларини индустриаллаштиришга шарт-шароит яратиб беради ҳамда шунга мувофиқ бу тармоқларда меҳнат унумдорлигини оширади.

Иқтисодиётдаги таркибий силжишларнинг ЯИМга таъсирини ўрганишда таркибий силжишларнинг даврийлик индексидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич маълум даврлар орасида иқтисодиёт бирор тармоғидаги силжишларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги таъсирини билдиради. Кўрсаткичнинг энг юқори



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида [4]

### 1-расм. Ўзбекистонда ЯИМ таркибида қўшилган қиймат бўйича тармоқлар улуши, % да

қиймати 1 га тенг, энг кичик қиймати нолдан катта бўлади. Кўрсаткичнинг қиймати 1 га тенг бўлса, тармоқнинг таркибий силжиш даврийлиги мавжуд бўлмайди. Ушбу кўрсаткич қуйидаги формула орқали аниқланади [3]:

$$I_c = \frac{J_{s_t}}{\sum I_{s_t}} \quad (t = 0, 1, \dots, T) \quad (1)$$

Бу ерда:  $I_c$  - таркибий силжишларнинг даврийлик индекси;  $J_{s_t}$  - (0,T) даврлар учун таркибий силжишлар кўрсаткичи;  $I_{s_t}$  - таркибий силжишнинг йиллик кўрсаткичи.

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда саноат тармоқларида таркибий силжишларнинг даврийлик индекси 2004-2007 йилларда 0,6363 ( $0 < 0,6363 < 1$ ) қийматни, шунга мувофиқ ушбу даврда ЯИМнинг ўртача ўсиши 7,9% ни ташкил қилган бўлса, 2008-2010 йилларда таркибий силжишларнинг даврийлик индекси 0,1379 га, ЯИМнинг ўртача ўсиши эса 8,5% га тенг қийматни, 2011-2014 йилларда эса таркибий силжишларнинг даврийлик индекси 0,3333 га, ЯИМнинг ўртача ўсиши 8,2% га тенг бўлган бўлса, 2015-2019 йилларда таркибий силжишларнинг даврийлик индекси 0,8966 га тенг бўлишини башоратлаш мумкин.

**Ўзбекистон саноатида таркибий силжишларнинг даврийлик  
индекси**


Кўрсаткичлар	2004-2007 йиллар	2008-2010 йиллар	2011-2014 йиллар	2015-2019 йиллар (прогноз)
$I_c$	0,6363	0,1379	0,3333	0,8966
$J_{S_T}, \%$	3,5	0,4	0,1	2,6
$\sum I_{S_i}, \%$	5,5	2,9	0,3	2,9
ЯИМнинг ўртача ўсиши, % да	7,9	8,5	8,2	-

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-4707 сонли Фармониға №1 илова асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.*

2008–2010 йилларда таркибий силжишларнинг даврийлик индекси нолга яқинроқ (бу ижобий ҳолат) бўлишига (1-жадвал) саноат тармоқларида олиб борилган ислохотлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли Қарори доирасида олиб борилган чора тадбирлар орқали эришилди. Бундан ташқари 2011-2014 йилларда ҳам таркибий силжишларнинг даврийлик индексининг нисбатан ижобий кўрсаткичига эришишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли Қарори доирасидаги амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда 2000 йилда ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 14,2%, қишлоқ хўжалиги 30,1% ни ва хизматлар кўрсатиш 55,7% ни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич саноатда 24,2%, қишлоқ хўжалигида 16,8% ва хизматлар кўрсатишда 59,0% ни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши камайиши аввало саноатнинг, кейин эса хизматлар кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улшининг ортиши билан бирга юз берди. Бу эса мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда сезиларли

таркибий силжишлар амалга ошаётганининг яққол исботидир. Россияда 2014 йилда саноатнинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 37,9% дан 36,3% га тушиши, ЯИМда қишлоқ хўжалиги улушининг 6,4% дан 3,4% га тушиши ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳаси ЯИМдаги улушининг 55,7% дан 59,8% га ошиши кузатилган. Худди шундай ЯИМда хизматлар кўрсатиш соҳаси улушининг ошиши тенденцияси Хитойда ҳам кузатилишини кўришимиз мумкин, 2014 йилда Хитой ЯИМда хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши 2000 йилдаги 39% дан 46,1% га ошиши кузатилган [5]. Таҳлил қилинаётган давлатлар орасида Ўзбекистон ЯИМда хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши бўйича Россия ва Жанубий Кореядан кейин учинчи ўринда туриши мамлакатимизда ушбу соҳага катта эътибор берилаётганидан далолат беради (2-расм).



2-расм. 2013 йилда Ўзбекистон ва айрим давлатларда иқтисодиёт асосий тармоқларининг ЯИМдаги улуши [4], % да

Иқтисодиётда бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлар ўртасидаги, шунингдек, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасидаги номутаносибликлар миллий иқтисодиёт учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Иқтисодиёт таркибида хизматлар улушининг ўсиб бориши бугунги кунда ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётда таркибий силжишларни амалга оширишда миллий ҳисоблар тизими амалиётига кўра, иқтисодиёт тармоқларини урта сектор бўйича таҳлил қилиш лозим:

- бирламчи (бу секторда табиий ресурсларни ишлаб чиқариш, қазиб олиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ тармоқлар киради);
- иккиламчи (саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари киради);
- учламчи (транспорт хизматлари, коммунал хўжалик, қурилиш, савдо, мадофаа, давлат бошқаруви ва бошқалар) [2, 12-бет].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, саноатнинг қазилма тармоқларига нисбатан қайта ишлаб чиқариш саноат тармоқлари кўпроқ иқтисодий наф келтиради, у ички бозорга мўлжалланган. Лекин шуни айтиш керакки, ички бозорнинг сотиб олиш қобилияти ҳар доим ҳам етарли даражада эмас, шунинг учун тайёр саноат маҳсулотларини кенг экспорт қилишни зарурати туғилади. Шунингдек, иқтисодиётда маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланаётган хом-ашё тармоқлари ҳам янги технологиялар асосида ривожланиши зарур. Мамлакат иқтисодиётида таркибий силжишлар саноат тармоқларининг сифат жиҳатдан силжиши, кўп ресурс фойдаланишдан ресурсларни тежаш технологиясига ўтишни талаб қилади.

Бугунги кунда макродаражада қаралганда иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби мамлакат ялпи ички маҳсулот ва такрор ишлаб чиқариш босқичлари ўртасидаги ўзаро нисбатлар ҳамда ушбу силжишлар жамиятнинг ижтимоий йўналганлик даражаси, ишлаб чиқаришнинг жараёнларида ортиқча ресурс сиғимлигига барҳам бериш, истеъмол ва жамғариш динамикаси ва бунга мувофиқ равишда миллий иқтисодиётни янгилашнинг инвестиция имкониятлари ва экспортга йўналганлик даражасини билдиради. Мамлакат иқтисодиётнинг тармоқ таркиби тармоқлараро нисбатлар динамикаси, ҳамда иқтисодиётнинг нисбатан устувор тармоқлари самарадорлик жиҳатидан ўсиши, ижтимоий жиҳатдан йўналганлиги, ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик жиҳатдан ҳимояланганлигини кузатиш имконини беради.

Шунингдек, миллий иқтисодиётнинг технологик таркиби устувор йўналишларни энг янги замонавий ҳамда анъанавий технологиялар ўртасидаги ўзаро нисбат динамикаси, миллий иқтисодиётга юқори илмталаб технологияларнинг жорий этилиш ҳажмини билдиради.

Мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий таркиби мамлакат ҳудудларида ишлаб чиқаришни, хусусан, ижтимоий инфратузилмани

жойлаштириш ва уни комплекс ривожлантиришда муҳим пропорцияларни кўрсатиб беради.

Бундан ташқари институционал таркиб эса иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини характерлайди.

Иқтисодиёт таркибини ўрганишда иқтисодиётнинг ижтимоий таркиби ҳам муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг ижтимоий таркиби муҳим иқтисодий белгилар (мулк, даромадлар, малака ва бошқалар) бўйича ижтимоий гуруҳлар тўпламини, шунингдек, уларнинг нисбий динамикасини ўзида акс эттиради.

Иқтисодиётдаги таркибий силжишлар ва иқтисодиёт таркибини ўрганишда юқорида келтирилган барча иқтисодий таркиб турлари иқтисодиётнинг бир бутунлигини шакллантиради, ундаги барча макро даражадаги элементларнинг ўзаро таъсирини ифодалайди.

Миллий иқтисодиётимизда таркибий силжишларни амалга ошириш, унинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асоси ҳисобланиб, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва зарурий шартидир. Бугунги кунда дунё иқтисодиётида содир бўлаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш учун таркибий силжишларни амалга ошириш заруратини тугдирмоқда.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қуйидаги таркибий силжишларни амалга ошириш ўринли деб ўйлаймиз:

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

- мамлакатда саноатни инновацион ривожлантириш тадбирларининг амалга ошириш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологиялар киритиш, бу орқали эса саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорлигини ошириш;

- кичик саноат зоналарида қайта ишлаш тармоқлари улушини ошириш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек, экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;



- мамлакатнинг ҳудудий жиҳатдан мувозанатли ривож-ланишида ижтимоий инфратузилмани жойлаштириш ва уни комплекс ривожлантириш;
- ҳудудларда қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил қилиш, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш;
- инновацион ривожланишнинг инсон капитали омилини ривожлантириш ва бошқалар.

## **БИБЛИОГРАФИЯ**

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. Т.: Халқ сўзи, 17 январь 2015 йил.
2. Демченко С.К. Зарубежный опыт структурных преобразований в экономике: монография. – М.: ИД «АТиСО», 2007, 156 с.
3. Спасская О.В. Развитие методов макроэкономического анализа структурных изменений в экономике россии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук: <http://www.ecfor.ru/pdf.php?id=books/sa2003/02>
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида: "Йиллик статистик тўплам" Тошкент-2013, "Ўзбекистон рақамларда -2014" Тошкент -2014.
5. Жаҳон банки маълумотлари асосида: <http://data.worldbank.org/indicator/NV.IND.TOTL.ZS>  
<http://data.worldbank.org/indicator/NV.AGR.TOTL.ZS/countries/1W?display=default>

**Исаджанов Абдували Абдурахимович,  
Тошкент Ислон Университети профессори  
Кенжабоева Рақшона,  
Тошкент Ислон Университети магистранти**

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашув жараёни экологик, энергетик, хом ашё, гуманитар муаммолар билан бирга озиқ-овқат муаммосини ҳам юзага келтириб чиқариб жаҳон ҳамжамияти ва ҳар бир давлат

томонидан бир қатор долзарб масалаларни ҳал этилишини талаб қилмоқда.

Мамлакатда етиштириладиган озиқ-овқат экинларининг аҳволи, истиқболи ва турлари, улардан олинадиган ҳосилнинг мазали таъми ва фойдали хусусиятлари, уларнинг миллий иқтисодиёт ва экспортда тутадиган ўрни, биринчи навбатда, шу давлатнинг географик жойлашуви, унинг тупроқ-иқлим шароитига ва албатта шаклланган деҳқончилик маданияти ва савиясига, керак бўлса, муайян маҳсулотни етиштириш маҳоратига, бундай маҳсулотларнинг маҳаллий ва хорижий бозорларда нечоғлиқ харидоргир бўлишига боғлиқ [1].

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш – бу уни ҳаёт фаолияти билан таъминлаш бўлиб, глобал характерга эгадир. Сайёрамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш узоқ тарихий илдизга эга.

Озиқ-овқат танқислиги бутун тарихий жараёнда инсониятни таъқиб этиб келди. Очлик – бу фақат озиқ-овқат муаммосининг пайдо бўлиши омили бўлибгина қолмай, инсониятнинг ҳаёт фаолиятини таъминлашдаги ресурс-экологик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизимнинг таназзулга учрашидан огоҳлантиришдир.

Замонавий дунё харитасида очлик зонаси экватор чизигининг иккала томонида катта ҳудудларни қамраб олади. Африканинг Сахрои Кабирдан жанубдаги деярли барча қисми, Ғарбий Осиё, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Кариб ҳавзаси, Жанубий Американинг катта қисми шу ҳудудга киради.


Турли рақамларга кўра, дунёда 0,8 дан 1,2 млрд гача одам очлик ёки тўйиб овқатланмасликдан азоб чекмоқда, уларнинг кўпчилиги ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади [2].

Маълумки, XX аср давомида овқатланиш кўрсаткичлари салмоқли яхшиланди. Бунинг асосида жаҳонда дон ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ривожланаётган мамлакатларда “яшил инқилоб” ва ривожланган мамлакатлардаги биотехнологик тараққиёт, суғорилувчи майдонларнинг кенгайиши, агротехника ва селекциянинг яхшиланиши ётади.

Лекин бу глобал озиқ-овқат муаммоси ҳал этилди дейишга тўла асос бўла олмайди. Биринчидан, хатто энг муваффақиятли даврларда ҳам озиқ-овқат инқирозлари рўй берди, бунда кўпчилик мамлакатларнинг озиқ-овқат ҳафвсизлиги таҳдид остида қолиб, озиқ-овқат захираси жуда хавfli чегарагача қисқарган вақтлари бўлди.

Иккинчидан, 90-йилларда жаҳонда дон етиштириш суръатлари пасайиб кетиб, аҳолининг ўсиш суръатлари ундан ўзиб кетди. Бунинг сабаблари ҳайдаланиладиган ерларнинг қисқариши (кўп ҳолларда чўлланишнинг кенгайиши натижасида), сувнинг танқислиги, кўпчилик мамлакатларда моддий ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, баъзи минтақаларда демографик портлаш жараёнининг давом этиши билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам очлик ва тўйиб овқатланмасликни акс эттирувчи абсолют кўрсаткичлар айрим мамлакатларда ҳали ҳам юқоридир.

Ҳозирда инсоният учун муҳим стратегик йўналишлардан бири бу барқарор озиқ-овқат таъминотидан иборат. Чунки озиқ-овқат инсонларнинг яшаши ва ҳаракатланиши учун мустаҳкам асосдир. Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш қўмитасининг 39-чи сессиясида (Рим, Италия, 2012 йил 15-20 октябр) юқори даражадаги экспертлар гуруҳининг “Озиқ-овқат хавфсизлиги ва иқлим ўзгариши” ҳисоботида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги таҳдидлар ниҳоятда кескинлашиб бораётгани таъкидлаб ўтилган [3].



Манба: Цели развития тысячелетия: доклад за 2014 год. ООН. Нью-Йорк. 2014. -С. 12.

**1-расм. Тўйиб овқатланмаётган аҳолининг камайиб бориши (2015 йил маълумотлари прогноз)**

1990-2013 йилларда тўйиб овқатланмаётган аҳолининг камайиб бориши 1-расмда келтирилган. Расмда кўриниб турганидек, ушбу кўрсаткич камайиб бориш тенденциясига эга. 2015-йилда ушбу кўрсаткични 11,8%гача камайтириш режалаштирилган. Тўйиб

овқатланмаётган аҳолининг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Бу кўрсаткич 1990-92 йилларда Африка ва Саҳрои Кабирнинг жанубидан жойлашган мамлакатларда 33%, Жанубий Осиёда 26%, Океанияда 14%, Шарқий Осиёда 22%, Жануби-Шарқий Осиёда 31%, Ғарбий Осиёда 7%, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатларида 15%, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида 14%ни ташкил этган.

2011-13 йилларда эса ушбу кўрсаткич Африка ва Саҳрои Кабирнинг жанубидан жойлашган мамлакатларда 25%, Жанубий Осиёда 17%, Океанияда 12%, Шарқий Осиёда 11%, Жануби-Шарқий Осиёда 11%, Ғарбий Осиёда 10%, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатларида 8%, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида 7% эга бўлган. 1990-92 йилларда ривожланаётган мамлакатларда тўйиб овқатланмаётган аҳоли сони жами аҳолига нисбатан 24%ни ташкил этган бўлса, 2011-13 йилларда бу кўрсаткич 14%га тушган [4].

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси илк бор 1974 йилда Жаҳон озиқ-овқат саммитида таклиф қилинган бўлиб, “Озиқ-овқат истеъмолнинг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамгармалари ҳар доим мавжудлиги”ни англатади. Озиқ-овқат хавфсизлиги миллий иқтисодиёт даражасидаги иқтисодий хавфсизликнинг муҳим элементларидан биридир. Мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талаби 80% қондирилганда хавфсизлик таъминланган ҳисобланади.

Мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллигини ифодаловчи энг асосий кўрсаткич истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмида миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улуши ҳисобланади. Умуман ички ишлаб чиқариш ва импорт ҳисобига таъминланадиган тегишли сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли ҳажмларда мавжудлиги озиқ-овқат хавфсизлигининг асосидир. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда қишлоқ хўжалиги соҳаси ва унинг хомашёсини қайта ишлаш бўйича ихтисослашган озиқ-овқат саноати муҳим ўрин тутаяди. Ушбу соҳаларнинг ривожланганлиги озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиш даражасини ифодалайди, дейилса хато бўлмайди.

хам озиқ-овқат нархлари ошишига сабаб бўлади. Иқлим ўзгаришлари натижасида эса мазкур жараёнлар янада тезлашиб вазият мураккаблашиб бораверади.

Ҳозирда кўпгина мамлакатларда урбанизация даражаси ошиб бормоқда, натижада фермерлик билан шуғулланмайдиган ва иқлим ўзгаришидан тезда зарар кўрадиган шаҳар камбағаллари тоифаси пайдо бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат хавфсизлиги учун икки жиҳатига кўра аҳамиятлидир: инсоният учун озиқ-овқат бериш; жаҳон жами ишчи кучининг 36% и учун бирламчи тирикчилик манбасидир.

Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари учун бу кўрсаткич 40-50% ни ташкил этса, Африка мамлакатлари аҳолисининг 2/3 қисми ҳозирда қишлоқ хўжалигидаги фаолияти ҳисобига кун кўради. Агар Осиё ва Африканинг паст даромадли ривожланаётган мамлакатларида иқлим ўзгариши сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми камайса, қишлоқларда яшовчи кўплаб камбағал аҳоли учун озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи янада муаммоли тус олади.

Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик – буларнинг бари иқлим шароити билан чамбарчас боғлиқ фаолият турларидир. Иқлим ўзгариши бу секторларга тўғридан-тўғри таъсир қилади. Мўтадил иқлимли минтақаларга бу ижобий таъсир этса, тропик иқлим худудларига салбий таъсир этади.

Миллий иқтисодиётларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига юқори даражада таянганлиги бу мамлакатлар озиқ-овқат хавфсизлиги учун салбий ҳолатдир. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси иқлим ўзгаришларига нисбатан ўзгарувчан, қолаверса, бу маҳсулотларнинг нархлари жаҳон бозорлари конъюнктурасига улкан даражада боғлиқдир.

Ривожланаётган мамлакатлар орасида озиқ-овқат экспортига юқори даражада боғлиқ бўлган мамлакатлар сирасига Гвинея-Биссау, Қамар ороллари, Либерия, Малави, Эфиопия ва бошқалар киради (2-жадвал). Экспортида қишлоқ хўжалиг улуши энг кам бўлган мамлакатлар эса Америка Самоаси, Экваториал Гвинея, Ангола, Қатар, Ливия ва бошқа мамлакатлар ҳисобланади (2-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги бу мамлакатлар экспортида катта улушни ташкил этсада, жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида жуда кам улушга эга. Бу борада эса ривожланган мамлакатлар етакчилик қилади.

Экспортда қишлоқ хўжалиги улуши энг кўп (а) ва энг кам (б)  
бўлган мамлакатлар

№	Мамлакатлар (а)	Улуш	Мамлакатлар (б)	Улуш
1	Гвинея-Биссау	90.91 %	Америка Самоаси	0.00 %
2	Қамар ороллари	87.61 %	Экваториал Гвинея	0.01 %
3	Либерия	85.20 %	Ангола	0.02 %
4	Малави	80.33 %	Қатар	0.02 %
5	Эфиопия	74.92 %	Бруней Дорус-Салом	0.03 %
6	Никарагуа	70.11 %	Ливия	0.03 %
7	Жибути	68.61 %	Муқаддас Пьерра ва Миквелон	0.04 %
8	Бурунди	67.28 %	Венесуэлла	0.05 %
9	Афғонистон	64.64 %	Ироқ	0.07 %
10	Сан Томе ва Принсипи	60.48 %	Кувайт	0.15 %
11	Вануату	60.41 %	Лесото	0.20 %
12	Тимор-Лесте	58.69 %	Конго	0.22 %
13	Сомали	57.86 %	Янги Каледония	0.25 %
14	Уганда	54.67 %	Япония	0.40 %
15	Тонга	53.30 %	Жазоир	0.48 %
16	Котд-Ивуар	52.73 %	Норвегия	0.52 %
17	Аргентина	51.47 %	Хитой, Тайван провинцияси	0.68 %
18	Уругвай	51.14 %	Корея Республикаси	0.77 %
19	Бенин	50.39 %	Сейшел ороллари	0.86 %
20	Муқаддас Винсент ва Гренадина	49.56 %	Габон	0.86 %

Манба: <http://faostat.fao.org/site/342/default.aspx>

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабабидир. Бу тафовут, аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда чуқурлашиб бормоқда.

Атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган кургоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ер ости сувларининг тугаб

бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини кайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги борган сари долзарблашиб бормоқда.

Ерларнинг экологик жиҳатдан бузилиши кимёвий моддалар, минерал ўғит ва пестицидларни тинимсиз ишлатиш оқибатида янада кучаймоқда. Буларнинг қаторига урбанизация, яъни шаҳарлашув жараёнлари, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиши билан боғлиқ муаммолар ҳам қўшилмоқда. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонлари сезиларли даражада қисқариб кетмоқда.

Шунингдек, бир қатор ривожланаётган мамлакатларда аҳоли даромадларининг жадал суръатлар билан кўпайиб, шунга мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ортиб бораётганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришда бир қатор йўқотишларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Сўнгги пайтларда озиқ-овқат муаммосининг кўлами ва таркибий тузилиши ҳам мураккаблашиб бормоқда. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифасидир. Озиқ-овқат муаммосининг кескинлашишига тобора авж олаётган экологик қийинчиликлар, чўллашиш жараёнининг кучайиши, кўплаб ҳайдаладиган ҳудудларда эрозиянинг авж олиши, чучук сувнинг танқислиги натижасида ирригация ишларининг секинлашиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Озиқ-овқат муаммоси долзарб, кўп қиррали муаммо бўлиб, уни ҳал этиш қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал этиш доирасидан чиқиши керак. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш фақат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан эмас, балки табиий ресурслардан мақбул фойдаланиш стратегиясини ишлаш билан ҳам боғлиқдир.

Ресурсларнинг дунё мамлакатлари бўйлаб нотекис жойлашганлиги, қолаверса, мамлакатлар иқтисодий тараққиёт даражасининг хилма-хиллиги, аҳолининг таъминот даражаси ҳам шунга боғлиқ равишда бир биридан кескин фарқ қилиши ва бошқа бир қатор омиллар ишлаб чиқариш ва савдо жараёнларини бошқариш ва тартибга солишни тақозо этади.

Барча мамлакатларда иқтисодий хавфсизликнинг муҳим сегменти бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини комплекс таҳлил қилиш ва унинг механизмини такомиллаштириш

юзасидан аниқ назарий, услубий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Бу борада, қишлоқ хўжалиги ҳолатини янада яхшилаш, кўзланган юқори натижаларга эришиш учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш муҳимдир [1].

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги талабни ошириш, уларни сақлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантириш.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари ва банк тузилмаларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига таяниш диққатга сазовордир. Ажратилган молиявий маблағлар билан бирга, илгор агросаноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида кўрсатилган амалий ёрдам ва ҳамкорликларни янада кенгайтириш устувор йўналишлардан биридир.

## БИБЛИОГРАФИЯ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. <http://xs.uz/index.php/rasmii/item/1321>.

2. Opinion Piece. How Secure is Our Food Supply? P.3 [Http://www.naturalhub.com/food\\_issues\\_food\\_supply\\_security.htm](http://www.naturalhub.com/food_issues_food_supply_security.htm)

3. Продовольственная безопасность и изменение климата Доклад Группы высокого уровня по продовольственной безопасности и питанию Комитета по Всемирной продовольственной безопасности, Рим, 2012 год. [www.fao.org/cfs/cfs-hlpe](http://www.fao.org/cfs/cfs-hlpe).

4. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги. UNDP. 2010. Б. 4-13.



**Ишмухамедова Лола Анваровна**  
к.э.н., доцент ТГЭУ  
**Шийхназаров Тимур**  
студент магистратуры ТГЭУ

## **ОЦЕНКА СОВРЕМЕННОГО УРОВНЯ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Углубление рыночных реформ и дальнейшая либерализация экономики республик, нацеленные на демократизацию и обновление общества, улучшение жизнедеятельности населения выдвигает сегодня новые задачи, где особое место принадлежит сферы малого бизнеса и частного предпринимательства.

Необходимо отметить, что за период 2000-2014 г.г. отечественное предпринимательство, усиливая темпы развития многоукладной экономики страны, заметно расширило ресурсную базу, укрепило производственный потенциал, способствовало росту занятости населения. Из общей численности занятых в экономике, каждый второй сегодня работает в сфере бизнеса и предпринимательства. Только за 2013 г. было создано около 26 тысяч субъектов малого бизнеса, без фермерского хозяйства, общее количество которых в начале 2014 года составляло 235,4 тысяч единиц. В результате за счет развития предпринимательства в целом, за последние пять лет создано около 3,5 млн. новых рабочих мест, из них около 70% приходится на вновь созданные субъекты индивидуального бизнеса. Доля малого и частного предпринимательства в ВВП Узбекистана выросла с 31,0 % в 2000 году, до 55,8 % в 2013 году, в промышленности соответственно с 12,9 до 23%, в экспорте с 10,2 до 18 %, в общей численности занятых с 49,7 до 75,0% [1].

Субъекты предпринимательства в силу своей гибкости, маневренности и относительно меньшей капиталоемкости успешнее, чем крупные предприятия, обеспечивают модернизацию производства и обновление ассортимента выпускаемой продукции, быстрее приспосабливаются к рыночному спросу. Но ещё важнее другое – это обеспечение трудозанятости населения, а также ликвидация или, по крайней мере, смягчение безработицы, являющейся неотъемлемым атрибутом рыночной экономики во все времена и во всех странах.

Тот факт, что доля предпринимательства во внутреннем национальном продукте (ВВП) республики в 2013 г. достигла 55,8%, в то время как в странах ЕС – 60% действительно свидетельствует об огромных неиспользованных возможностях отечественного бизнеса и предпринимательства.

Принятый Закон «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности», а также ряд нормативных правовых актов, постановления Правительства страны по вопросам активизации деятельности Республиканского координационного совета по стимулированию развития предпринимательства, его поддержке, новые порядки микрокредитования, упрощение условий лицензирования, регистрации, учета, отчетности и налогообложения – значительно улучшили экономическую среду для развития субъектов предпринимательства страны.

**Таблица 1**

**Динамика развития малого предпринимательства  
в Республике Узбекистан**

Показатели	1999	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014
1. Удельный вес малого бизнеса в ВВП республики – всего, %	29,1	32,0	38,2	52,5	54,0	54,6	55,8	56,0
в том числе:								
- МП и микрофирм, %	12,6	13,1	21,5	32,7	33,7	33,9	38,4	35,1
- индивидуальный бизнес, %	16,5	17,9	19,0	19,5	20,1	20,7	21,2	21,6
2. Кол-во действующих юридических лиц, тыс.ед.	149,3	149,3	268,6	201,7	218,9	219,7	213,6	233,5
3. Количество субъектов индивидуального бизнеса, тыс.ед.	3160,8	717,4	4040,7	4155,2	4420,0	4689,3	4773,1	4821,1
4. Численность занятых в сфере МП – всего, тыс.чел.	4048,8	467,1	733,0	8694,1	8965,1	9253,4	9519,6	9999,7

*Источник: Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан.*

Несомненно, важным для эффективного развития субъектов предпринимательства, стал принятый государством Закон РУз «О частном предприятии». Это и другие меры по стимулированию и под-

держке предпринимательства отразились на процессах его развития, увеличении доли в валовом внутреннем продукте страны и уровня занятости в данном секторе экономики (таблица 1).

Как видно из приведенных данных удельный вес малого предпринимательства (далее МП) в ВВП республики увеличился с 29,1% в 2000 году, до 56,0% в 2014 году, или почти в 2 раза. Удельный вес юридических лиц МП в ВВП республики увеличился с 12,6%, до 35,1% соответственно, или в 2,8 раза. Доля индивидуального предпринимательства в ВВП республики увеличилась в 1,3 раза и в 2014 году достигла 21,6%. Однако несмотря на последний факт, индивидуальный бизнес один из лидеров отечественной малой экономики и заслуживает особого внимания, так как учитывает региональные особенности, национальные традиции [4].

Важную роль в повышении конкурентоспособности экономики страны, прежде все за счет давнейшего совершенствования инвестиционного и делового климата для малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане играют коммерческие банки. Именно с их деятельностью связано улучшение деловой среды, существенное увеличение вклада МБЧП в росте валового внутреннего продукта страны и регионов, решение вопросов занятости, особенно в сельской местности.

С другой стороны именно МБЧП может стать долгосрочным и устойчивым источником прибыли для банков, сталкивающихся с низкой маржой в корпоративном бизнесе и высокой конкуренцией в разнице, тем самым требуя от банков с каждым годом расширения масштабов банковского обслуживания МБЧП. Опыт многих зарубежных стран и банков показывает, что обслуживание МБЧП может приносить прибыль при условии правильного подхода к нему. На протяжении многих лет в Узбекистане уделяется большое внимание кредитованию МБЧП, но возникающие современные изменения на рынке банковских услуг для малого бизнеса требуют активно развивать со стороны коммерческих банков нефинансовые услуги и продукты, напрямую не связанные с кредитованием субъектов малого бизнеса. Для эффективной работы в этом направлении коммерческим банкам необходимо разработать меры по изучению клиентов и особенностей данного рынка. Поэтому качественное предоставление субъектами МБЧП инструмента бизнес планирования со стороны коммерческих банков может быть хорошим способом поддержки и

повышения эффективности их бизнеса, а также будет способствовать обеспечению их доступа к финансированию.

В связи с вышеизложенным одним из ключевых факторов стимулирования МБЧП в Узбекистане является расширение льготного кредитования в данной сфере. Только в 2013 году на развитие и стимулирование этого сектора экономики банковская система страны выделила кредитов на сумму 4 трлн. сум, что составило 26% от общего объема выделенных кредитов [4].

Необходимо отметить, что акционерно-коммерческий банк «Ипотека-банк» является крупными универсальным финансовым институтом страны, оказывающий широкий спектр всех видов банковских услуг, благодаря хорошо развитой сети филиалов, принципиальным клиенто-ориентированной политики и команде квалифицированных специалистов. На начало 2015 года в системе АКНБ «Ипотека-банк» обслуживаются более 67 тысяч субъектов малого бизнеса. Всего за 2014 год на поддержку МБЧП банк выделила более 700 млрд. сум [4].

Стоит отметить, что банком широко используются такая форма финансирования как микрокредитование предпринимателей. «Ипотека-банк» только в 2014 году банком выделено более 170 млрд. сумов, микрокредитов а в 2015 году это сумма приблизится к 200 млрд. сумам. Именно благодаря тому, что семейное предпринимательство находится в центре внимания банков страны, она получила достойное развитие и финансовую поддержку. Только в 2014 году, на кредитование этого сектора МБЧП в стране выделено более 10 млрд. сум в том числе «Ипотека-банк» выделил - 8,6 млрд. сум кредитных средств таким образом обеспечивших сотни тысяч рабочих мест сельским жителям.

Также большой вклад в развитие деловой среды вносит Акционерно-коммерческий «Узпромстройбанк», которая финансирует реальный сектор экономики, поддерживает отечественных крупных производителей и предпринимателей способствует осуществлению социально-экономических программ, кооперации и локализации производств, созданию новых предприятий и новых рабочих мест.

Необходимо подчеркнуть, что в этом направлении «Узпромстройбанк» постоянно увеличивает объемы кредитных вложений. Только в 2014 году объем кредитования для МБЧП составило около 660 млрд. сумов, а в 2015 году ожидается увеличение объема кредитования для МБЧП на 160 млрд. сумов. За счет выделенных кредитов

в разных отраслях экономики страны было создано более 6 тыс. новых рабочих мест [4].

Решая задачи диверсификации экономики регионов, при выдаче кредитов «Узпромстройбанк» отдаёт предпочтение малым предприятиям, насыщающих внутренний рынок продовольственными и непродовольственными товарами народного потребления, а также предприятий сферы услуг.

Одним из быстро развивающихся финансовых институтов нашей республики, оказывающих финансовую поддержку отечественным предприятиям МБЧП, является открытый акционерно-коммерческий банк «Капиталбанк».

Только в 2014 году кредитный портфель банка увеличился на 110% и составил более чем 112 млрд. сумов. Особенно быстро растет портфель по различным кредитам физических лиц – 146%, а по корпоративным кредитам (юридическим лицам, индивидуальным предпринимателям) вырос на 111%. Всего за счет выделенных кредитов на финансирование проектов в 2014 году создано более 500 новых рабочих мест, в том числе в секторе малого бизнеса – порядка 410 мест.

«Национальный банк» Внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан НБУ занимает лидирующие позиции на рынке кредитования в стране. При этом приоритетное место всегда являлось поддержка МБЧП путем выделения льготных кредитов в иностранной и национальной валютах. Предоставленные кредиты направлены на приобретение новых технологий и оборудования, минитехнологий, которые позволяют производить предпринимателям высококачественную и конкурентоспособную продукцию.

Следует отметить, что поддерживая МБЧП Национальный банк ВЭД охватывает многие сферы отечественной экономики. Так в 2014 году НБУ выделено более 1 трл. сумов кредитов субъектами МБЧП на закупку оборудования и расширение промышленных и производственных мощностей, приобретение импортных машин, оборудования, минитехнологий и материалов [3].

Сегодня первостепенными задачами банка и финансовых учреждений страны остаются укрепление лидирующих позиций на финансовом рынке мира, доверие клиентов, в частности предпринимателей. Кредитная политика коммерческих банков значительно возросла, их роль в диверсификации экономики, приоритетом стала работа по сотрудничеству с субъектами малого бизнеса и частного предпринима-

тельства, оказанию ими современных банковских услуг, упрощению механизма выделения кредитов.

Важнейшим фактором, обеспечивающим устойчивые темпы развития МБЧП и в целом экономики страны, явилось реформирование банковской системы в целом, в результате чего рост совокупного капитала коммерческих банков к началу 2015 года оставило почти 25%.

Укрепление банковской системы страны создало необходимые предпосылки для снижения в 2014 году ставки рефинансирования с 12 до 10% и соответствующего уменьшения процентной ставки по кредитам коммерческих банков.

В результате оценки предпринимательства в республике, значительного упрощения механизма мер по улучшению деловой среды и созданию еще более благоприятных условий для развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. Только по итогам 2014 года [1]:

- 98 процентов субъектов МБЧП сдали налоговую и статическую отчетность в электронном виде;
- для стимулирования развития МБЧП в трудоёмких отраслях промышленность, таких как легкая, пищевая и производство строительных материалов, стало увеличение предельной численности работников со 100 до 200 человек;
- коммерческими банками выделено субъектам МБЧП кредитов на сумму свыше 9 трлн сумов, или 1,5 раза больше чем в предыдущем 2003 году, в том числе микрокредитов – в размере около 2 трлн сумов, с ростом на 39 процентов. Всего за последние пять лет объем кредитования МБЧП увеличился почти в 5 раз;
- значительно расширен доступ МБЧП к сырьевым ресурсам, прежде всего за счет увеличения объемов их реализации на биржевых и ярмарочных торгах. в 2014 году субъектами МБЧП было закуплено на Республиканской товарно-сырьевой бирже сырья и материалов почти на 3 трлн сумов или в 1,6 раза больше чем в 2013 году;
- через биржевые торги предприниматели страны реализовали собственную продукцию в объеме 1 триллиона 500 млрд сум, и или с ростом к прошлому 2013 году в 1,7 раза;
- создано свыше 20 тысяч новых субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства без учета фермерских и дехканских хозяйств, а их общее количество составило свыше 195 тыс., что в 2 раза больше по сравнению с 2000 годом;

- доля малого бизнеса и частного предпринимательства в формировании ВВП выросла за период с 2000 года с 31% до 56%, а в производстве промышленной продукции с 12,9 % до 31,1%;
- в сфере МБЧП создано более 480 тыс. новых рабочих мест, или каждое второе. В настоящее время в этой сфере экономики трудится более 76,5% всего занятого населения против 49,7% в 2000 году;
- Узбекистан в опубликованном всемирным банком обновленном рейтинге стран по уровню экономического развития, определенного по размеру валового внутреннего продукта, рассчитанного по паритету покупательной способности среди 190 стран мира Узбекистан поднялся с 72-го места в 2010 году до 66-го места;
- по рейтингу характеризующему условия ведения бизнеса Узбекистан за последние годы поднялся на восемь позиций, а по налогообложению на 61 позицию. По оценке ПРООН, Узбекистан вошел в первую десятку стран в мире по количеству проведенных реформ в области облегчения ведения бизнеса за последние годы;
- созданы условия для широкого развития семейного бизнеса – новой формы предпринимательской деятельности, которая полностью соответствует традициям узбекского народа и др.

## БИБЛИОГРАФИЯ

1. Каримов И. А. «Создание в 2015 году широких возможностей для развития частной собственности и частного предпринимательства путем осуществления коренных структурных преобразований в экономике страны, последовательного продолжения процессов модернизации и диверсификации – наша приоритетная задача». Народное Слово, 17 января 2015 года.
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 апреля 2014 года № УП-4609 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию инвестиционного климата и деловой среды в Республике Узбекистан».
3. Свести к минимуму малообеспеченность /Ж.Экономическое обозрение/ №7. 2014 г., -С. 23.
4. Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан: <http://www.stat.uz/>

## ПУТИ ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА

С переводом общественного производства на рыночные отношения на повестку дня со всей остротой возникает вопрос о повышении эффективности реального сектора экономики – предприятий, где создаётся не только необходимая обществу и населению продукция, но и основная часть национального дохода. Именно на предприятиях реализуется политика ресурсосбережения, внедряются различные виды «ноу-хау», в том числе труда- и ресурсосберегающие технологии, осуществляется современный менеджмент, поиск резервов и дополнительных возможностей роста экономики. Не менее важно и то, что на предприятиях работают многочисленные основной «костяк» профессиональные работники, определяющие стратегию развития не только производства, но и всей экономики. Словом, предприятие – это то звено экономики, от эффективности функционирования которого в значительной мере зависит как мощь государства, так и жизненный уровень и благополучие народа.

К сожалению, понятие «эффективность» заметно уступило своё место прибыли (доходу) предприятий, хотя эффективность и прибыль или доход – это не равнозначные экономические категории. Прибыль (доход) – это один из показателей эффективности, но не вся эффективность производственной деятельности. Например, качество продукции может быть скорее отнесено к категории эффективности, чем непосредственно к прибыли или дохода, хотя качество – это своеобразное «зеркало» работы любого предприятия.

Повышение эффективности, на каком бы уровне управления производством не рассматривалось – это та категория, которая характеризуется в первую очередь более полным и качественным удовлетворением общественных потребностей. Это достигается благодаря продуманному увеличению производства продукции необходимого ассортимента и качества. Ведущим показателем деятельности предприятия должно быть производство продукции в натуральном выражении с характеристикой её потребительских свойств. Планировать или прогнозировать его надо на основе заказов потребителей, чему современная свобода экономической деятельности открывает широкий простор почти каждому предприятию.



Стоимостные показатели (товарная или реализованная продукция, прибыль и др.) должны определяться исходя из предусматриваемого роста производства продукции в натуральном выражении и структурных сдвигах в её выпуске. Ведь не случайно в оценке результатов хозяйственной деятельности предприятий в настоящее время возрастает роль показателя поставок продукции не в стоимостном измерении а надлежащего качества и количества, а также в сроки, предусмотренные заключенными с потребителями договорами или контрактами.

Отсюда вытекает, эффективность – более сложный и многогранный показатель, охватывающий все стороны работы предприятия: производство, связь с поставщиками, реализацию продукции, выполнение налоговых, финансовых, кредитных и других обязательств. Чем выше эффективность производственной и хозяйственной деятельности, тем, соответственно, выше экономическая и финансовая устойчивость предприятия, более надёжным является его развитие в перспективе. На этой основе успешно осуществляются и социально-экономические преобразования в масштабе всего общества, всей национальной экономики.

По имеющимся данным, в прошлом году в республике было сдано в эксплуатацию 154 крупных высокотехнологичных объектов ведущих отраслей. В истекшем 2014 году в экспортную деятельность вовлечено свыше 500 новых предприятий, прежде всего субъектов малого бизнеса, внешнеторговый баланс определился с положительным сальдо в 180 миллионов долларов, золотовалютные резервы возросли на 1,6 миллиарда долларов.

В результате принятых мер по стимулированию развития малого бизнеса и частного предпринимательства в истекшем году создано свыше 20 тысяч новых субъектов малого бизнеса без учета фермерских и дехканских хозяйств, а их общее количество составило свыше 195 тысяч, что в 2 раза больше по сравнению с 2000 годом.

В 2014 году в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства было создано более 480 тысяч новых рабочих мест, или каждое второе. В настоящее время в этой сфере экономики трудится более 76,5 процента всего занятого населения против 49,7 процента в 2000 году.

В результате разгосударствления и приватизации в настоящее время в республике создано и функционирует свыше 1100 акционерных обществ. Их совокупный уставный капитал составляет более 11,7 триллиона сумов и за последние десять лет вырос в 5,3 раза [1].

Важнейшим инструментом динамичного и сбалансированного экономического роста, осуществления глубоких структурных преобразова-

ний и диверсификации экономики является проведение активной, адресной инвестиционной политики.

В некоторых отраслях промышленности разработана и осуществляется программа реструктуризации, предусматривающая техническое перевооружение производства, освоения и выпуска новых видов продукции, более лучшего использования имеющихся основных фондов и объектов. Отличительная особенность проводимой в Узбекистане инвестиционной политики состоит в том, что приоритет отдается инвестиционным проектам, направленным на создание новых высокотехнологичных производств, обеспечивающих глубокую переработку местных сырьевых ресурсов. В 2014 году в ведущих отраслях экономики введены в эксплуатацию 154 крупных объекта общей стоимостью 4,2 миллиарда долларов, оснащенные современным высокотехнологичным оборудованием.

Поддержание высоких темпов экономического роста будет обеспечиваться последовательной реализацией взвешенной, глубоко продуманной налоговой и денежно-кредитной политики, направленной на снижение налоговой нагрузки в экономике, повышение ее стимулирующей роли в деятельности хозяйствующих субъектов. Как показывает анализ, правительство республики делает немало для дальнейшего укрепления экономики предприятий с помощью отмеченных экономических рычагов и стимулов. К числу первоочередных мер относится снижение базовой ставки налога на прибыль до 7,5 процента. Наряду с этим ставка единого налогового платежа для предприятий в сфере строительства будет снижена с 6 до 5 процентов – до уровня промышленных предприятий.

В необходимых случаях предприятия, особенно сельского хозяйства, получают транши и санационную поддержку. Полностью отменены всякие лимиты, квоты и разнарядки, улучшена система доступа предприятий к товарным и материально-сырьевым ресурсам, в том числе и по таким ликвидным товарам, как хлопковое волокно, топливо и нефтепродукты, минеральные удобрения, растительное масло, мука, сахар и др.

Однако, дело не только в скорости происходящих изменений, а и в их направленности. Речь идет о том, что, несмотря на эти и другие меры государственного воздействия, немалая часть предприятий не обеспечивают должную эффективность производства, далеки от требований качества и конкурентоспособность выпускаемой продукции, вместо прибыли нередко получают убыток и становятся банкротами. Не лучше

складывается положение с дебиторской и кредиторской задолженностью, достигающей порою миллионов и миллиардов сум. Оставляет желать лучшего загрузка производственной мощности, уровень которой на отдельных предприятиях не превышает 20-30%.

На заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2014 году и основным направлениям углубления экономических реформ на 2015 год, Президент И.А.Каримов отметил: «Настало время провести полномасштабный критический анализ наличия и эффективности присутствия государственных долей в отраслях экономики, иначе говоря, «присутствия государства в экономике», и на этой основе определить наши меры по значительному увеличению присутствия частного сектора в отраслях экономики.

В первую очередь необходимо реализовать в частную собственность, прежде всего профессиональным иностранным инвесторам, убыточные, низкорентабельные и экономически несостоятельные государственные предприятия, не обеспечивающие загрузку мощностей из-за отсутствия спроса на их продукцию, фактически по нулевой выкупной стоимости, с принятием новыми инвесторами обязательств по восстановлению и созданию на их базе новых современных производственных мощностей.

Это государственные активы в предприятиях отраслей реальной экономики, нуждающиеся в техническом и технологическом обновлении, расширении ассортимента производимой продукции и повышении ее конкурентоспособности».

По нашему мнению, на помощь предприятиям, причем независимо от их отраслевой принадлежности и формы собственности, должны прийти банки, число которых, особенно мини-банков, сегодня имеет тенденцию к росту. Разумеется, речь в данном случае не идет о сплошной банковской поддержке предприятий. Например, убыточные, нежизнеспособные, неконкурентоспособные, неэффективные предприятия, напрасно изводящие ресурсы, с отсталой технологией и устаревшей продукцией, не имеющей спроса, несомненно, должны покинуть рынок. Речь идет о предприятиях, имеющих стратегические бизнес-планы и проекты, но попавших во временное финансовое затруднение.

Наряду с этим следовало бы опережающими темпами проводить общегосударственную стратегию реконструкции промышленности, создавать условия для интенсивных инвестиций в производство, выдерживать курс на динамичную структурную перестройку, быстро заменяя

отжившие технологии, производства и комплексы новыми, конкурентоспособными, гибкими, высокоавтоматизированными. В целом, требуется тщательно продуманная и неукоснительно реализуемая политика создания новых рабочих мест, нового производственного аппарата, который стал бы притягивать, вовлекать в народное хозяйство молодые трудовые ресурсы. В этом перспектива улучшения экономики на всех уровнях, в том числе на уровне предприятий. В этом случае будет успешно решаться и другая, не менее важная, задача – вовлечение в производство населения, темпы естественного роста которого в стране заметно повышаются.

Для улучшения экономики предприятий, конечно же, нужны тесные взаимоотношения с зарубежными партнерами, инвесторами. Здесь, как говорил в свое время наш Президент, необходимо придерживаться двух принципов: первый – ни одно предприятие, ни одно ведомство не должно получать никаких иностранных инвестиций, если эти инвестиции не будут направлены на производство продукции, которая может экспортироваться за границу и приносить доход в виде твердой валюты и второй – не должно быть ни одного предприятия, которое не имело бы контактов с передовыми зарубежными фирмами [1].

К сказанному можно добавить, что зарубежных инвесторов интересуют и привлекает не только природные ресурсы, но и возможность размещения в стране трудоемких производств с использованием относительно дешевой рабочей силы. В Европе, как показывает анализ, остается все меньше таких стран, где это еще возможно.

Однако иностранные инвесторы, как особо подчеркивал И.А.Каримов наш Президент, в меньшей мере обеспокоены решением волнующих нас проблем структурных преобразований, приоритетного развития капиталоемких, не дающих больших прибылей, но крайне необходимых для жизнеобеспечения республики, отраслей и производств. Поэтому мы должны изыскивать собственные источники инвестиций для развития базовых отраслей, для обеспечения экономической независимости. Это в первую очередь относится к предприятиям, от успешной деятельности которых зависит не только собственная экономическая устойчивость, но и эффективное функционирование всей национальной экономики.

Указом Президента от 15 мая 2015 года № УП-4725 принята Программа мер по обеспечению надежной защиты частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства, снятию преград для их ускоренного развития. Вполне очевидно, что это очередной шаг по по-

вышению роли и места частной собственности в экономике республики, направленный на ликвидацию преград и ограничений на пути развития предпринимательства. Принятая Программа направлена на:

- повышение ответственности, вплоть до уголовной, должностных лиц государственных, правоохранительных и контролирующих органов за воспрепятствование и незаконное вмешательство в предпринимательскую деятельность, нарушение прав частных собственников;
- усиление гарантий защиты частной собственности, продолжение процесса либерализации административного и уголовного законодательства, регулирующего предпринимательскую деятельность;
- дальнейшее упрощение всех видов регистрационных, разрешительных и лицензионных процедур, а также процедур, связанных с осуществлением внешнеэкономической деятельности;
- создание необходимых условий и возможностей для ускоренного развития частной собственности и частного предпринимательства, расширения их доступа к материальным и кредитным ресурсам, улучшения бизнес-среды.

В целом хозяйствующие субъекты получили очень важный и нужный документ, дающий новый качественный импульс развитию реального сектора.

## **БИБЛИОГРАФИЯ**

1. Каримов И.А. Создание в 2015 году широких возможностей для развития частной собственности и частного предпринимательства путем осуществления коренных структурных преобразований в экономике страны, последовательного продолжения процессов модернизации и диверсификации – наша приоритетная задача.//Народное слово, 17.01.2015.

2. Каримов И.А. Указ Президента № УП-4725 «О Программе мер по обеспечению надежной защиты частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства, снятию преград для их ускоренного развития» от 15 мая 2015 года.

3. Шилов А. Инновационная экономика: наука, государство, бизнес.-М.// Вопросы экономики, 2011, №1.

## ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ТАРКИБИДА ХИЗМАТЛАРНИНГ УЛУШИ ВА УНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни олиб боришда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, унинг омилларидан самарали фойдаланиш ва иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш асосий вазифалар сифатида белгиланди ва бу бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек: “Ўтган йил яқунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал курилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди” [1].

Мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларни асосида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация этиш жараёнларини ўрни беқиёсдир. Шу нуқтаи назардан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий силжишлар ўзининг мақсади, асосий тамойиллари ва устувор йўналишларига эга. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз томонларидан иқтисодиёт таркибида сифат ўзгаришларни таъминлаш, жумладан, хизмат

соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини босқичма-босқич 55 фоизга етказиш даркорлиги қайд этиб ўтилди.

Таркибий ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири – миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштиришдир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқалигина эришиш мумкин.

Бунда давлатнинг иқтисодий сиёсатида олдин таркибий, кейин даромадлар сиёсатига устуворлик бериладигани, улар ўз моҳиятига кўра иқтисодий ўсишда фаолликка эришиш учун шарт-шароит бўлиб қолади. Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун шарт-шароит яратишга қаратилган давлатнинг таркибий ўзгаришлар сиёсати бир қатор йўналишлар билан бориши зарур.

*Биринчидан*, миллий иқтисодиётнинг таркиби ялпи ички маҳсулот ҳажмида пировард маҳсулотларнинг ўсиб боришини таъминлаш талабларига жавоб берадиган тарзда такомиллаштирилиб борилиши лозим;

*Иккинчидан*, иқтисодий ресурслар ва шу жумладан, ишчи кучининг самарали банд бўлиши муаммосини ҳал қилиб бориш ҳам таркибий сиёсатда ўз ифодасини топиши керак;

*Учинчидан*, таркибий сиёсатда иқтисодий ўсишнинг интенсив омиллари устуворлигини таъминлаб бориш ҳисобга олиниши зарур;

*Тўртинчидан*, иқтисодиёт таркибини шакллантириш меҳнат унумдорлигини ўстириб бориш талабларига мос бўлиши лозим.

Ялпи ички маҳсулот яхлит иқтисодиётнинг ривожланиш якунини ёритиб берувчи ишлаб чиқариш ва хизматларнинг пировард кўрсаткичидир. Унинг мазмуни истеъмол қиймати нуқтаи-назаридан жами якуний товар ва хизматларнинг, қиймат жиҳатидан қайта яратилган қиймат ҳамда асосий фондлар амортизациясини ифодалайди.

Ялпи ички маҳсулотнинг тўғри ва аниқ ҳисобланиши ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, унинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш имконияти ҳамда жаҳон иқтисодиётидаги тутган ўрнини белгилаб беради. Шу сабабли ҳар бир мамлакат ўз ҳудудида яратилаётган товар ва хизматлар ҳажмини имкони борича тўлароқ ҳисоблашга ҳаракат қилади. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг ҳаракат шакллари чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосида миллий ҳисоблар тизимини такомиллаштиришни объектив заруратга айлантиради [4].

Ялпи ички маҳсулотнинг такрор ишлаб чиқариш босқичлари бўйича ҳаракати ушбу кўрсаткични ҳисоблашнинг уч усулидан фойдаланишни тақозо этади:

1. Қўшилган қиймат (ишлаб чиқариш) усули;
2. Харажатлар (пировард истеъмол) усули;
3. Даромадлар (тақсимлаш) усули.

Бу уччала усулни қўллаш ялпи ички маҳсулот ҳаракатининг барча босқичларини комплекс тадқиқ қилишга, даромадлардан фойдаланиш ҳамда уларни шакллантириш жараёнларини ўрганишга ёрдам беради [3].

Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усулларида бири қўшилган қиймат усули бўлиб, бу усулда ҳисоблаганда якуний товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни турли босқичида қўшилган қийматлар йигиндиси ифодаланади. Ялпи ички маҳсулотни бу усулда аниқлаш статистик жиҳатдан қулай бўлиши билан бирга уни ҳисоблашнинг муҳим шартига амал қилиш, яъни бир қийматни икки бор ҳисобга олиш, ёки оралиқ маҳсулот қийматини ялпи ички маҳсулотга киритиб юборишнинг олдини олади.

Ялпи ички маҳсулотни қўшилган қиймат усули бўйича ҳисоблаш-иктисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларидаги қўшилган қийматлар ҳамда маҳсулотларга соф солиқларни жамлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Бу ерда тармоқлардаги қўшилган қиймат - товар ва хизматларни ялпи ишлаб чиқариш ҳамда оралиқ истеъмол ўртасидаги фарқдан келиб чиқади.

Қўшилган қиймат концепцияси маҳсулотнинг турли тармоқларда яратилган қийматини шу маҳсулот турини ишлаб чиқарган корхоналарда такрор ҳисобга олмасликка асосланган. Ушбу усул билан ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми яхлит иқтисодиётнинг таркибига кирувчи алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотни яратишдаги ўрни ва ҳиссасини аниқлашга ёрдам беради.

Ялпи ички маҳсулот реал ҳажмининг ўсиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишини умумлаштирган ҳолда акс эттирувчи, аҳолининг ўсиб ва ўзгариб бораётган эҳтиёжларини, турмуш сифатини яхшилаш қобилиятини ифодаловчи муҳим макроиктисодий кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодий ўсишни унинг мезонлари бўйича турларга ажратиб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.



Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш мезонларини аниқлаш бўйича катор тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот ўсиши тенденцияларини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин:

1-босқич. Пасайиш йиллари. Бу 1991-1995 йилларни ўз ичига олади. Бу даврлар оралигида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўзгариши суръатлари 88,9 % дан 99,1 % гача ораликда бўлди.

2-босқич. Барқарорлашиш йиллари. Бу 1996-2003 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда ялпи ички маҳсулот ўсиши 101- 105,2 % оралигида бўлди.

3-босқич. Юқори ўсиш суръатлари таъминланган йиллар. Бу 2004 йилдан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур йилларда ялпи ички маҳсулот ўсиши 107,4 % дан 109,5 % гача ораликда бўлди [5].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда кейинги йилларда барқарор иқтисодий ўсишга эришилмоқда. Яқин йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йилига 8 фоиздан ортиқ бўлган даражадаги барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, 2015 йил давомида ҳам ялпи ички маҳсулотни 8 фоизга, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ҳажмини 15,6 фоизга ошириш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54,5 фоизга етказиш назарда тутилмоқда. Бунда иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, паст инфляция кўрсаткичлари ва миллий валюта курсининг барқарорлиги орқали таъминланади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишида, ижтимоий меҳнат тақсимотини кенгайтириш ва ихтисослаштиришда, жамият ривожланиши ҳамда аҳолининг эҳтиёжларини қондиришда хизмат кўрсатиш соҳалари ниҳоятда катта роль ўйнайди.

Иқтисодиётнинг ривожланиши, реал секторларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб бориши билан саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб борилиши жаҳон иқтисодий тарихида кузатилган ҳодисадир.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Барчамизга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон таърибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни таъминлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда. 2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг

ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиги ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг учдан бир қисми айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу борада хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз” [1].

Мамлакатимизда сўнгги беш йилда анъанавий маиший ва коммунал хизматлар улуши 16 фоиздан 9,5 фоизга тушди, юқори технологиялар асосидаги хизматларнинг улуши эса 21,2 фоизга қадар кўтарилди. Юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан анча жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йилда эса 24,5 фоизга ўсди. Иқтисодиёт ва жамият ҳаётида ахборот-коммуникация технологиялари алоҳида ва муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Мамлакатимизнинг олис ҳудудларида яшаётган аҳолини ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони кўпайиб бормоқда.

Умуман, мамлакатимизда 1990-2014 йилларда хизмат кўрсатиш ҳажми 3 баробардан зиёд ошди. Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан жадал ўсиши кузатилмоқда, натижада мазкур соҳанинг иқтисодиётдаги улуши ортиб бормоқда. Агар 1990 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 54 фоизни ташкил этди [6].

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг фаолияти иқтисодий кўрсаткичларда етарлича ўз ифодасини топади. Булар, савдо, маиший турар жой, аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият соҳасидаги кўрсаткичлар ва ҳоказолардан иборат.

Хизмат кўрсатиш соҳалари ўз ичига бозор ва нобозор хизматларини олади. Бозор хизматлари бевосита айрибошлаш жараёни билан боғлиқ бўлиб, фойда олиш мақсадида кўрсатиладиган хизматлардир. Иқтисодий бирликларнинг бозор хизматларини кўрсатганлик учун қилган харажати - шу хизматларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан қопланади.

Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотни қўшилган қиймат усули бўйича ҳисоблаш жараёни корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган расмий маълумот ҳамда турли мажбурий ҳисоботлар асосида амалга оширилмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг бу усулини танлаш мавжуд ахборот базасининг хусусиятлари ва унинг ишончлилиги билан боғланган. Бироқ илмий кузатишларга кўра ушбу усулнинг ҳисоб-китоб ишларида муайян камчиликлар мавжуд.

Биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ахборот таъминоти яхши йўлга қўйилмаган. Натижада бу соҳанинг улуши якуний макроиқтисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини тўлиқ топмаяпти.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини ифодалаб берувчи турли ҳисобот шакллари талаб даражасида ишлаб чиқилмаган, бу эса уларнинг фаолиятини тўлиқўрганиш имконини бермаяпти.

Шундай бўлишига қарамай, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаларига катта эътибор қаратилиши натижаси ўлароқ, ушбу соҳанинг таркиби йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги ПҚ-1957 сонли “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори асосида қабул қилинган дастур ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754 сонли “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги Қарорининг ижросини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган дастурлар хизмат соҳасини жадал ривожланишида муҳим босқич бўлмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида бозор хизматлари каби нобозор хизматларининг ҳам аҳамияти жуда каттадир.

Нобозор хизматлари бозорда сотилмайдиган, фойда олиш мақсадидан холи бўлган, бепул кўрсатиладиган хизматлардир. Бундай хизматларнинг харажатлари давлат бюджети, ижтимоий ташкилотлар ва уй хўжаликлари ҳисобидан қопланади. Буларга давлат бошқарув муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг фаолияти киради. Бугунги кунда республикамизда айрибошлаш жараёнида бевосита иштирок этувчи ва ўз таннархини тўла қопловчи бозор хизматларидан фарқли ўлароқ нобозор хизматларининг қиймати ишлаб чиқариш харажатлари ва асосий воситаларнинг эскириши ҳажмида ҳисобланади [2]. Бунинг натижасида нобозор хизматларини

кўрсатувчи иқтисодиёт субъектларининг кўшимча маҳсулоти сотилмаган бўлиб қолади. Бу эса, ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот ҳажми камайтириб кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўшилган қиймат усули бўйича ҳисоблаш жараёнида нобозор хизматларининг ҳажмини худди бозор хизматлари ҳажмини ҳисоблагандек ёндашиш зарур. Фойда миқдорини эса худди шу тур хизматлар кўрсатилаётган соҳаларда олинаётган фойда билан шартли равишда тенг деб олиш керак.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда бир қатор хизматлар ўз харажатларини қопламайди. Масалан, уй хўжаликларининг хизматларини оладиган бўлсак, турар жой фондининг харажатларини шу турар жойлардан келадиган ижара ва бошқа тўловлар тўлиқ қопламайди. Шунинг учун ушбу соҳаларда яратилаётган хизматлар қиймати ялпи ички маҳсулот миқдорининг сунъий камайтириб кўрсатилишининг олдини олиш учун турар жой ижара ҳақи ва бошқа тўловларни ҳақиқий харажатлар миқдорида белгилаш зарур.

Мамлакатимизда охириги йилларда норасмий фаолият соҳаси сезиларли даражада кенгаймоқда. Иқтисодиётнинг норасмий сектори товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича очиқ фаолият юритувчи сектор ҳисобланади, лекин улар мунтазам равишда тегишли статистик ҳисоботларни топширмаслиги сабабли, ушбу фаолият натижаларини ҳисобга олиш имконияти чекланган. Бу ялпи ички маҳсулот ҳажми ва унинг динамикасини аниқ баҳолаш имкониятини бермайди, бунинг оқибатида хуфёна ва норасмий фаолият натижалари якуний макроиқтисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини топмайди. Норасмий фаолият юритувчиларнинг ишлаб чиқариш натижасини танлама услубни янада такомиллаштириш орқали ҳисобга олиш зарур.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўшилган қиймат усули бўйича ҳисоблаш жараёнида кўпчилик иқтисодчилар ишлаб чиқариш соҳасига уй бекаларининг уй юмуш хизматларини ҳам киритишни таклиф этадилар. Булар-кир ювиш, овқат тайёрлаш, уй-жой ҳамда уй жиҳозларини тоза ҳолда тутиш, бола тарбияси ва шу каби хизматлардир. Уларнинг фикрича, бундай хизмат турларини шартли равишда бозор баҳоларида ҳисобга олиш керак ва уларнинг қийматини ҳам ялпи ички маҳсулот таркибига киритиш зарур.

Бизнинг фикримизча, уй бекаларининг бундай хизматларини ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳисоблаганда эътиборга олмаслик

керак. Чунки улар жуда катта ҳажмда кўрсатиладиган нобозор хизматлар бўлиб, улар пулда ўлчанса, бу иқтисодиётининг натижавий кўрсаткичларига путур етказди.

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулот таркибида ҳисобга олиниши такомиллаштирилса, ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи янада аниқроқ ҳисобланади ва бу мамлакатимиздаги иқтисодий ўсиш жараёнларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

### БИБЛИОГРАФИЯ

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир // Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь.

2. Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб.Т.: Мехнат, 1998. -145 б.

3. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. - М.: «Дело и сервис», 2007.

4. Мамбетжанов Қ.Қ. Ялпи ички маҳсулотнинг ҳаракат босқичларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш йўналишлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, 2012.

5. Рустамов Н.И. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсишининг тенденциялари ва омиллари// Biznes-Эксперт журнали. № 9, 2014.

6. Йиллик статистик тўплам – 2013. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент, 2014.

## **ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ**

Индустрия туризма в настоящее время является одной из быстро развивающихся форм в международной торговле услугами. Туризм, как сектор экономики имеет сильное влияние на социально – экономическое развитие многих стран. Для 38% государств туризм является главным источником дохода, а для остальных стран туризм является одним из пяти основных источников дохода.

Международный туризм как одна из форм международных экономических отношений приобрел в современных условиях огромные масштабы и стал оказывать существенное влияние на политические, экономические и культурные связи между государствами. Темпы развития туризма неуклонно растут. Туристические услуги при этом в международном товарообороте выступают как невидимый товар. Иностранцы пользуются услугами, предоставляемыми предприятиями туристской индустрии страны назначения.


Различают три основных вида международного туризма: рекреационный, научный и деловой. На долю рекреационного туризма приходится более 70% всех туристических поездок. На научный туризм – не более 15%, и, соответственно, на деловой туризм приходится столько же.

К числу важнейших предпосылок развития международного туризма можно отнести, прежде всего, социально-экономические предпосылки, а именно: рост числа наемных рабочих и служащих в зарубежных странах; повышение их материального и культурного уровня; усиление интенсификации труда и в то же время получение работниками более продолжительных отпусков и более высокой заработной платы и др.

Значение туризма в мире постоянно возрастает, что связано с возросшим влиянием туризма на экономику отдельной страны. В экономике отдельной страны международный туризм выполняет ряд важных функций:

- источник валютных поступлений для страны и средство для обеспечения занятости;
- расширяет вклады в платежный баланс и ВВП страны;
- способствует диверсификации экономики, создавая отрасли, обслуживающие сферу туризма;
- с ростом занятости в сфере туризма растут доходы населения, и повышается уровень благосостояния нации;
- туристическая отрасль входит в число экономических форвардов, дающих внушительную величину добавленной стоимости.

Особенных успехов мировой туризм достиг за последние 30 лет, когда число международных туристов возросло в четыре раза, а валютные доходы увеличились в 25 раз. На эту сферу приходится более 9% мирового валового национального продукта, более 6% мировых инвестиций, каждое 12-е рабочее место, 12% мировых потребительских расходов [3].



**Рис. 1. Доля поступлений от туризма [4].**

Туризм оказывает огромное влияние на такие ключевые секторы экономики, как транспорт, услуги гостиниц и ресторанов, торговля, строительство, производство товаров народного потребления и многие другие, выступая катализатором социально-экономического развития. Индустрия туризма – это отрасль экономики, которая имеет благородную цель – развитие культуры и образования, организацию общения и отдыха, восстановление сил человека.

Анализируя рисунок 1, можно сделать вывод, что наибольшая доля туризма в ВВП страны приходится на Европу - 43%. Следующий по значимости идет Азиатский Тихоокеанский регион, где уровень обслуживания туристов соответствует самым высоким европейским стандартам. Там активно развивается как экскурсионное и пляжное направления, так и шопинг. Третье место по списку – Американский регион, составляющий 20 %.

Развитие туризма выгодно и государству, и всему обществу. Валютные поступления от индустрии путешествий в туристических державах составляют 10–35 процентов от суммы всего экспорта. Там, где государство определяет туризм важнейшей отраслью экономики и создает ему режим наибольшего благоприятствования, туризм становится одним из серьезных источников доходов, залогом экономического процветания и повышения уровня жизни населения.

В настоящее время международный туризм имеет тенденцию оживления и за последнее время глобальные доходы от туризма увеличились, что является хорошей предпосылкой для того, чтобы подготовить туристическую отрасль Узбекистана для более интенсивного развития. С другой стороны, в реестр всемирного культурного наследия ЮНЕСКО вошли более чем четырех тысяч памятников культуры, материальных и духовных ценностей, обнаруженных на территории нашей страны, что закладывает значительный потенциал для развития международного туризма. Абсолютно очевидно, что уровень развития туризма в Узбекистане в настоящее время не соответствует богатому культурно-историческому наследию, являющимся достоянием мировой цивилизации. Эффективное использования имеющего потенциала по перспективному развитию туризма может стать локомотивом для расширения сферы услуг и создания новых рабочих мест, обслуживание одного туриста создает рабочие места для 4–7 обслуживающего персонала принимающей стороны [1].

Следует отметить, что наше государство уделяет значительное внимание развитию туризма. За период новейшей истории Узбекистана создана правовая база и инфраструктура туризма. В Узбекистане действуют законы "О туризме", "О страховании", "О государственной границе", постановления правительства, направленные на формирование инвестиционного климата, разгосударствление и приватизацию в туристической сфере, предоставления льгот, улучшения гостиничной инфраструктуры, строительства сетей дорог и курортов и т.д.

Помимо этого в 2004 году постановлением НК «Узбектуризм» утверждено «Положение о порядке въезда и выезда туристов в Республике Узбекистан». В нем указан перечень документов, необходимых для въезда и выезда из страны, а также меры обеспечения безопасности, меры пресечения в случае нарушения законодательства. Государственная политика Узбекистана в развитии туризма характеризуется провозглашением данной отрасли одним из приоритетных отраслей развития экономики и создает благоприятные всевозможные условия для туристиче-



ской деятельности. Правительством Узбекистана проводятся прогрессивные экономические преобразования в туристической индустрии страны. Согласно оценкам ВТО, к 2020 году туристический поток в европейских странах возрастет на 30%, а в Азии данный показатель составит 400%. При этом в своих прогнозах зарубежные эксперты также учитывают рост развития туризма в Узбекистане [2].

В Узбекистане системе туризма осуществляют деятельность 877 организаций и фирм, имеющих лицензию на туристскую деятельность (субъектов туристской деятельности), из которых свыше 456 гостиницы, мотелей и кемпингов более чем на 24 тысяч мест оказывают услуги туристам в соответствии с международными стандартами. Среди наиболее известных гостиничных сетей на рынке Узбекистана работают Radisson SAS, Dedeman Hotels & Resorts и другие. Около 90% туристических организаций и фирм относится к частному сектору, что влияет на формирование конкурентной среды в системе туризма по оказанию туристических услуг.

Одной из проблем туризма, на современном этапе, выступает неравномерное распределение туристических потоков по областям Узбекистана. Наибольшая концентрация объектов культурного и природного наследия находится в Самаркандской области (36%), Кашкадарьинской области (12%), Ташкентской области (11%), Бухарской области (8%), Андижанской области (6%). Основной поток туристов приходится на Ташкентскую область (38%), Самаркандскую область (19%), Бухарскую область (25%) и Хорезмскую область (11%).

Наибольшая туристическая нагрузка приходится на Бухарскую и Самаркандскую области, а наименьшие – Джизакскую, Навоийскую и Сырдарьинскую области, а также на Республику Каракалпакстан.

**Таблица 2**

**Распределения туристических потоков по областям**

	Кол-во объектов культ. и исторического наследия, шт.	Кол-во иностранных туристов, тыс. чел.	Туристская нагрузка человек\кв.км
Республика Узбекистан в том числе:	7500	386,1	0,9
Республика Каракалпакстан	255	1,3	0,01
Андижанская	415	0,9	0,2
Бухарская	615	97,9	2,5

Джизакская	365	0,3	0,01
Кашкадарьинская	928	8,1	0,3
Навоийская	233	1,3	0,2
Наманганская	273	3,3	0,03
Самаркандская	2708	70,8	4,3
Сурхандарьинская	358	9,5	0,5
Сырдарьинская	76	0,1	0,02
Ташкентская	799	145,9	1,5
Ферганская	334	5,8	0,9
Хорезмская	211	40,9	6,5

Максимальная туристическая нагрузка приходится на Хорезмскую область - 6,5 человек/кв.км., это объясняется сравнительно небольшой площадью региона и большим круглогодичным туристическим потоком (табл. 2).

Как показывает анализ, многие области обладают огромным количеством объектов культурного и природного наследия (Кашкадарьинская, Андижанская, Ферганская области), но практически не задействованы в туристском обмене. Этот вид туризма - познавательный, который обеспечивает ежегодный въезд туристов, является на сегодняшний день практически единственным. Слабой рекреационной освоенностью характеризуются природно-климатические ресурсы, несмотря на то, что в стране имеются 4 признанные законодательством природные зоны (Чимган-Чарвакская, Паргос-Акташская, Аксата-Паркентская и Сукокская), 9 государственных заповедников, 2 национальных парка, 9 государственных заказников, 1 Республиканский центр по разведению редких видов животных, более 60 источников минеральных вод.

Согласно опросу крупнейших отечественных туроператоров, сегодня в туристической отрасли отчетливо стали заметны тенденции роста спрос на экологический и медицинский туризм.

Медицинский туризм может быть продуктом любой страны, независимо от уровня ее экономического развития. Так, медицинский туризм способствовал получению примерно 25 млн. долларов США в год на Кубе, в Индии медицинский туризм продемонстрировал 27% увеличение числа туристов (что принесло до 2,2 млрд. долларов США годового дохода), Сингапур посетило более 150 тысяч туристов за медицинской помощью которые добавили 3 % к ВВП страны [3].

В настоящее время в системе Управления курортами при Совете федерации профсоюзов Узбекистана находится 15 санаторно-курортных учреждений с общим функционирующим количеством койко-мест – 2678. Ежегодно в санаторно-курортных учреждениях страны поправля-

ют здоровье свыше 80 тысяч человек, в том числе гости из ближнего и дальнего зарубежья. И с каждым годом количество отдыхающих растет. Это объясняется не только привлекательными природно-климатическими условиями, но и наличием неплохого медицинского оборудования и достаточно квалифицированных специалистов.

В туристской отрасли Узбекистана занято более 200 тыс. человек, совокупный вклад отрасли в ВВП страны превысил 2%. Образованием и подготовкой специалистов занимаются колледжи, лицеи и вузы в Ташкенте, Самарканде, Бухаре, Хиве. Одним из таких ВУЗов готовящих высококвалифицированных и конкуренто-способных кадров является Ташкентский государственный экономический университет, факультет «Международного туризма».

Еще 5 лет назад из общего числа занятых в сфере туризма всего лишь 30% имели высшее образование, то к концу текущего года это соотношение изменится и составит 45% занятых с высшим образованием и 55% со средне-специальным.

Огромным скачком в развитии стало принятие Программы развития сферы услуг в Узбекистане на 2012-2016 годы. Это дало развитие комплекса мероприятий для ускоренного развития отрасли, расширения видов и улучшения качества предоставляемых услуг, прежде всего в сельской местности, и на этой основе повышения роли и значения сферы услуг в устойчивом и динамичном развитии экономики страны, обеспечении занятости, увеличении доходов и росте благосостояния населения.

В его рамках планируется в 2016 году довести долю сферы услуг в ВВП до 55 процентов. В 2,2 раза будут увеличены объемы услуг связи и информатизации (включая услуги мобильной связи, по обеспечению доступа к сети Интернет, телевизионной кабельной связи, почты и электросвязи), финансовых и строительных услуг. В 2,4 раза возрастет объем услуг по компьютерному программированию (включая электронное образование и консультационные услуги) и услуг торговли и общественного питания. НК «Узбектуризм» совместно с Всемирной туристической организацией была сформирована группа для разработки национальной концепции «Устойчивое развитие туризма в Узбекистане». В эту группу вошли высококвалифицированные специалисты из Узбекистана, Ирландии, Великобритании, США и Индии под руководством Майкала Джозефа Мак Налти. Цель данного проекта – привлечение в страну большего числа иностранных туристов, превращение туристического бизнеса в одну из наиболее доходных отраслей экономики, развитие современных видов туризма, совершенствование профессиональной

подготовки кадров, создание конкурентного туристического продукта сильной индустрии туризма с выходом на мировой рынок.

Выходом из существующих проблем может стать разработка и введение Генеральной схемы размещения объектов инфраструктуры туризма Республики Узбекистан, что станет основанием для создания современного высокоэффективного и конкурентоспособного туристского комплекса, обеспечивающего широкие возможности для удовлетворения потребностей посетителей и жителей Республики Узбекистан в туристских услугах и значительный вклад в экономику республики, а также окажет влияние на развитие многих секторов местной экономики и расширяющего масштабы туристской деятельности.

Генеральная схема поможет реализовать пространственных аспектов инвестиционной политики в туризме, а также определить принципы и условия территориального размещения объектов туристской, производственной и транспортной инфраструктуры. Вместе с тем, это даст возможность определить приоритеты в развитии туризма в городах и районах, выделить центры туристской активности и наметить пути дальнейшего формирования Республики Узбекистан, как современного туристского комплекса, выявить конкретные объекты туризма в зонах - для поэтапного инвестирования.

Введение в практику Генеральной схемы будет способствовать дальнейшему развитию экономического потенциала Республики Узбекистан, увеличению доходной части бюджетов всех уровней, созданию благоприятных условий для решения социальных проблем. Эта схема позволит упорядочить учёт и увеличить долю организованного внутреннего и въездного туризма. Развитие туризма предоставит возможность укрепления смежных отраслей экономики и социальной сферы. Генеральная схема подразумевает не только раскрытие туристского потенциала городов и районов Узбекистана, но и привлечение в туристскую инфраструктуру республики инвестиций, которые могут дать быстрый и ощутимый экономический эффект.

## БИБЛИОГРАФИЯ

1. Развитие туризма в Узбекистане: состояние и перспективы. 2013г., Ташкентский Государственный Юридический Институт.
2. Национальная компания «Узбектуризм» [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz)
3. Всемирная туристическая организация ЮНВТО: аналитический отчет «World Tourism Organization UNWTO», 2013 г., <http://media.unwto.org/>
4. [www.indexmundi.com/](http://www.indexmundi.com/)

Хақимов Рашид  
ТДИУ кафедра мудири,  
и.ф.н., доцент

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РАҚОБАТБОРДОШЛИГИ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғида бозор иқтисодиёти қонунлари талаби таъсирида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Республика қишлоқ хўжалиги турли мулкчиликка асосланган ҳолда ривожлантирилди. Тармоқда ҳали заифроқ бўлсада мулкдорлар, ишбилармонлар қатлами вужудга келди. Қишлоқ аҳолисининг онги ўзгариб, бозор талабларига мослаша бошлади. Бугунги кунда статистика маълумотларига кўра қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 99,9 фоиздан ортиқроғи нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда. Бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олувчи ҳуқуқий база яратилди ва бу жараён давом эттирилмоқда. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган иқтисодий субъектлар асосан фермер ва деҳқон хўжаликлари қисман ширкат хўжаликлари шаклида таркиб топди. Мустақиллик йилларида 700 минг гектардан ортиқ қишлоқ хўжалиги ерлари аҳолига шахсий томорқа сифатида берилди. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жуда катта таркибий ўзгаришлар юз берди.

Қишлоқ хўжалигини истиқболга жадал ва барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга эътиборни кучайтириш бугунги кунда энг мақбул ривожланиш йўналишларидан ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалиги, Ўзбекистон Республикасининг энг қадимий, узоқ йиллардан шуғилланиб келаётган соҳаларидан биридир. Маълумки, бир тармоқни янгидан шакллантириш жуда катта маблағ, куч ва ресурсларни қилади. Қишлоқ хўжалиги эса республикада шаклланган, олдиндан фаолият кўрсатиб келаётган тармоқ. Шу сабабли бу тармоқни ривожлантириш учун катта маблағ ва ресурслар талаб қилинмайди. Демак, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш даражасида аграр соҳага эътиборни янада кучайтириш талаб қилинади. Мамлакат иқтисодиётини диверсификациялар, саноатлаштириш жараёнлари фаол кечаётган даврда иқтисодий ресурсларга бўлган талаб кескин ошади.

Шундай ҳолда жуда катта кўшимча маблағ талаб қилмайдиган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жуда катта иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ижобий ҳал этишга имкон беради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, унинг рақобатбардошлини мустаҳкамлаш жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Бу омилларни амал қилиш доирасига кўра шарили равишда 3 гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга ҳар бир ишлаб чиқарувчи субъектлар фаолиятига боғлиқ омилларни киритиш лозим. Уларга фойдаланадиган ресурсларнинг (ер, ем-хашак каби) сифати, технология тури, меҳнатнинг мотивацияси, рақобат муҳитининг мавжудлиги, маҳсулотнинг миқдори ва сифати кабилар киради.

Иккинчи гуруҳга мамлакатда мавжуд имкониятлар билан боғлиқ омилларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу омилларга мамлакатда фан-техниканинг ривожланганлик даражаси, айниқса уруғчилик ва наслчиликнинг ривож топгани, ҳуқуқий базанинг яратилганлик, бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси, мамлакатнинг экспорт сиёсати, рақобат муҳитининг даражаси кабиларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳга ташқи бозор муҳити билан боғлиқ омилларни киритиш мумкин. Халқаро бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари конъюнктураси, кучли ташқи рақобат муҳити бу омилларга киради.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда турли объектив сабабларга кўра асосий экспорт маҳсулоти бўлган пахта ишлаб чиқаришнинг миқдорий имкониятлари (экин майдони, моддий – техника воситалари билан таъминланганлик даражаси) нисбатан камайиб кетди. Бу ҳолат мустақилликнинг дастлабки йилларида вужудга келган ташқи ва ички сиёсатнинг объектив талаби эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда дон ишлаб чиқариш жуда кам даражада бўлиб, аҳоли истеъмоли учун зарур ун ва ун маҳсулотлари импорт қиланар эди. 1990 йилларнинг бошида ҳар йили шу мақсадлар учун 600 миллион АҚШ доллари сарфланар эди. Собиқ совет республикаларидаги аҳвол мураккаб бўлиб, ўтиш даврига мос бўлган барча камчиликлар юзага чиққан эди. Республикалар ўртасидаги олдинги иқтисодий алоқалар узилган ёки деярли издан чиққан эди. Турли сабабларга кўра тарихан дон ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган Россия, Украина, Қозоқистон каби мустақил давлатлар ўз эҳтиёжлари учун етарли миқдорда дон ишлаб чиқара олмай қолишганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳукумати ўзимизда дон ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва

кўпайтиришга қарор қилди ва бу жуда тўғри сиёсат бўлганлини кейинги йиллар исботлади. Аммо кейинги 15 йил ичида мустақил давлатларда ички ва ташқи вазият анча ўзгарди. Қўшни Қозоғистон, Россия давлатлари аграр тармоғида 2000 йилларга келибгина, анча жонланиш пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт, импорт қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Мустақил давлатлар ўртасида иқтисодий алоқалар ҳам маълум даражада кенгайди. Бу ҳолат Республика қишлоқ хўжалигида ернинг экин турлари ўртасида тақсимланишини қайта кўриб чиқиш имконини бермоқда. Республика қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда дон ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантиришни истиқболларини қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд. Ҳозирда Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Хоразм каби вилоятларда кузги буғдой экишни жуда пухта ўйлаб кўриш керак. Маълумки бу вилоятларнинг ерлари шўрланган бўлиб кузги буғдой экилган ерларда шўр ювиш ишларини ўтказиш имкони йўқ. Бу эса ушбу ерларнинг шўрланиш даражасини янада кўтарилишига, охир оқибат ҳосилдорлик ва самарадорликнинг паст бўлишига олиб келади. Натижада қишлоқ хўжалигининг аҳволи ёмонлашади ва унинг рақобатбардошлиги пасайади. Кузги ғалла экиладиган майдонларни қайта кўриб чиқишни таъминлашда икки имконият юзага келди. Биринчидан, юртимизда ғаллачилик тармоғини илмий асосларда ривожлантиришнинг мустаҳкам тизими яратилди. Серҳосил навлар, янги технологиялар нисбатан камроқ майдонларда ҳам мамлакатнинг нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи учун етарли миқдордаги донни етиштириш имконини беради. Иккинчидан қўшни давлатларнинг дон ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш салоҳиятининг ошиши бизнинг бу йўналишдаги сиёсатимизга маълум ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

Бизнинг фикримизча бу имконият қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини оширадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилиши лозим. Бу борада фақат пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш назарда тутилаётгани йўқ. Ўзбекистонда бир пайтлар жуда яхши ривожланган каноп ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида ҳам ижобий қарорга келиш вақти етди. Пилланинг дунёдаги нархи 12-24 доллар бўлиб турган пайтда Ўзбекистон пилласининг 5-6 доллардан сотилиши бу борада ҳам катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш энг аввало ички эҳтиёжлар ва экспорт учун бозор талаблари асосида амалга оширилиши керак. Албатта бу ўзгаришлар аҳоли, мамлакатнинг озиқ-овқат

хавфсизлигига зарар етмайдиган ҳолда олиб борилиши лозим. Аҳолининг иш билан таъминланишини, уларнинг дарамодларининг маълум даражада бўлишини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар олиб бориш зарурати янада кучаймоқда. Бу борада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки, айниқса чуқур қайта ишлаш сиёсатига жавоб бердиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътиборни кучайтиш талаб қилинади. Бугунги кунда пахтани тола сифатида сотгандан унга қайта ишлов беришдан кейин сотилса ундан олинадиган даромад 7 марта ошиши исбот қилинган.

Иқтисодчи олимлар фикрига кўра барча иқтисодий субъектлар бозор иқтисодиётида рақобатнинг икки муҳитида фаолият кўрсатадилар. Биринчи муҳит - бу мукамал (эркин) рақобат шароитидир. Иккинчи муҳит номукамал рақобат шароитидир.

Умуман олганда қишлоқ хўжалиги тармоқ сифатида ўзининг хусусиятига кўра мукамал рақобат муҳитига яқин муҳитда фаолият кўрсатади.

Мукамал рақобат муҳити бўлиши учун 5 та шарт бажарилиши талаб қилинади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Ҳар бир иқтисодий субъектнинг бозордаги улуши бозорга нисбатан жуда кичик ҳажмга эга бўлиши;
2. Маҳсулоти асосан (аксарият ҳолда) бир турдаги маҳсулотлар бўлиши;
3. Сотувчилар (таклиф қилувчи) нархлари тўғрисида харидорлар (талабгор) тўлиқ маълумотга эга бўлиши;
4. Сотувчилар асосан бир бирига боғлиқ бўлмаган (ўзаро келиша олмаган) ҳолда фаолият юритиши;
5. Иқтисодий субъектлар шу тармоққа кириши ёки ундан чиқиши (фаолиятини ўзгартириши) эркин бўлиши мумкинлиги талаб қилинади.

Ана шу талабларга республика қишлоқ хўжалигида мавжуд корхоналар, фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари жавоб берадими? Улар рақобатнинг қайси муҳитида фаолият кўрсатаёпти деган савол туғилади. Агарда эътибор бериб қаралса қаралса юқоридаги 5 та шартнинг 2 таси республика аграр соҳасида талаб даражасида мавжуд эмас. Биринчиси, сотувчилар нархлари тўғрисида харидорлар тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Иккинчиси, қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз фаолиятларини эркин, осонлик билан ўзгартириш имконияти чекланган. Демак, жадал ва барқарор, самарали ривожланишнинг асосида ётадиган омиллардан бири рақобат бўладиган



бўлса, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар (ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий) бор. Айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, уни тайёрловчи, дастлабки ва чуқур қайта ишловчи ҳамда аграр соҳага ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи тармоқлар ўз фаолиятлари учун зарур барча маълумотлар билан тўлиқ таъминланишига эътиборни қаратиш лозим. Бу масалалар билан шуғулланадиган махсус хизматлар шаклланиши ва ривожланиши лозим. Ҳозирда мавжуд бўлган, фермерлар уйи, фермер хўжаликлари уюшмаси, агрохизматлар, товар ишлаб чиқарувчилар палатаси каби хизматлар ишлаб чиқарувчиларни, хизмат қилувчиларни барча зарурий маълумотлар билан таъминлай олмайдилар. Маълумотлар билан таъминловчи тизимни такомиллаштириш ва уни кучли ривожлантириш қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бозор шароитида нисбатан камроқ, талофатларсиз ривожланишини таъминлаган бўлар эди. Маълумотлар, консалтинг билан бозор субъектларини таъминлаш давлат ва хусусий ишбилармонлар томонидан ташкил этиш керак бўлади. Олинаётган маълумот ва консалтинг хизматлари пуллик бўлиши яъни бу хизматлар пул топиш объектига айланган ҳолда унинг ривожланиши тўғри таъминланган бўлади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодиётни эркинлаштириш унинг рақобатбардошлини оширишга хизмат қиладиган омиллардан биридир. Ҳозирда, статистика бўйича қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш асосан нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келади. Фермер хўжаликлари амалдаги конунларга кўра нодавлат сектор ҳисоблансада ишлаб чиқаришни стратегиясини белгилаш, маҳсулотларини эркин сотиш ва ўз маблағларига эгаллик, уларни тасарруф қилиш борасида эркинликни кучайтириш талаб қилинади. Фермерларда бозор шароитида фаолият юритиш малакаси талаб даражасида эмас. Улар ўз ҳисоб-китобларини асосан давлат томонидан берилган (дон ва пахта) топшириқлар юзасидан олиб боради. Бозордаги талаб ва таклифга қараб мустақил иш олиб бориш малакаси жуда секин такомиллашмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари бозор талабидан келиб чиққан ҳолда ўз йўналишини ўзгартириши жуда секинлик билан амалга ошмаяпти. Шу билан биргаликда улар жуда чуқур ихтисослашишга ҳам эга эмас. Уларнинг кўпчилиги дон ва пахтадан ташқари яна 12-14 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсуотлари ишлаб чиқарадилар. Бу ҳолат технология, малаканинг талаб даражасида такомиллашишига кенг йўл очиб бермайди.

Бизнинг фикримизча 5-6 та туман қишлоқ хўжалик корхоналарини бутунлай давлат буюртмаларидан озод қилиб уларга ер майдони

бирлигига ягона давлат солиғи белгилашни тажриба қилиб кўриш вақти етди. Улар нима, канча, қандай ва ким учун ишлаб чиқаришни ўзлари ҳал этишлари мақсадга мувофиқ. Ушбу тажриба натижасига қараб бу ишни кенгайтириш ёки тугатиш имконияти туғилар эди. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги корхоналарида бозор талабларини ўрганиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини ошириш бизнинг фикримизча мажмуавий омилларга боғлиқ. Уларнинг ичида давлатнинг иқтисодий сиёсати муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда устивор тармоқларни тўғри белгилаш, чекланган ресурсларни иқтисодий субъектлар ўртасида рационал тақсимлашга эришиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириб бориш, турли ихтисосликлар бўйича малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ишларни кучайтириш ва ихтисослашган илмий тадқиқот институтларни ривожлантириш, янги технология ва техникалар, ишчи машиналар ишлаб чиқаришни рағбатлантириб бориш, ташқи савдо учун қулай шароитлар яратиш, иқтисодий имкониятлар яратилганда субсидиялар бериш ва бошқалар. Барча омиллардан унумли ва оқилона фойдаланилгандагина қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлиги ошиб боради.

## БИБЛИОГРАФИЯ

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь.

2. Кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993.

3. <http://laboureconomics.ru/regioneconomics/105-indicate>

**Қадыров Абдурашид Қодирович**  
**ТДИУ хузуридаги ИТМ, и.ф.д., профессор**  
**Ахмедиева А.Т.**

**ТАТУ, и.ф.н.**

**Дўсматов Б.О.**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**  
**мустақил-тадқиқотчиси**

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Глобаллашув шароитида ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини эътиборга олган ҳолда, жаҳон иқтисодиёти ривожланишида илм-фаннинг тутган ўрнини белгилаб олиш ва уни чуқур англашга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Билимлар иқтисодиётига ўтиш мамлакатда янги билимларни янги технологияларга, миллий ва глобал бозорларда ўзининг ҳақиқий истеъмолчиларини топа оладиган маҳсулотлар ва хизматларга самарали тарзда айлантира оладиган яхлит бир тизимни шакллантиришни талаб этмоқда. Шундай экан, иқтисодиёт тузилмаси фан сиғими юқори (илмталаб) ва юқори технологик тармоқлар улуши ўсаётган томонга ўзгариб бормоқда.

Янги технологияларга эга бўлиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда улардан самарали тарзда фойдаланиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва ролини, аҳолининг турмуш даражасини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда” [1].

Шундай экан, турли мамлакатларнинг инновацион сиёсатини шакллантириш тажрибаларини ва уларни амалга ошириш механизмларини ўрганиш, бунда уларни Ўзбекистон шароитларига мослаштириш имкониятларини ҳам эътиборга олиш, долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Саноат жиҳатидан ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишининг 80–95% техника ва технологияларда мужассамлаштирилган янги билимлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Миллий инновация тизимларининг яратилиши туфайли ривожланишнинг инновацион йўлига қадам қўйишга муваффақ бўлинди. АҚШда ўтказилган тадқиқотлар маълумотларига кўра, айнан миллий инновация тизимлари (МИТ) XX асрнинг бош ютуғи дея эътироф этилмоқда [2]. Ўзидан аввалги индустриал ривожланишнинг қонуний натижаси бўлмиш МИТ, амалий фойда келтира оладиган институтлар тизими сифатида, юқори даражада ривожланган мамлакатларга етакчи технологик тараққиётни таъминлаш ва ўз иқтисодиёти рақобатбардошлигини энг юқори поғоналарда ушлаб туриш учун кенг имкониятлар йўлини очиб берди.

“Янги иқтисодиётнинг” жадал ривожланиши, капитал ва янги технологиялар бозорлари ўртасида ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлик, ижтимоий йўналишга эга янги технологияларнинг кучайиб бориши, билимлар, технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг кенг миқёсларда яратилиши ва улардан фойдаланиш мамлакатни инновацион ривожлантиришнинг институционал асослари сифатида миллий инновация тизимларининг юзага келишини шарт қилиб қўйди.

Глобал чақириқларга жавоб тариқасида юзага келган айнан мана шу кескин жараёнларсиз бошланғич инновация бўғинлари, инновация фаолияти субъектлари ва объектларини ягона бир яхлит тизим ёки МИТга уйғунлаштириб бўлмас эди. Дастлабки шарт-шароитлар сифатида: тизимли таълим (технологик занжирлар, малакали кадрлар захираси ва ҳ.к.), тармоқли технологиялар, ягона ахборот макони, ягона иқтисодий ва ҳуқуқий муҳит, миллий миқёсга эга йирик лойиҳалар, давлатнинг интеграциялашув роли, жамиятнинг инновацион маданияти ва бошқалар шаклланди. Бироқ бундай боғловчи, тизим ташкил этувчи омиллар фақат куйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлсагина, самарали фаолият кўрсата олади:

– инновация жараёнини йўлга қўйиш учун етарли бўлган технологик ва интеллектуал салоҳият;

– инновация тармоқлари иштирокчилари сонининг, шу жумладан, унга янги ижтимоий гуруҳларнинг жалб этилиши натижасида, мунтазам ўсиб бориши;

– инновациявий ривожланишга йўналтирилган институционал тизим (ҳам расмий, ҳам норасмий унсурларни ўз ичига олган ҳолда);

– кўп сонли хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар ва умуман МИТ томонидан инновацияларга талабнинг ортиши;

– инновация тизимини етарли даражада молиялаштириш имкониятига эга бўлган иқтисодий ривожланиш (ЯИМ, хусусан аҳоли жон бошига).

Мана шу барча талабларнинг бажарилиши, дастлабки тизимли шарт-шароитларнинг мавжудлиги, инновациявий ривожланиш муаммоларини назарий жиҳатдан тушуниб етиш МИТнинг миллий чегаралар доирасида, яъни, айнан кичик ва йирик корхоналар, университетлар, лаборатория, технопарклар, инкубаторлар ва инновацион жараёнларни таъминлаб берадиган ва қудратли миллий асосларга, маданий анъаналарга, сиёсий ва маданий хусусиятларга эга ҳуқуқ, молиявий ва ижтимоий тавсифга эга институтлар мажмуи доирасида илмий билимлар ва технологияларни яратиш ва тижоратлаштириш билан банд узвий боғлиқ ташкилотлар (тузилмалар) мажмуи сифатида юзага келиши ва ривожланишига ёрдам берди.

Мазкур соҳаларнинг ташкилотлари ва корхоналари, унинг қуйи тизимлари, бўғинлари ва уларнинг ўзаро алоқалари, яъни миллий инновацион тизим тузилмасини ташкил этган ҳолда, инновационлик ва креативлик даражасига боғлиқ равишда тўлиқ ёки қисман МИТ таркибига киритилади.

1-расмда ривожланган мамлакатлардаги МИТ моделларининг ўзига хос жиҳатларини умумлаштирувчи тузилманинг шартли схемаси келтирилган.

Ушбу шу умумий модель доирасида МИТнинг миллий хусусиятлари шаклланади. Улар айтиб ўтилган вазифаларнинг бажарилишида давлатнинг ва хусусий секторнинг тутган ўрни, фундаментал, амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг нисбатида йирик ва кичик бизнеснинг роли, инновацион фаолиятнинг тармоқ ва минтақавий тузилмаларининг ривожланиш динамикаси орқали намоён бўлади.

Албатта МИТнинг қарор топишида ва самарали фаолият юритишида давлатнинг ўрни беқиёс, айнан давлат МИТнинг фаолият юритиши қоидаларини белгилаб беради ҳамда уни зарур ресурслар билан таъминлайди, шу жумладан, молиялаштириш ҳам давлат зиммасида бўлади.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш кўламларининг ўсиб бориш анъанаси аниқ кўринмоқда. Юқори даражада ривожланган мамлакатлар фан сифимини ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 3,0%

даражасида таъминлаб беришга ҳаракат қилмоқдалар. 2008 йилда ЯИМнинг фан сиғими АҚШда - 2,57%, Японияда – 3,18 %, Исроилда – 4,71%, Швецияда – 3,86 % ва Финляндияда – 3,51 %, Корея Республикасида – 2,99%, Германияда – 2,51%, Францияда – 2,13%, Тайванда – 2,42%, Хитойда – 1,34%, Россияда – 1,34%ни ташкил этди [3].



1-расм. Ривожланган мамлакатларда миллий инновацион тизимнинг тузилиши [6]

Осиё ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида инновация фаолияти икки гуруҳ мамлакатлар томонидан тақдим этилади – инновацияларни соф-импортчилари: “қадимги” инноваторлар, яъни XX асрнинг 50-йиллари (Япония) ва 60-йилларидан (Тайвань, Гонконг, Корея Республикаси, Сингапур) мазкур соҳада мақсадли миллий сиёсат олиб борган мамлакатлар ва иккинчи гуруҳ ушбу жараённинг “янги” иштирокчилари – 1980–90-йилларда унга янада катта миқёсларда аста-секин кўшилган Малайзия ва бошқа “Осиё йўлбарслари”, Ҳиндистон, Хитой, Вьетнам. Айнан Япония бундай инновацион моделни амалга оширишда пешқадам ҳисобланиб, импорт қилинадиган илмий-техник ютуқлардан оқилона фойдаланиш миллий иқтисодий салоҳиятни сезиларли ўсишини таъминлаш билан чекланиб қолмай, балки уни

мажмуавий тарзда ёки алоҳида йўналишлар бўйича дунёнинг сифат жиҳатдан юқори илғор мамлакатлари даражасига ҳам кўтарилишига ёрдам беришини исботлаб берди. Юқори технологик тавсифга эга тармоқлар ва алоҳида танлаб олинган ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга селекцион ёндашув Япония инновацион сиёсатининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Масалан, 1957 йилда “Машинасозлик саноатини ривожлантириш бўйича вақтинчалик чора-тадбирлар тўғрисидаги қонун” ва “Электротехника саноатини ривожлантириш бўйича вақтинчалик чора-тадбирлар тўғрисидаги қонун” қабул қилинган бўлиб, уларда ушбу тармоқлар учун умумий солиққа тортиш бўйича ва уларни ривожлантириш учун зарур импорт солиқларининг имтиёзли тартиблари, Япония Тараққиёт банки томонидан кредитлар тақдим этиш, жадаллаштирилган амортизация меъёрларини киритиш, устувор соҳаларга валюта маблағларини ажратиш ва бошқалар кўзда тутилган эди. Бу каби чора-тадбирлар тўплами асосида, мувофиқ лицензиялар, ноу-хау, технологик жиҳозлар импорти ўтган асрнинг 60-йилларига келиб, Япониянинг жаҳон электроника индустриясида, сунъий толалар ишлаб чиқариш, автомобилсозлик ва кемасозлик, машинасозлик маҳсулотларининг бошқа қатор турларини ишлаб чиқаришда етакчи ўринларни эгаллашига, импорт қилинадиган маҳсулотларни ўша давр учун олий даражаларда қайта ишлаш ва фойдаланиш ҳисобидан хусусий хомашё ва энергетика ресурслари танқислигининг ўрни қопланишига имкониятлар яратилди.

Келгусида инновациялар мамлакатни “базавий” (алоҳида тармоқлар ва куйи тармоқларнинг рағбатлантиришга йўналтирилган) ва “мажмуавий” (мувофиқлаштирилган миллий хўжалик мажмуи доирасидаги) деб аталувчи ўрта муддатли ривожлантириш режалари, давлатнинг бошқа индикатив режаларининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Режалаштириш йўли билан селекцион инновациялар сиёсатини рўёбга чиқариш ва бу жараён устидан давлат назоратини амалга ошириш учун ҳукумат таркибида “Иқтисодий режалаштиришни бошқариш” бевосита бош вазир қошида “Иқтисодий кенгаш” иш бошлади, улар таркибига маъмурият, бизнес-уюшмалар ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг вакиллари киритилган эди.

Япониянинг индикатив режалаштириш ва селекцион иқтисодий сиёсати тажрибасидан Корея Республикасида, Тайван, Сингапур ва (нисбатан камроқ самара билан) Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари томонидан фойдаланилди. Жанубий Кореянинг 1962–

1966 йиллар учун биринчи беш йиллик режаси экспортга йўналтирилган тармоқларни қўллаб-қувватлашга қаратилди, дастлаб булар тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатлари бўлиб, 70-йиллардан бошлаб эса улар қаторига – автомобилсозлик ва кемасозлик, электроника, кимё саноатлари ва қора металлургия қўшилди. Давлат томонидан тўғридан-тўғри кўрсатиладиган ёрдам туфайли йирик саноат бирлашмалари – “чеболлар” яратилди, улар мамлакатда инновацион фаолият марказлари бўлиб ҳисобланар эди. Уларни ривожлантириш дастурлари умуммиллий манфаатларга мувофиқ келиши давлат органлари томонидан конкурс асосида баҳоланар эди, ғолибларга уларнинг ташқи бозордаги операцияларини рағбатлантиришга кўмак сифатида давлат имтиёзли кредитлар, чет элдан жиҳозлар ва патентлар сотиб олиш учун валюта маблағлари ажратар эди.

“Технологик етакчилик миллий лойиҳаси” НАН илғор технологияларни ривожлантиришнинг биринчи тарихий дастури (1992 й., Highly Advanced National Project – миллат номига мувофиқ равишда олинган бўлиб, таржима қилганда “хан” –“жанубий корейслар” деган маънонаи англатади ва миллатнинг технологик етакчилик сари интилишларини ифодалайди. Дастур 10 йилга мўлжалланган бўлиб, самарасизлиги туфайли 1994 йилдаёқ тўхтатилган, унинг 3 йиллик фаолияти давомида мос равишда 230, 309 ва 414 млн. сарфланган [4]) бўлиб, унда электроника ва электротехника, атом энергетикаси соҳасига оид лойиҳалар билан биргаликда, тармоқларнинг рақобат устуворликларини кучайтириш бўйича истиқболли ҳисобланган биотехнологиялар бўйича ҳам, алоҳида тадқиқот йўналишларига эътибор қаратилди.

НАНнинг муваффақиятсизликка учраши янги технологик усул, шу жумладан, биотехнологияларни алоҳида лойиҳа доирасида ривожлантириб бўлмаслиги ва мос тармоқларни шакллантиришда тизимли ёндашувга бўлган объектив зарурият мавжудлигини кўрсатди ҳамда мамлакат иқтисодиётида уларнинг ўрни ва ролини истиқболли равишда ифода этган ҳолда, ҳар бири учун алоҳида дастурларни ишлаб чиқишга туртки бўлиб хизмат қилди.

НАН лойиҳасини амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган концептуал ва ташкилий камчилик ва хатоликлардан келиб чиққан ҳолда, унинг тугаши билан 1994 йилда махсус узок муддатли Biotech 2000 дастури биотехнологияларни ривожлантириш миллий стратегиясининг биринчи босқичи сифатида старт олди ва у чет мамлакатлар илмий техник ва тажриба-конструкторлик ишларини



(ИГТКИ) кўчириш ва модификациялаштиришдан бошлаб, мамлакат салоҳиятини инновациялар учун жамлаш ва ҳар тарафлама жалб этиш йўли билан ўз тадқиқотларини яратиш ва тижоратлаштиришгача ўзгариб, ўзини намоён эта олди.

Белгиланган мақсадларга эришиш жараёни бир неча босқичларга бўлинди:

I босқич (1994–1997 йиллар) – биотехнологияларнинг истиқболли турларини ривожлантириш учун илмий-ишлаб чиқариш негизини яратиш;

II босқич (1998–2002 йиллар) – биотехнологияларнинг муҳим тузилма яратувчи турларини ва саноат тармоқларининг илмий-тадқиқотчилик салоҳиятини ривожлантириш;

III босқич (2003–2007 йиллар) – тижоратлаштириладиган ИГТКИ ва биотехнологик маҳсулотлар жаҳон бозорида Корея Республикасининг улушини ошириш.

Тайван иқтисодиётида тўрт йиллик ва олти йиллик индикатив режалар асосида инновациялардан юқори даражада фойдаланишга эришилди. Бунга 1985 йилда тузилган Иқтисодий инновациялар комиссияси фаолияти катта ёрдам берди, комиссия таркибига бизнес, ҳукумат вакиллари ва олимлар киритилган эди. Электроника, информатика, электротехника каби давлат томонидан белгилаб берилган етакчи тармоқлар ва машинасозлик маҳсулотларининг баъзи турларини ишлаб чиқаришда юқори технологияларга (hightech) ихтисослашув Тайвань сингари унчалар катта бўлмаган мамлакатнинг энг йирик олтин-валюта захирасига эга жаҳоннинг учта мамлақати каторидан ўрин эгаллашига ёрдам берди.

Хитой Халқ Республикаси глобал молиявий-иқтисодий инқироздан вчки инвестицияларни ошириш ҳисобидан жиддий йўқотишларсиз чқиб кетишга муяссар бўлди. Ҳукумат бюджетидан инвестициялар 2008 йилда 420,5 миллиард юандан 2009 й.да 924,3 миллиард юанга (тахминан 62,8 миллиард US\$) ўсди. Бунинг 16 фоизи инновациялар, таркибий қайта тузиш, энергияни тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга мўлжалланди. Бу эса ўз навбатида, ташқи талабнинг кнқариши билан боғлиқ равишда юзага келган танқисликнинг ўрнини самарали тўлдириш билан бир қаторда, заифлашиб қолган алоқаларни ҳам кучайтирди ҳамда узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун асос ҳам яратиб берди [5].

оширишнинг барча босқичлари учун тизимли, аниқ тузилишга эга қонунчилик базасининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади, шунингдек, унинг қаторига давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам чоралари, инновацион фаол корхоналар фаолияти учун мақбул шароитларнинг ҳамда инновацион инфратузилма субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг етарли даражада мавжуд эмаслигини ҳам қўшиш мумкин.

Шундай қилиб, ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси замонавий миллий инновация тизими инновацион фаолиятнинг ривожланишини тизимлаб берадиган ташкилий, қонуний, тузилмавий ва функционал таркибий қисмлардан иборат эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда миллий инновация тизими (МИТ) қарор топиш босқичида турибди ва у самарали инновацион фаолият олиб бориш учун барча зарур базавий элементларга эга.

## БИБЛИОГРАФИЯ

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь.
2. A Strategy For American innovation. National Economic Council, Council of Economic Advisers and Office of Science and Technology Policy, February, 2011.
3. Научно-технологический прогноз. -М.:Инновации, №10, 2009. - с. 69.
4. Park Y. et al. Formulation and managing the HAN projects in Korea: lessons and policy implications for developing countries// Science and public policy. No. 2, 1992. p. 85
5. UNESCO Science Report 2010, p. 379
6. <http://www.m-economy.ru/art.php?nartid=3562>

Хитойнинг “2006–2020 йиллар учун фан ва технологияларни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш миллий дастури” мақсадлари куйидагилардан иборат:

- етиб олувчи ривожланиш ва имитациядан хусусий инновацияларга ўтиш;
- алоҳида технологик ривожланишлардан тизимли инновацияларга ўтиш;
- алоҳида илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини такомиллаштиришдан умуммиллий инновация тизимини яратишга ўтиш;
- илмий тадқиқотларга эътибор қаратишдан уларнинг натижаларидан кенг тарзда фойдаланишга диққатни кўпроқ жалб этиш;
- хорижий сафарлар дастурларидан кўра фаол халқаро ҳамкорлик дастурларига ўтиш.

Бу сиёсат Хитойда инновацияларни ривожлантиришга ва айниқса, корхоналарнинг инновацион қобилиятларини мустаҳкам-лашга кучли таъсир кўрсатди [5].

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда фан ва технологиялар тараққиётининг ўзаро мувофиқлаштириш, инновацион фаолиятни молиялаштиришни яхшилаш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва йўлга қўйилди, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари қабул қилинди (Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш ва бошқариш тўғрисида”ги 2006 йил 7 август 436-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестация қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 4456-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2008 йил 15 июлдаги 916-сонли Қарори ва б.). Шу билан бир қаторда, молиявий чора-тадбирлар (масалан, грантлар ва солиқ имтиёзлари каби) ҳамда инновацияларни номолиявий рағбатлантириш воситалари (масалан, Технологиялар трансфери бўйича Агентлик, ҳар йили ўтказиладиган Инновациялар ярмаркаси ва б.)ни жорий этиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатда инновацион салоҳиятидан фойдаланиш бўйича мавжуд механизмларнинг асосий камчилиги инновацион фаолиятни амалга

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДО РИВОЖЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ

Ташқи савдо иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, у ўз навбатида, мамлакатдаги табиий ресурслар, унинг денгиз портларига чиқиш имкониятлари, ички бозорнинг ҳажми, сиёсий барқарорлик, мамлакатнинг стратегик жойлашуви, тадбиркорлик муҳитининг ҳолати, ишчи кучининг савияси, инфратузилма, халқаро товар бозорларидаги нарх даражаси, инфляция, валюта курслари каби кўплаб омиллар билан тавсифланади. Унинг миллий иқтисодиётга таъсир даражаси эса, мамлакат экспорти ва импортнинг структураси, уларнинг қанчалик рақобатбардошлиги ва диверсификация қилинганлигидан келиб чиқиб баҳоланади.

Ташқи савдонинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсир даражасини баҳолаш ва бунинг учун ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини кўриб чиқиш фикримизча мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон ЯИМнинг 2000 – 2012 йиллар мобайнида ўсиши ва унинг таркибий тузилмаси 1-расмда акс эттирилган. Келтирилган манбаларга асосан:

Биринчидан, иқтисодиёт асосан ички хусусий талаб ҳисобидан ривожланмоқда.

Иккинчидан, жаҳон бозорида асосан биржа товарлари нархларининг ўзгарувчанлиги билан характерланадиган нобарқарор соф экспортнинг ЯИМдаги улуши паст даражада.


Учинчидан, истеъмолнинг нисбатан пасайиши ва ялпи инвестициялар улушининг ортиши билан ЯИМнинг юқори барқарор суръатларда ўсиши кўзатилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Хитойда инқирозгача бўлган 6 йил мобайнида (2002 – 2007 йй.) ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиши 11 % ва айни шу даврда инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 41,5 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги 6 йил ичида (2008 – 2013 йй.) бу кўрсаткичлар мос равишда 9 ва 47,6 фоизга тенг бўлди [10].

Ушбу ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда фикримизча мамлакатимиз иқтисодиётининг узоқ муддатли истиқболда ўсиш суръатларини юқори даражада сақлаб қолиш учун:

Биринчидан, капиталнинг юқори даражада тўпланиши – яъни, инвестицияларнинг ЯИМдаги улушини иқтисодий асосланган даражада ошириб бориш зарурияти мавжуд;

Иккинчидан, тезкор техник тараққиёт масаласига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Айнан шу масалада Хитой ҳукуматининг стратегияларидан бири хорижий фирмаларнинг Хитойга кўчиб ўтиши ва ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган. Чунки хорижий фирмаларнинг Хитой фирмаларига нисбатан меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги анча юқори бўлиб, ва бу ҳолат Хитой иқтисодиётининг самарадорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келди. Стратегиянинг бошқа жиҳати хорижий ва Хитой фирмалари орасидаги қўшма корхоналарни кенгайтиришдан иборат эди. Бугунги кунда хорижий фирмалар билан биргаликда ишлаган ва улардан тажриба ортирган Хитой фирмаларининг самарадорлиги тезкин ошиб кетганлигини кўриш мумкин [2].



Source: Альманах “Ўзбекистон–2013”. – ЦЭИ, Ташкент, 2013, 84 б. маълумотлари асосида муаллиф томонидан

### 1-расм. Ўзбекистон ЯИМнинг таркибий тузилмаси ва ўсини [1]

Айнан шу жиҳатдан, тадбиркорлик фаолиятининг муҳитини яқинлаштириш этиш катта аҳамиятга эга. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишни ўзида ақс эттирадиган Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” савдо рейтингига Ўзбекистон 2014 йилда 8 поғонага кўтарилиб 189 та давлат ичида 141-ўринни эгаллади. “Бизнес юритиш” рейтингининг 2014 йилда йўналиши орасида энг паст кўрсаткич – халқаро савдога тегишли бўлиб – мамлакатимиз бу кўрсаткич бўйича 189-ўринни эгаллаган. Шунини йўналиш бўйича рейтинг кўрсаткичи муҳим аҳамият касб этади,

чунки у иқтисодий интеграция жараёнларининг мамлакат бизнесининг ташқи рақобатдошлигига таъсирини ўзида акс эттиради.

Жаҳон банки экспертларининг таҳлилига кўра, Ўзбекистон экспорт ёки импорт операцияларини амалга ошириш учун кетадиган вақт, шунингдек экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш учун сарфланадиган харажатлар бўйича Европа ва Марказий Осиё, шунингдек Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) мамлакатларидан анча ортда қолмоқда (1-жадвал).

Бу ҳолатни қисман Ўзбекистоннинг тўғридан-тўғри денгиз портларига чиқиш имконияти йўқ эканлиги ва шу сабабли транспорт харажатларининг юқорилиги билан изоҳлаш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини шакллантиришни ниҳоясига етказиш, “Хитой – Марказий Осиё – Европа” янги халқаро темир йўл транзит йўлагини яратиш, ҳамда Фаргона водийси вилоятларини келгусида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш мақсадларида “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўл линиясини куриш бўйича катта лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темир йўл компаниси прогнозига кўра, фойдаланишга топширишнинг биринчи йили мобайнида қарийб 600 минг та йўловчи ва 4,6 млн. тонна товарларни ташиш, шунингдек иссиқхона газ чиқитларини йилига 200 минг тоннага камайитириш имкониятлари пайдо бўлади [9].

#### 1-жадвал

#### Халқаро савдо амалиётини соддалаштириш бўйича кўрсаткичлар тизими

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон	Европа ва Марказий Осиё	ИХРТ
Экспорт учун ҳужжатлар (сони)	11	7	4
Экспорт қилиш учун кетадиган вақт (кунлар сони)	54	23,6	10,5
Экспорт қиймати (1 та контейнер учун АҚШ долл.)	5090	2154,5	1080,3
Импорт учун ҳужжатлар (сони)	13	8	4
Импорт қилиш учун кетадиган вақт (кунлар сони)	104	25,9	9,6
Импорт қиймати (1 та контейнер учун АҚШ долл.)	6452	2435,9	1100,4

Экспорт бозорлари ва товарларининг диверсификацияси, шунингдек мамлакат экспорт салоҳиятининг ошиши – меҳнат умумдорлиги ўсиш суръатлари, иқтисодиётнинг ривожланиш ва амалийлик даражасини акс эттиради. Ўзбекистоннинг 2003 йилдаги экспорти таркибида 8 та хорижий мамлакатнинг умумий улуши 29,3 фоизни, хусусан Россиянинг улуши 12,3 %, Украина 3,9 %, Туркия 3,5 %, АКШ 2,9 %, Қозоғистон 2,6 %, Жанубий Корея 1,5%, Хитой 1,4 %, Германия 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб бу мамлакатларнинг умумий улуши 67,1 фоизга, шу жумладан Россиянинг улуши 24,9 %, Хитой - 17,8 %, Қозоғистон - 14 %, Туркия - 5,8 %, Украина - 3,4 %, Жанубий Корея - 0,5 %, АКШ - 0,4 %, Германия - 0,3% га етди. Экспорт оқимларининг географик тўпланиши (концентрацияси) ҳақида гапирганда, Қирғизистоннинг умумий экспортида учта асосий экспорт йўналиши 73 фоизни, Озарбайжон ва Қозоғистонда бу кўрсаткич 35 фоиздан ортиқ эканлигини эслатиб ўтиш жоиз [3].

Экспорт таркибида қора ва рангли металлургияни улуши 2003 ва 2013 йилларда 2,5 баробардан кўпроқ камайгани, озиқ-овқат маҳсулотлари 3,5 баробар, электроэнергия ва нефть маҳсулотлари 3 баробардан кўпроқ ошгани, кимё маҳсулотлари, машина ва ускуналар, хизматлар улуши катта ўзгаришларсиз илгаригидек сақланиб келинаётгани ва бошқа товарларнинг улуши 2 баробар пасайгани экспорт таркибида туб ижобий ўзгаришлар юз берганидан далолатдир. Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, Озарбайжоннинг умумий экспортида учта асосий биржа товарларининг улуши 92 фоизни, бу кўрсаткич Қозоғистонда 70 фоиз, Қирғизистонда 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади [3]. Ўзбекистоннинг 2003 ва 2013 йиллардаги экспортида Россия, Хитой, Қозоғистон ва Туркия каби мамлакатларнинг улуши танқисроқ ортиб бораётганлигини куриш мумкин. Шу билан бирга Германия ва АКШнинг экспортдаги ҳажми камайиш хусусиятига эга. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон экспорти ривожланган мамлакатлар бозоридан Осиё бозорларига йўналишини ўзгартирмоқда.

Ўзбекистон импортининг умумий ҳажмида машина ва ускуналарнинг улуши – жуда ҳам юқори ва барқарор даражада сақланмоқда ва 2003-2013 йилларда мос равишда, 44,4 ва 44,2 фоизни ташкил қилган (3-жадвал). Бу мамлакатимиз ҳукуматининг сиёсати асосатдан ривожлантиришга йўналганлиги ва импорт маҳсулотларини қўриқ қилиш мумкин бўлган валюта ресурслари устидан ҳукуматнинг юқори даражадаги назоратини акс эттиради. 2003 ва 2013 йиллардаги Ўзбекистон импорт таркибида катта ўзгаришлар деярли кузатилмаяпти,


фақатгина хизматлар улуши 10,2 фоиздан 5,8 фоизгача камайиб бўлса, электроэнергия ва нефть маҳсулотларининг улуши 2,7 фоиздан 7,2 фоизгача ортган. Россия ва Қозоғистон импортдаги ўзларининг улушини деярли сақлаб қолишган бир вақтда, Хитой ва Жанубий Кореянинг улуши жиддий равишда ортган. АҚШ ва Германиянинг улуши сезиларли даражада камайиб кетган.

Сўнги йилларда жаҳон бозорида биржа товарларига бўлган нархларнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда ва ушбу хом-ашё ресурсларини экспорт қилувчи мамлакатларнинг ташқи иқтисодий ва бюджет сальдосини заифлашиши, давлат қарзларининг ортиши ва инвестицион иқлимнинг ўзгаришига олиб келиш эҳтимоли тобора ортиб бормоқда. Катта молиявий захиралар кўплаб экспортчи мамлакатларга, фақатгина қисқа давр ичида – давлат харажатларининг бирдан камайиб кетишини олдини олишга имкон беради.

Табиий ресурслар экспортдан келадиган хорижий валюта оқими миллий валютанинг реал айрибошлаш курсини ошириб, бошқа секторларнинг ташқи рақобатбардошлигини камайишига олиб келиши иқтисодиётда “голланд касаллиги” деб ном олган ҳодисанинг рўй беришига асосий сабабдир. Бундан ташқари, таҳлилчилар фикрига кўра, табиий ресурслар кўринишидаги бойлик демократик ҳисобдорлик даражасини кучсизлантирувчи давлат бошқаруви секторидаги коррупция билан ҳам боғлиқ. Шу каби далиллар табиий бойлик нафақат неъмат, балки “ресурслар қарғиши” бўлиши мумкинлигини ҳам тасдиқламоқда.

Сўнги 5 йил мобайнида нефть, олтин ва пахтага бўлган нархларнинг кучли тебраниши ва муттасил тушиб бораётгани 2-расмда акс эттирилган. Ушбу чизмада нефтьга бўлган нархлар 2014 йил июндан 2015 йил январгача 56 фоизга пасайганлиги акс этган. Бунинг асосий сабаблари талаб ва таклиф омиллари билан баҳоланмоқда: АҚШ томонидан кутилганидан анча юқори даражада таклиф ва ОПЕК томонидан ишлаб чиқаришни камайтирилмасликка қарор қилингани, устига-устак буларнинг барчаси нефтьга бўлган жаҳон талабининг (асосан Хитой, Япония ва евро зона томонидан) сустлашиши билан изоҳлаш мумкин.





Манба: Index Mundi,

<http://www.indexmundi.com/commodities/?commodity=cotton&months=300&commodity=gold&indicator=price-ratio>

## 2-расм. Нефть, пахта ва олтиннинг дунё бозоридаги нархлари

Ушбу хом-ашёларга бўлган нархларнинг тушиши импорт қилувчи мамлакатлар аҳолисининг даромадларини ошиши, киритиладиган ресурслар қийматининг пасайиши ва ташқи иқтисодий ҳолатини яхшиланишига олиб келади. Лекин Кавказ ва Марказий Осиё минтақасидаги импорт қилувчи мамлакатлар қўшни нефть экспорт қилувчи мамлакатлардаги (асосан Россия) ўсиш суръатларининг камайиши билан боғлиқ ноқулай иккиламчи таъсирга дуч келишлари мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ёқилғи-энергетика маҳсулотларининг Россия ЯИМдаги улуши 25 фоиз, экспортида 70 фоиз ва федерал бюджет даромадларида 50 фозни ташкил қилади [7].

Ушбу хом-ашё ресурсларини экспорт қилувчи мамлакатлар бюджет ва ташқи савдо баланси билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишларига тўғри келади. Шунингдек экспортчи мамлакатлар валютасига босимнинг ортиши ва бу инфляция муаммосини келтириб чиқариш эҳтимолини юзага келтириши масалани янада чигаллаштиради. ХВФ прогнозига кўра, 2015 йилда Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Авгонистон ва Покистон, шунингдек Кавказ ва Марказий Осиё минтақаларидаги нефть экспорт қилувчи мамлакатларнинг барчасида, Кувайт, Туркменистон ва Ўзбекистондан ташқари, бюджет дефицити қайд этилиши кутилмоқда<sup>1</sup>. Ўзбекистон катта миқдорда ёқилғи ва энергияни экспорт қилувчи мамлакат эмас, экспортидаги асосий биржа товарлари газ, пахта ва олтин эканини,

<sup>1</sup> МВФ, Бюллетень «Перспектив развития региональной экономики», январь 2015 года. 8–9-бетлар.

шунингдек улурнинг экспортдаги улуши нисбатан камлиги, катта микдорда буфер захиралари ва диверсификацияланган экспорт бозорларига эга эканлигини ҳисобга олсак, жаҳон бозоридаги жорий нархлар ва ташқи талабнинг иқтисодий ўсишга жиддий таъсир кўрсатиш эҳтимоли юқори эмас.

Узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистоннинг ҳозирги юқори барқарор иқтисодий ўсишини сақлаб қолиш, энг устувор мақсадимиз – тараққий топган давлатлар қаторига кўтарилиш йўлидаги энг муҳим масаладир. Бунинг учун, авваламбор таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизни янги, юксак даражага кўтариш ва шу асосда қуйидаги ислоҳотларни амалга ошириш лозим:

– макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш. Ўзбекистон учун макроиқтисодий барқарорликнинг энг муҳим бюджет мезони, бюджет даромадлари кўрсаткичи таянч даражада бўлиши керак. Бошқача айтганда, бюджет даромадларининг тебраниши жаҳон хом-ашё бозорида шаклланган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда муайян маънода “кафолатланган” бўлиши керак. Бюджет даромадларнинг конъюнктурали эмас, айнан структурали қисми нисбатан ўзгармас ва мустаҳкам асосга эга ва бу ҳукуматга узоқ муддатли ислоҳотларни амалга оширишга имкон беради. Пул-кредит сиёсатининг асосларини такомиллаштириш ва молиявий тизим сиғимини ошириш инфляция ва фоиз ставкаларини пасайтириш ва инвестиция мақсадлари учун молиявий воситачиликни кенгайтиришга ёрдам беради;

– барқарор ва шаффоф савдо сиёсати, шунингдек халқаро савдонинг самарали ва ишонли процедураларини шакллантириш. Ташқи конъюнктуранинг қутилмаган тебранишлари таъсирини юмшатиш учун экспорт ва импортнинг товар ва географик диверсификациясини янада ошириш зарур;

– Кавказ ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатларида савдо ва молиявий каналларнинг очиқлик даражасини янада ошириш. Минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш – Ўзбекистоннинг энергия ва сув таъминоти хавфсизлигини ошириш ҳисобидан, узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишга мустаҳкам асос бўлади;

– тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ва самарадорликни ошириш янги иш ўринларини яратишга ёрдам беради. Шу мақсадда хорижий ва маҳаллий инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналарни ташкил этишни янада қўллаб-қувватлаш ва шу асосда капитал бозорини ривожлантириш ва корпоратив бошқарув тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш даркор;

– инфратузилмавий муаммоларни ҳал этиш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга кенг йўл очиш мақсадида кичик саноат зоналарини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

– табиий ресурслар шаклидаги бойликни бошқаришни яхшилаш. Табиий ресурслар заҳираларини бошқаришдаги самарали тажриба натижаларига мувофиқ учта ўзаро боғлиқ тамойилга амал қилиш зарур: бюджет-солиқ соҳасидаги шаффофлик, қатъий қоидаларга асосланган солиқ-бюджет сиёсати ва давлат молияси бошқарувининг бошқа институтлари шаффофлиги.

### БИБЛИОГРАФИЯ

1. Альманах “Ўзбекистан–2013”. – ЦЭИ, Ташкент, 2013
2. Olivier Blanchard, David R. Johnson. Macroeconomics (Sixth Edition). Pearson Education, Inc., 2012
3. The Caucasus and Central Asia (electronic resource): transitioning to emerging markets. Washington, D.C.: International Monetary Fund, 2014
4. Ўзбекистон рақамларда- 2014. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Тошкент, 2014
5. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами-2008/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Тошкент, 2009
6. МВФ, Бюллетень «Перспективы развития региональной экономики», январь 2015 года
7. Рабах Арецки, Оливье Бланшар. Семь вопросов о спаде цен на нефть за последний период. <http://blog-imfdirect.imf.org/>
8. <http://www.indexmundi.com/commodities/?commodity=cotton&months=300&commodity=gold&indicator=price-ratio>
9. <http://www.worldbank.org/ru/news/press-release/2015/02/13/benefit-inter-regional-accessibility-by-rail-in-uzbekistan>
10. <http://data.worldbank.org/indicator/NE.GDI.TOTL.ZS>

## 2-СЕКЦИЯ

### ХУДУДЛАРНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ХУДУДЛАРАРО МУВОЗАНАТЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Адилова Марғуба Турсуналиевна  
ТДИУ ҳузуридаги ИТМ  
кичик илмий ходими

#### ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТ – МИНТАҚАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Республикамизда барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминлашида минтақаларнинг роли беқиёсдир. Сўнги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида таркибий ислохатларни чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларга моддий-техника маблағларидан фойдаланишлари учун қулай шароитлар яратилиши ва фискал ўзгаришларни мувофиқлаштирилиши ЯИМнинг ўсиш тенденциясини сақлашни таъминлади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига Президент И. Каримов катта эътибор қаратиб, қуйдагиларни таъкидлаган “Бу ўринда гап, аввало дастлабки хомашёни ва ярим тайёр маҳсулотларни янада чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий этиш, бунинг учун нефть-газ, нефть-кимё ва кимё, енгил саноат ва электротехника тармоқларида янги комплекс ва корхоналар ташкил этиш, шунингдек, жаҳон ва минтақа бозорларида, ички бозорларимизда харидоргир бўлган тайёр тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фамацевтика саноати, электроника ва маиший электр техника маҳсулотлари, маиший кимё товарлари, қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида бормоқда” [1].

Минтақаларни иқтисодий ривожланишида иқтисодиётнинг экспорт, импорт, саноатнинг ривожланиш кўрсаткичлари, аҳолининг бандлик ва бошқа кўрсаткичлари қаторида инновацион сиёсат иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омилларидан бири ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётининг бугунги кундаги ривожланиш тенденциялари ҳам шундан бермоқдаки, аксарият ривожланган ва ривожланиб келаётган давлатларнинг иқтисодий ривожланишида инновацияларнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг биргина сабаби эса, бугунги кунда хизматларнинг сони ва турининг кўпайиб бориши билан изоҳланиши мумкин.

Шунингдек, бу борада иқтисодиётимизда йилдан-йилга ютуқлар кўлга киритиб келинмоқда, "... 2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда" [1].

Ўз навбатида хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб боаётганлигини таъкидлаш жоиз. Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телвизион алоқа, масофавий банк хизматлари автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида оммалашиб бормоқда.

Минтақавий иқтисодий сиёсат мамлакат даражасида олиб борилаётган концептуал сиёсатдан келиб чиққан ҳолда ва уларда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳудудларни узок муддатли ривожланишига йўналтирилган бўлиши лозим. Тармоқларни тақсимлаш ва уларни устуворлигини аниқлаш масаласи минтақаларда ўзаро бир-бирини кетма-кет алмаштирувчи ишлаб чиқаришни саралаш ва минтақа хўжалигини комплекс ва махсус ривожланишини асослаш йўли орқали аниқланади. Шу сабабли ҳар бир минтақада бир мунча тежамли бўлган тармоқларни ривожлантириш масаласига катта этибор бериш лозим бўлиб, бунда афқат айрим тармоқлар учун, балки кўпгина тармоқларга мақул бўлган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Минтақаларни тавсифлаганда албатта, инновацион салоҳиятини ҳажмини ҳисобга олиш шунингдек, минтақанинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилганлиги, мавжуд турли хил фойдали ресурслардан қай даражада фойдаланилаётганлигига асосий эътиборни қаратиш (қишлоқ хўжжалигини ривожлантириш, табиий ресурсларни қазиб олиш ва сотиш, умумлашган sanoat кластерларини ташкил этишга қаратиш керак бўлади) керак бўлади.

Инновацион салоҳиятнинг асосий кўрсаткичлари қуйдагилар: минтақа ҳудудида ўзлаштирилмаган ресурслар ҳажми; sanoat корхоналарида илмий-техникавий ривожланиш тараққиётидан фойдаланиш даражаси; амалга оширилган йирик инновацион лойиҳалар сони ва уларнинг мамлакатда умумий амалга оширилган лойиҳалардаги солиштирма улуши; минтақада жойлашган тайёр маҳсулот бозорида рақобатнинг юқорилиги; янги технологияларни ўрганишга қаратилган минтақавий мақсадли лойиҳалар сони.

Минтақаларни инновацион салоҳияти даражасига кўра қуйдагича туркумлаш мумкин:

1. Инновацион салоҳиятга эга бўлмаган минтақа. Бундай минтақада асосан, эскирган технологиялардан фойдаланилади, минтақада уларни алмаштиришнинг имконияти йўқ.

2. Яхши ривожланмаган инновацион салоҳиятли минтақа, янги технологиялар учун ресурс базаси мавжуд, лекин иқтисодиёт ривожланишига инвестицион-инновацион муҳит йўл қўймайди.

3. Ривожланган инновацион салоҳиятли минтақа. Замонавий инновацияларни реал ўрганиш имконияти мавжуд бўлган.

4. Юқори даражада ривожланган инновацион салоҳиятли минтақа. Инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қодир.

Бундай гуруҳлаш натижасида минтақаларнинг ривожланиш даражалари янада яққолроқ намаён бўлади. Минтақаларнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни амалга оширишда амалда республиканинг алоҳида минтақа субъектлари даражасида уларнинг ўзига хос шарт-шароитлари ҳамда бозор муносабатларига ўтиш билан пайдо бўлган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда асосан, sanoat тармоқларини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Мавжуд имкониятлардан янада тўлиқроқ ва самарали фойдаланишда ҳамда минтақавий sanoat ривожланишининг мақсадга йўналтирилган сиёсатини амалга оширишда асосий дастак сифатида

Бошқаришнинг замонавий ташкилий-иқтисодий механизмлари ва хизмат қилишлари мумкин.

Бунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг мунтазам ўсиши учун шароит яратиш ҳамда аҳоли турмуш тарзининг янги андозаларига ўтишини таъминлашда минтақадаги ишлаб чиқариш комплексининг иқтисодий-иқтисодий функцияларига устуворлик берилиши лозим, бунга эса тегишли ҳуқуқий ҳамда институтционал базани яратиш асосида саноатнинг ресурс салоҳиятини жалб қилиш йўли билан эришиш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётининг шиддат билан ривожланиши минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион таъминини яратиш заруриятини келтириб чиқаради. Бунинг учун саноат ривожланишига асосланган давлат сиёсатини бошқаришнинг янги концепциясини ишлаб чиқишни ўз ичига олувчи комплексли ва таъминли ёндашиш шуниндек, бу борада қонунчилик базасини такомиллаштириш, жаҳон майдонида интеграциянинг муҳим йўналишларининг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган барча ресурсларни ўзида жамловчи базани яратиш лозим.

Фикримизча замонавий шароитларда минтақада ишлаб чиқариш қучлари ва инновацион салоҳиятига таъсир этувчи асосий омиллар қуйдагилардан иборат: илмий-техник тараққиёт ва у томонидан эникланадиган жамият ривожланишининг илмий-техник даражаси; бошқаришда бошқарув корхоналарини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларини информацион таъминлашни ривожлантириш асосида такомиллаштириш; ресурслардан биринчи навбатда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш сифатини ошириш, уларни бошқаришни такомиллаштириш; инвестицион жараёнларни фаоллаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг умумий техник даражасини ошириш.

Ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга факатгина минтақадаги барча мавжуд ресурслардан, ишлаб чиқариш қучлари ва мавжуд инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш аз минтақанинг ўзига хос хусусиятлари, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолдагина эришиш мумкин.

Индустриал ривожланган ёки жадал ривожланаётган давлатларда фан-техника тараққиёти ва унинг негизида иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Назаримизда Ўзбекистонда инновацион ривожланишни таъминлашда устувор вазифалардан бири илмий-тадқиқот ва

тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га ажратилаётган маблағлар миқдорини кескин оширишдир (1-жадвал).

Юқоридаги таҳлилар шуни кўрсатадики, дунёда 2013 йилда ИТТКИга энг катта харажат қилган давлат АҚШ бўлиб, жами харажатларга нисбатан унинг улуши 432,9 млрд. АҚШ долларни ташкил этган. Кейинги ўринларда ХтоЙ, Япония, Германия эгаллаган. Шу жумладан мамлакатимизда бу соҳада қилинадиган ишлар салмоғи фоят катта.

1-жадвал

**Дунё бўйича 2012-2013 йилда ИТТКИга қилинган харажатларида давлатларнинг улуши**

№	Давлатлар номи	ИТТКИга сарфланган маблағлар					
		2012 й.			2013 й.		
		ЯИМ (жамоат ва шахсий сектор)	ИТТКИ, ЯИМдаги улуши %	ИТТКИга ички харажатлар ЯИМ ҳисобидан	ЯИМ (жамоат ва шахсий сектор)	ИТТКИ, ЯИМдаги улуши %	ИТТКИга ички харажатлар ЯИМ ҳисобидан
1	АҚШ	15,9	2,66	423,7	16,25	2,72	432,9
2	ХтоЙ	13,3	1,65	220,2	14,34	1,75	220,3
3	Япония	4,6	3,50	160,2	4,652	3,51	162,1
4	Германия	3,2	2,85	91,1	3,341	3,1	91,6
5	Жанубий Корея	1,7	3,45	57,8	1,863	3,48	58,1
6	Франция	2,27	2,24	50,6	2,261	2,25	50,7
7	Хиндистон	4,73	0,86	41,2	5,021	0,92	45,2
8	Англия	2,28	1,84	42,4	2,308	1,85	42,5
9	Россия	2,5	1,48	38,3	2,601	1,51	38,5
10	Бразилия	2,42	1,27	31,5	2,458	1,33	32,0
11	Канада	1,44	2,00	29,2	1,471	2,14	30,9
12	Италия	1,22	1,32	24,1	1,817	1,32	24,3
13	Австралия	9,57	2,28	21,9	986	2,36	22,7
14	Тайван	8,99	2,38	21,4	936	2,41	22,4
15	Испания	1,41	1,42	19,8	1,392	1,42	19,9

Манба: [http:// people.hofstrra.edu/georamas/eng/ch5en/conc.5en/China\\_SEZ/html](http://people.hofstrra.edu/georamas/eng/ch5en/conc.5en/China_SEZ/html) ва <http://www.unesco.org/new/en/natural-sciences-technology/universite-industry-partnerships/science-parks-around-the-world/science-parks-in-asia-#c99670>

Юқоридаги таҳлилар шуни кўрсатадики, дунёда 2013 йилда ИТТКИга энг катта харажат қилган давлат АҚШ бўлиб, жами



харажатларга нисбатан унинг улуши 432,9 млрд. АҚШ долларни ташкил этган. Кейинги ўринларда Хтой, Япония, Германия эгаллаган. Шу жумладан мамлакатимизда бу соҳада қилинадиган ишлар салмоғи ғоят катта. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацион иқтисодий ўсишни таъминлашда давлатнинг аралашуви катта аҳамиятга эга. Фикримизча минтақаларда ушбу фаолиятни такомил-лаштириш учун куйдагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– минтақаларда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъинлаш мақсадида инновацион инфратузилма фаолиятини ташкил этиш;

– минтақаларда хўжалик юритувчи субъектларининг инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодийни модернизация қилиш, техник-технологик янгилаш;

– илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш.

Буларнинг барчаси пировардида минтақалар иқтисодийнинг рақобатбардошлигини таъминлашга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

## БИБЛИОГРАФИЯ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 19 январь 2015 й. <http://www.press-service.uz>

3. Ахмедов Т.М., Хасанджанов К.А., Хакимов Н.Х. Региональная экономика: Учебное пособие. – М.: Изд. РЭА, 2006. - 236 с.

4. Маршалл А. Основы экономической науки. – М.: Эксмо, 2008. –233 с.

Азимов Шухрат Акрамович  
ТДИУ и.ф.н., доцент  
Абдулкасимов А.  
ТДИУ и.ф.н., доцент

## ХУДУДЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жамиятимиз тараққиётининг глобаллашув босқичида мамлакат минтақаларини мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш, шунингдек миллий иқтисодиётнинг худудий жиҳатдан оптимал таркибий тузилмасини шакллантириш макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий тараққиётни таъминловчи муҳим омилларидан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида давлат минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кескин номутаносибликларнинг юзага келмаслиги учун ижтимоий барқарорликни таъминлаш, шунингдек минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда худудлараро мутаносибликни сақлаб туришга йўналтирилган муайян чора-тадбирларни қўллаб келди.

Айни пайтда, йирик давлат инвестициялари минтақаларнинг стратегик муҳим минерал – хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлашга, мавжуд демографик салоҳиятдан оқилона фойдаланишга йўналтирилди.

Пировард натижада минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муайян ижобий силжишлар юз берди ва маълум даражада барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди. Хусусан, янги sanoat марказлари ва минтақаларда иқтисодий ҳолатларини тубдан ўзгаришига сабаб бўлган замонавий йирик корхоналарнинг бунёд этилиши суст ривожланган худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларининг бирмунча жадаллашувига олиб келди.

Мазкур фикр доирасидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида худудий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифага айланиб бормоқда. Хорижий мамлакатлар олимларининг асарларида худудий стратегияларни ишлаб чиқишнинг муаммоли-аналитик асослари яратилган ва стратегик дастурлашнинг назарий –методологик масалалар бирмунча ёритилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида минтақаларнинг ривожланиш концепциялари, стратегиялари ҳамда дастурларини ишлаб чиқишнинг назарий-методологик асослари бирмунча суст ривожланган. Стратегияларни ишлаб чиқишнинг мавжуд хорижий тажрибалари эса федератив давлатлар маълумотларига асосланган. Шу боисдан ҳам уларда яратилган методологиядан бизнинг шароитимизда тўла фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин, уларнинг илмий-амалий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, уларда илгари сурилган назарий-услубий ёндашувлардан, шароитимизга мослаган ҳолда фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Концепция мамлакатнинг стратегик мақсадлари, вазифалари ва эҳтиёжлари ҳақидаги тизим каби ҳудудий ривожланиш стратегияларини шакллантиришда биринчи қадам ҳисобланади. У бевосита стратегиянинг тамойиллари, механизмлари ва амалиётга тадбиқ этиш, шунингдек минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш шарт-шароитларини яратиш тизимини намоён этади.

Ҳудудий ривожланиш стратегияларининг концепциялари минтақавий ривожланишга оид классик ва замонавий назариялар, ҳудудий ривожланишни бошқариш ва дастурлаштириш борасидаги хорижий ҳамда мамлакатимиз иқтисодчи олимлар асарлари, шунингдек иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижалари асосида ҳосил қилинган тажрибаларга таянган ҳолда ишлаб чиқилади. Концепцияларда ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг устивор йўналишлари асосий ўзак вазифасини ўтайди (расм 1).

Минтақавий иқтисодиётда “кутбий ривожланиш” ҳамда “минтақавий тенглаштириш” каби парадигмалар мавжуд.


“Тенглаштириш сиёсати” собиқ иттифоқнинг географик сиёсатида кенг қўлланиб келинган. Ушбу концепция Европа иттифоқи давлатларида ва Япония каби бир қатор ривожланган мамлакатларда ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда. Масалан, ЕИ минтақаларни “тенглаштириш” ва яқинлаштириш сиёсатини қўллаб келади. Германияда немис миллати бирлигини таъминлаш мақсадида гарбий ва шарқий ҳудудларни тенглаштириш сиёсати олиб борилади. Ҳозирги вақтда Европа минтақавий сиёсатида “тенглаштириш сиёсати”ни замонавий модификацияси ҳисобланмиш “бирдамлик (жипслик)

сиёсати”ни (Cohesion Policy) ҳаётга тадбиқ этиш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Россия Федерациясининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиялари лойиҳасида минтақавий тенглаштириш сиёсати ўрнига “қутбий ривожланиш” ҳамда “локоматив минтақа(таянч минтақа)лар”ни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилмоқда.

“Локоматив минтақа” концепцияси тарафдорлари, бозор иқтисодиёти ислоҳотларининг ва иқтисодий ўсишнинг салбий ҳосиласи бўлмиш минтақавий дифференциациядан чўчимасликни уқтиришга ҳаракат қиладилар.

“Қутбий ривожланиш” ҳамда “локоматив-минтақа” концепцияларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳудудий ривожланишдаги фарқларнинг кучайишига сабаб бўлади. Шу боисдан ҳам иқтисодиётни модернизация қилишнинг устивор йўналишларига ва қолаверса давлатнинг иқтисодий сиёсатига зид келади.



1-расм. Ўзбекистон минтақалари ривожланиш стратегиясининг концепцияларини шакллантириш схемаси.

Бугунги кунда “тенглаштириш сиёсати” асосан ривожланган мамлакатларда қўллаб келинмоқда. Бизнинг минтақаларимизни

замонавий ривожланиш даражаси мазкур концепциядан фойдаланиш имкониятини бермайди. Ундан бирмунча модернизациялаштирилган холда иқтисодий ўсишнинг бир хилдаги шароитларини таъминлашда, минтақаларда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси ривожланиш даражаларини тенглаштиришда фойдаланилиши мумкин.

Минтақалар ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқишда Европада 70-йилларда иқтисодий инқироз сабабли кенг тарқалган маҳаллий ривожланиш (ўсиш) назариясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур назария моҳиятан худуднинг ривожланиш самарадорлигини, унинг маҳаллий иқтисодий салоҳияти ҳамда инвестицион жозибаторлигини ва маҳаллий даражадаги тадбиркорликни рағбатлантира олиш имкониятларини очиб беришга йўналтирилган.

Минтақавий иқтисодиётда кутбий ривожланиш назарияси минтақавий сиёсатнинг барча жиҳатларини қамраб олувчи ягона назария ҳисобланади.

Ф.Перру ва Ж. Р.Будвил илмий изланишларида ривожлантирилган кутбий ривожланиш назарияларига кўра мамлакатнинг сустривожланган минтақаларида “ўсиш(ривожланиш) нуқталари”ни шакллантириш асосида саноатнинг жадал ривожланишига эришиш мумкин. Худудий оқилона жойлаштирилган бир нечта саноат корхоналари бошқа корхоналарнинг шаклланишига, яъни минтақанинг ривожланишига туртки бўлиши мумкин [1].

Мамлакатимиз минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ва табиий-иқтисодий салоҳиятидаги фарқлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда худудий ва таркибий устувор йўналишларни, инвестиция сиёсатини қайта қуришни, шунингдек уларнинг ривожланишини давлат томонидан тартибга солишни инобатга олинишини талаб этади.

Шу боисдан ҳам минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини асослашни қуйидаги тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- минтақа ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар таҳлилини амалга ошириш; бу босқичда мавжуд ҳолат таҳлил этилади ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига баҳо берилади;

- минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш стратегияси асосланади; ривожланиш истиқболлари ёритилади, стратегия асосланади, худудий ривожланишни тартибга солиш усуллари танланади;

– ҳудудий ривожланишни давлат ва бозор муносабатлари асосида тартибга солиш усуллари танланади, концепция ишлаб чиқилади; минтақанинг молиявий ресурслари ўсиши прогнозлаштирилади, бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш ва кўпайтириш йўллари аниқланади;

– бюджетнинг даромад қисмига хусусий тадбиркорлик, мулкчиликнинг турли шакллари, хорижий инвесторлар ҳамда бюджетдан ташқари жамгармаларининг кўшимча маблағларини жалб этиш мақсадида янги манбалар аниқланади.

Мамлакат миқёсидаги ҳудудий ривожланишнинг умумий стратегияларидан самарали фойдаланиш мақсадида барча алоҳида минтақаларнинг стратегиялари уларни объектив таққослаш имкониятини таъминлаш учун таркибий ва методологик жиҳатдан ўзаро ўхшаш бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳудудий ривожланиш стратегияси жаҳон амалиётида қўлланилаётган, шу билан бирга иқтисодий ислохотларнинг миллий модели устивор йўналишларини ҳисобга олувчи методологик ёндашувларга ва тамойилларга таяниши шарт. Ҳудудий ривожланишнинг ягона мажмуали стратегиясини ишлаб чиқиш тамойилларига қуйидагилар киради. Булар:

– мамлакатнинг барча ҳудудларида бозор ислохотларини чуқурлаштиришга ва ягона иқтисодий сиёсатни тадбиқ этишга, миллий эҳтиёжларни қондиришга, ягона умумдавлат бозорини шакллантиришга бўлган давлат эҳтиёжининг устиворлиги;

– ишлаб чиқаришни ҳудудий хом ашё манбалари, энергия ва меҳнат ресурслари, истеъмолчиларга яқинлаштиришни, шунингдек маҳаллий шароитни инобатга олиш асосида ижтимоий муаммоларни хал этишни кўзда тутувчи тармоқ ва ҳудудий ривожланиш тамойилларининг уйғунлиги;

– ҳудудлар иқтисодиётининг оқилона таркибини шакллантиришни, маҳаллий шароит ва аҳоли талабларининг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда алоҳида тармоқлар ва йўналишларни ривожланишини таъминловчи мажмуалилик ва мутаносиблик;

– минтақалар мажмуали ривожланишини таъминлашда ҳудудий органлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, фуқаролик жамиятлари ўрни ва масъулиятини ошира бориш;

– аҳолининг яшаш жойидан қатъий назар бир хил шароит яратиш, минтақаларни аҳоли даромадларини хизмат кўрсатиш соҳаларига

нисбатан тезроқ ўсиши ва аҳолини оқилона бандлигини таъминлаш нуктаи назаридан ижтимоий кафолатлаш.

Худуд ривожланишини стратегик прогнозлаштиришнинг биринчи босқичида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, яъни худуднинг ривожланиш муҳити таҳлил этилади. Мазкур босқичнинг асосий мақсади мавжуд ҳолатни объектив баҳолаш ва имкониятларни аниқлаш асосида истиқболдаги “ўсиш нукталари”ни асослаб бериш; худуднинг бошқа худудларга нисбатан глобал жараёнларга муносабатини аниқлаш; худуддаги мавжуд ресурслар (меҳнат, моддий, интеллектуал) салоҳиятини баҳолашдан иборат.

Худудий ривожланиш стратегиясининг мақсад ва вазифалари мавжуд вазиятни, омил ва имкониятларни, шунингдек минтақадаги аниқланган муаммолар ва диспропорцияларни чуқур таҳлил этиш асосида белгиланади. Таъкидлаш жоизки, стратегия “худудий адолат”ни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасидаги худудий ранг-барангликни кискартиришга эришиш мақсадида тузилиши лозим.

Худудий ривожланиш стратегиясининг бош мақсади-мамлакатнинг барча минтақаларини мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун шароит яратишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этилиши талаб этилади. Булар:

– минтақанинг умумий ижтимоий-иқтисодий шароитини баҳолаш, амалга оширилаётган ислохотларнинг натижадорлигини аниқлаш, асосий ривожланиш жараёнларини, иқтисодий ўсишнинг муаммо ва заҳираларини аниқлаш;

– ҳар бир минтақанинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш мақсадида мавжуд табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, шунингдек меҳнат салоҳиятидан мажмуали ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

– худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш, минтақанинг истиқболдаги ихтисослашув тармоқ ва соҳаларини, иқтисодиётини таянч тармоқлари ривожланишининг устивор йўналишларини аниқлаш;

– минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос ҳолда таянч саноат тармоқлари ривожланишининг стратегик дастурларини: нефт-газ тармоғи ривожланиш дастури, электроэнергетика, қора ва рангли металлургия, кимё саноати, шунингдек энергия тежамкорлиги дастурларини амалга ошириш;

– барқарор ва хавфсиз иқтисодий ривожланишни, минтақалараро интеграцияни кенгайтириш имкониятини берувчи, мамлакат учун ягона транспорт ва телекоммуникация маконини яратишни ниҳоясига етказиш;

– инвестицион лойиҳалар, иқтисодий ривожланиш суръатлари ва мамлакатнинг ўсиб келаётган аҳолиси эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган энергия тежовчи, сув ва газ таъминоти тизимларини ривожлантириш;

– аҳоли ва корхоналар даромадларини ошириш ҳисобига ички бозор сиғимини кенгайтириш;

– минтақалар ва корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш;

– минтақалар демографик эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ижтимоий инфраструктура тармоқларини ривожлантириш;

– дастурларни амалга оширишда хусусий сектор, хорижий инвесторлар ва давлатнинг молиявий ресурсларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини таҳлил этиш асосида республика иқтисодиётининг худудий таркибидаги жараёнлар, ижобий ўзгаришлар, минтақаларнинг мажмуали ва барқарор ривожланиши билан боғлиқ муаммо ва худудий фарқлар, ички захира ва имкониятлар аниқланади.

Минтақаларнинг барқарор, мутаносиб ва мажмуали ривожланиш омиллари, шароитлари ҳамда имкониятлари минерал-хом ашё ва ёқилги-энергетика базаси, ер-сув ресурслари, демографик салоҳияти ва бошқа маҳаллий ресурсларнинг прогноз баланслари асосида аниқланади. Зеро булар, минтақалар иқтисодиётини алоҳида тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг реал имкониятларини очиб беришга хизмат қилади.

Ҳар томонлама илмий асосланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакат минтақаларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини мажмуали ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланади. Уларда таркибий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш ва жойлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси, атроф-муҳит муҳофазаси, минтақаларнинг устувор йўналишлари, молиявий барқарорликни таъминлаш, инвестицион жозибадорликни ошириш каби жиҳатларга алоҳида урғу берилади.

Минтақа иқтисодиёти мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланади ва худудий меҳнат тақсимотига мос равишда ривожланади. Худудий меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнат тақсимотининг муҳим шаклларида бири ҳисобланади ва мамлакатнинг турли минтақаларини у ёки бу саноат ёки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, ёки бир



вақтнинг ўзида бир қанча тармоқларга ихтисослашувини белгилаб беради. Меҳнатнинг мамлакат минтақалари бўйича ҳудудий оқилона тақсимланиши минтақаларни барқарор ривожланишини таъминлаш шароитларидан ҳисобланади. Хар бир минтақа фақат ўзига хос бўлган бозор иқтисодиёти ихтисослашувини шакллантириши ва иқтисодий алоқалар орқали бошқа минтақалар билан маҳсулот айирбошлаши мумкин.

Шу боисдан ҳам стратегияларни ишлаб чиқишда минтақаларнинг маҳаллий ресурслари имконият ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда узоқ муддатли истиқболдаги хўжалик ихтисослашувини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Оқилона ҳудудий ихтисослашув йўлини танлаш зарур. Хар бир минтақа ўзининг минтақавий бозорига эга бўлиши ва шу билан бирга ўзидаги етакчи тармоқлар маҳсулотларини мамлакат ва жаҳон бозорига олиб чиқиши лозим.

Таъкидлаш мумкинки, муайян географик муҳитда мамлакатнинг мазкур ҳудуди иқтисодий салоҳиятини ўзида намоён эта оладиган хўжалик структураси шаклланади. Ҳудудларнинг нисбатан ўзига хослиги ва барқарорлиги ҳам минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Минтақанинг оптимал ривожланиш стратегиясини ҳудуд иқтисодий салоҳиятини хар жихатдан инобатга олган ҳолда танлаш мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланган ва ишлаб чиқариш кучларини сақлаган ҳолда, ҳудуд ресурсларини қайта ишлаш жараёнига жалб этиш имкониятини беради.

Минтақалар иқтисодий ривожланиш стратегияларини танлашда маҳаллий ресурслардан фойдаланган ҳолда узоқ муддатли самара олишни таъминлаш имконини берувчи минтақа иқтисодиётининг барча бўғинларини кенг миқёсда ривожлантириш муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун мавжуд табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи салоҳиятни мажмуали иқтисодий баҳолаш талаб этилади.

Тармоқ ва функционал ўзгартириш ҳамда қўшимчаларни инобатга олган ҳолда ҳудудий ривожланиш стратегиясининг мақсадли йўналишлари асослаб берилади. Ушбу йўналишларни миқдорий баҳолаш индикаторлари сифатида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, хизмат кўрсатиш, экспорт, аҳоли даромадлари ҳажми, шунингдек саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улуши тавсия

этилади. Худуд аҳолисининг бандлик кўрсаткичлари ва табиий-иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражаси ҳам мақсадли йўналишлар сифатида кўрилиши мумкин.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ва стратегияларини амалга оширишнинг муҳим механизми сифатида ресурс таъминоти ва молиялаштириш манбалари намоён бўлади. Маҳаллий молия ва бюджет ҳолатини таҳлил этиш дастурларни молиялаштиришнинг оптимал тизимини танлаш, маҳаллий бюджетнинг солиқ даромадларини шакллантирувчи, шу билан бирга ҳукумат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланиши лозим бўлган асосий тармоқ ва корхоналарни аниқлаш имконини беради.

Минтақалар ривожланишини бошқариш дастаклари ва стратегияларни амалга ошириш механизмлари асосий ва мақсадли йўналишларни рўёбга чиқариш механизмларини шакллантиришнинг умумий ёндошувлари орқали аниқланади. Механизмларни асослаш худудий бошқарувнинг ватандош ва хорижий тажрибаларини умумлаштириш ва баҳолашни ҳам қамраб олиши лозим.

Стратегияларни амалга оширишнинг асосий механизмлари қуйидагилардан ташкил топади. Булар:

- минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қонуний–ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги;
- худудий ривожланишнинг ягона сиёсатини амалга ошишини таъминловчи ташкилий тузилмаларни шакллантириш, шунингдек минтақаларни мажмуали ривожланишини координация қилиш ва тартибга солиш мақсадида марказ ёки агентликлар ташкил этиш;
- минтақалар табиий-ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда мақсадли дастурлар, йирик инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали келишув механизмини шакллантириш;
- иқтисодиёт тармоқларини худудий ташкил этиш ва жойлаштириш борасидаги илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларини кенгайтириш;
- минтақавий менеджмент, минтақавий иқтисод, минтақавий молия бўйича мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш.

## БИБЛИОГРАФИЯ

1. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. - М.: ГУ ВШЭ, 2003. - С.52.

2. Николаев И.А., Точилкина С. Аналитический доклад «Стратегии и программы развития регионов». Аудиторско-консалтинговая компания ФБК. Департамент стратегического анализа. - М.: 2006.

3. Горохова М.В. Казахстан: вопросы эффективной реализации новой модели региональной политики. Центр анализа общественных проблем.

**Айдинова Марина Алексеевна**  
**НИЦ при ТГЭУ**  
**ведущий научный сотрудник, к.э.н.**

## **ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РЕАЛИЗАЦИИ ПРАВ СОБСТВЕННОСТИ НА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЙ ПРОДУКТ В УСЛОВИЯХ БЮДЖЕТНОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ**

На современном этапе экономического развития объекты авторского права играют в экономической жизни современного общества не менее важную роль, чем объекты патентного права, традиционно понимаемые как основные элементы института промышленной собственности. Из всех видов интеллектуальной собственности торговля именно авторскими правами, а не патентами или товарными знаками, приносит в США наибольшие прибыли. В последнее время экономической стороне авторского права стало уделяться особое внимание в связи с ускорением развития новых технических средств (кабельной и спутниковой связи, компьютерных сетевых технологий и др.).

**Таблица 1**

**Показатели, используемые для оценки вклада отраслей базирующихся на авторском праве**

Страна	Создание добавленной стоимости	Занятость	Внешняя торговля
Австралия	ВПИ/ ВВП	Число работников	Экспорт-импорт продукции, защищенной авторским правом
Австрия	Добавленная стоимость/ ВВП	Число работников	-
Финляндия	Добавленная	Число работни-	-

	стоимость/ ВВП	ков	
Япония	Добавленная стоимость/ ВВП	-	-
Нидерланды	Добавленная стоимость/ ВВП	Число работников	Экспорт-импорт продукции, защищенной авторским правом
Норвегия	Добавленная стоимость/ ВВП	Число работников	-
Великобритания	обавленная стоимость/ВВП	Число работников	-
США	Добавленная стоимость/ ВВП	Число работников	Экспорт-импорт продукции, защищенной авторским правом

Другим обстоятельством для усиления внимания к «коммерческой» стороне авторского права стали развитие международной торговли и связанное с этим дальнейшее совершенствование системы международных договоров, отражающее требования унификации и гармонизации положений национальных законодательств в области интеллектуальной собственности. В законодательстве об авторском праве закладывается механизм, суть которого сводится к установлению оптимального баланса между временем и усилиями научных работников по созданию продукта интеллектуальной деятельности и потребностями общества по его получению и использованию. Он позволяет получить оптимальное количество научных разработок, а также обеспечить доступ потребителей к объектам интеллектуальной собственности с тем, чтобы они могли быть эффективно распределены при помощи рыночных отношений. При отсутствии механизма, обеспечивающего производителю интеллектуальной собственности возврат инвестиций, вложенных в товар, защищенный авторским правом, возникнет их недостаток. Обращение результатов интеллектуальной деятельности подчиняется общим правилам, однако характер прав и обязанностей, средства их реализации и охраны обладают своими особенностями.

В целом ряде стран осуществляется оценка вклада сектора, связанного с авторским правом в ВВП, занятость, внешнеторговый оборот.

Таблица 2

**Удельный вес индустрии авторских прав в ВВП и занятости населения (в %)**

Страна	Год	Вклад в ВВП	Занятость
Австралия	2001	3,30	3,80
Бразилия	1998	6,74	5,0
Финляндия	1997	4,13	3,98
Япония	1998	2,30	-
Нидерланды	1998	5,50	5,50
Норвегия	1999	3,80	4,25
США	2001	5,2	5,90

Несмотря на различия в методологии и масштабах проводимых исследований, индикаторах и инструментарии оценки можно выделить существенный и увеличивающийся его вклад в создание добавленной стоимости и рабочих мест. Результаты оценки представлены в табл. 2.

Тиражирование материальных объектов авторского права сформировалось в крупную отрасль индустрии. В настоящее время в США она опережает авиационную, автомобильную и фармацевтическую отрасли не только по вкладу в ВВП, но и по количеству занятых.

Очевидно, что интеллектуальная собственность является мощным фактором повышения конкурентоспособности инновационной экономики и требует управляющего воздействия на процессы, связанные с ее использованием. Темпы освоения новых технологий прямо зависят от заинтересованности, как инвестора, так и разработчиков в правах на полученные технологии. Следовательно, необходимо четко разграничить права государства на результаты научно-технической деятельности, финансируемые из госбюджета, и права их исполнителей, с учетом необходимости стимулирования предприятий и их работников к инновационной деятельности. Также принципиально важно разделить функции действующего субъекта, реализующего права на объекты интеллектуальной собственности, и субъекта, контролирующего использование прав государства.

Для всех государств СНГ проблема закрепления и реализации прав на объекты интеллектуальной собственности, созданные в результате выполнения работ, полностью или частично финансируемых за счет государственного бюджета, представляется актуальной. Это обусловлено тем, что действующая система управления интеллектуальной собствен-

ностью не отвечает современным требованиям. Вследствие чего хозяйствующие субъекты испытывают проблемы, связанные с отсутствием стратегии развития рынка интеллектуальной собственности и с несовершенством экономических механизмов взаимодействия его участников. По этой причине многие предприятия не используют полностью свой имеющийся научный потенциал и конкретные разработки, защищенные патентами на изобретения. Фактически, произошедшее исключение разработчиков из числа собственников прав и лиц, распоряжающихся интеллектуальной собственностью, созданной на государственные средства, серьезно препятствует привлечению инвесторов в наукоемкое производство, созданию предприятий с долевым участием в финансировании научно-технической и инновационной деятельности.

Из опыта промышленно развитых стран известны различные формы и методы государственного управления интеллектуальной собственностью, создаваемой за счет бюджетного финансирования. В разное время и в разных условиях применялись следующие модели:

- фискальная, основанная на отчуждении в пользу государства исключительных прав на результаты научно-технической деятельности, создаваемые по заказам правительственных ведомств, и возмещении затраченных бюджетных средств;

- университетская, обеспечивающая приоритет исполнителя (в лице научных организаций и авторов) на получение и использование исключительных прав на результаты научно-технической деятельности;

- промышленная, ориентированная на приоритет прав промышленных компаний, участвующих совместно с государством в долевым финансировании и использовании результатов НИОКР;

- либеральная, предполагающая передачу исключительных прав на результаты научно-исследовательских работ исполнителю, отсутствие государственного контроля за расходованием бюджетных средств, выделенных на науку, а также ограниченное участие государства в прибылях исполнителей и пользователей объектов интеллектуальной собственности.

При этом в развитии системы государственного управления интеллектуальной собственностью явно прослеживается тенденция постепенного перехода от фискальной модели к либеральной. В настоящее время преимущественно применяются университетская и промышленная модель, а также их комбинация.

Как показывает мировой опыт, предпочтительно предоставлять приоритетное право на патентование результатов, получаемых в результате выполнения государственных заказов, исполнителям этих заказов. То же, причем даже в большей степени, касается ноу-хау. Такая политика прослеживается в США, а также в Германии и Франции.

Мировой опыт свидетельствует: ограничение прав на результаты научно-технической деятельности, отсутствие у частных предпринимателей возможности приобрести исключительные права на объекты промышленной собственности приводят к тому, что они перестают вкладывать средства в эту сферу. Так, например, до 1980 года правительство США оставляло за собой права владения на все изобретения, связанные с инвестициями в исследования и разработки. Традиционная патентная политика в этой области требовала, чтобы правительство сохраняло права на любую интеллектуальную собственность, получаемую в ходе финансируемых из федерального бюджета исследований. Коммерциализация же этой собственности предполагала выдачу промышленности только неисключительных лицензий. В основе данной политики лежала теория, что любые экономические выгоды от исследований и разработок, финансируемых из федерального бюджета, должны в интересах налогоплательщиков в основном доставаться правительству.

В реальности данная политика абсолютно препятствовала любым стремлениям к продвижению финансируемых правительством изобретений на рынок. Практически все открытия, сделанные в ходе таких исследований, оказывались на полке. До 1980 года федеральное правительство получало около 28 тысяч патентов в год (статистика по 1978 год включительно), и только 5% из них передавались на рынок по лицензиям. Доллары федеральных налогов, затраченные на исследования, крайне редко возвращались в виде полезной продукции. В результате не только выбрасывались на ветер средства налогоплательщиков, но и снижалась конкурентоспособность американских инноваций, что резко отрицательно влияло на технологические новшества в целом.

Основополагающими законами, изменившими отношения участников рынка наукоемкой продукции в США, стали Закон Бай-Доула и Закон о технологических инновациях Стивенсона-Уайдлера. Цель обоих законов – создать благоприятную среду для использования частным сектором плодов научно-технических исследований, проводимых при финансовом участии федерального правительства. И если закон Бай-Доула предназначен для решения проблем, связанных с правами на интеллектуальную промышленную собственность, полученную при госу-

дарственном финансировании разработок, то закон Стивенсона-Уайэдлера прежде всего решает вопросы собственности на продукты и технологии, созданные при инвестициях в национальные лаборатории, их персонал и инфраструктуру.

Закон Бай-Доула коренным образом изменил положение о том, кому могут принадлежать патенты, появляющиеся в результате расходов правительства на исследования и разработки. Он предоставил получателям правительственной финансовой помощи (в большинстве случаев это либо университет, либо предприятие) возможность выбора – брать или не брать на себя право собственности на результаты научно-технической деятельности. При отказе изобретение может стать федеральной собственностью, если соответствующее агентство успешно оформит заявку на патент. Но на практике представители частного сектора оставляют за собой право собственности на результаты научно-технической деятельности всегда, если видна их коммерческая ценность.

Закон Стивенсона-Уайэдлера был дополнен двумя дополнительными нормативными актами – «О передаче федеральных технологий» и «О передаче национальных конкурентоспособных технологий». Эти законодательные акты определили, в частности, порядок заключения соответствующих лицензионных соглашений и разделения роялти. Они предоставили промышленным компаниям правовые гарантии на использование интеллектуальной собственности, возникающей в результате соглашений о кооперативных исследованиях с федеральными лабораториями, и дали последним право на роялти от практического применения их изобретений, созданных в рамках подобных соглашений. Тем самым был открыт зеленый свет для проведения совместных проектов НИОКР промышленными фирмами и финансируемыми из бюджета лабораториями.

Руководствуясь нормами Закона «О передаче федеральных технологий» был разработан новый юридический инструмент – Соглашение о сотрудничестве в области исследований и разработок. В соответствии с Соглашением каждое федеральное агентство в лице директоров подразделений получило разрешение вступать в сотрудничество с промышленностью, университетами, бесприбыльными организациями и т.д. По этим соглашениям участвующие в сотрудничестве стороны могут финансировать федеральную лабораторию, обеспечивать ее персоналом, оборудованием и помещениями, оказывать другие услуги. Лаборатории, в свою очередь, могут предоставлять участвующим в сотрудничестве



сторонам свою собственность, обеспечивать их необходимым персоналом, оказывать иные услуги. В отличие от исследований и разработок, проводимых в соответствии с соглашениями о финансовой помощи, Соглашения составляются по принципу распределения затрат. Работа, выполняемая в соответствии с таким соглашением, может проводиться и в национальной лаборатории, и на территории партнеров. В целом в конце двадцатого века в США был принят ряд новых законов, направленных на решение таких задач, как:

- стимулирование промышленных фирм к увеличению расходов на НИОКР;
- содействие малым фирмам, выпускающим высокотехнологичную продукцию;
- поддержка НИОКР, выполняемых совместно с промышленными фирмами;
- поощрение сотрудничества между промышленными фирмами и университетскими лабораториями;
- создание стимулов к улучшению качества продукции;
- упрощение процедур передачи технологий из федеральных лабораторий предприятиям частного сектора.

В настоящее время только незначительная часть изобретений, полученных при выполнении публично финансируемых научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ, патентуется на имя правительства США 6 агентствами, через которые осуществляется финансирование. Они не только получают патенты, но и занимаются лицензированием.

В других странах законодательство не предусматривает возможность закрепления исключительных прав непосредственно за государством, но это может быть сделано через специальные организации или агентства, например, в Объединенном королевстве эту роль на протяжении 20 лет играла Британская технологическая группа, в Японии ее играет Агентство по лицензированию технологий.

Оценивая возможности применения зарубежного опыта по распоряжению результатами бюджетных научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ, следует иметь в виду, что ни в одной из стран франко-германской правовой системы, государство как таковое не может быть субъектом отношений в области интеллектуальной собственности. Если оно участвует в обороте интеллектуальной собственности, то лишь через посредство юридических лиц (организаций). При этом правами интеллектуальной собственности владеет не го-

сударство, а государственные организации. Такое решение хорошо вписывается в традиции франко-германского права. А вот усиленно продвигаемая в последнее время идея наделить государственных заказчиков правом распоряжаться интеллектуальной собственностью заимствована из американского патентного законодательства, что само по себе не так уж плохо. В американском патентном законе закрепление исключительных прав на изобретение за государством, представленным в лице государственного заказчика научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ, предполагает получение патента на имя этого заказчика. Однако процедура получения такого патента достаточно сложна и ограничена по срокам. Определенный шаг во времени подачи заявок дает государству возможность защитить свои интересы, но не позволяет чиновникам затягивать процесс патентования, вымогая взятки. Если принять идею патентования результатов на имя заказчика, то ее имплантация в законодательство должна быть проведена вместе с имплантацией защитных процедур. Следует также учесть, что патентная охрана (особенно в американском варианте) обеспечивает доступность и, следовательно, общественное потребление базовой информации о новых решениях и технологиях. В этом ее преимущество перед охраной результатов научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ как ноу-хау. Для фирм может быть предпочтительнее режим ноу-хау, но для общества в целом - патент. Патент - это компромисс между открытостью и сохранением преимуществ за тем, кто вложил творческие усилия и/или деньги. Отсюда следует, что патентная охрана также предпочтительна для общественных целей, как в США и европейских странах. Именно она должна играть ведущую роль в правовой охране результатов научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ, полученных при бюджетном финансировании.

### **БИБЛИОГРАФИЯ**

1. Ашихин А.Н., Смирнов Ю.Г., Чернуха А.В. Состояние инновационной политики в зарубежных странах и Российской Федерации - М.: Роспатент, 2004.
2. Вишневский В., Дементьев В. Инновации, институты и эволюция // Вопросы экономики. - 2010. №9.
3. Дынкин А., Иванова Н. Инновационная динамика: глобальные тенденции и Россия // Проблемы теории и практики управления. 2008. №5.

4. Иванов В.В. Инновационная парадигма XXI. - М.: Наука, 2011.

5. Московкин В. Европейская инновационная политика: адаптация к условиям стран СНГ // Проблемы теории и практики управления. 2009. №10. С.24-33.

6. Московкин В.М., Еренков М.Н. Анализ мер европейской инновационной политики в контексте защиты прав интеллектуальной собственности и их адаптация для России // Инновации. 2010. №1. С.68-73.

7. Belussi F. (In Search Of A Useful Theory Of Spatial Clustering, Paper presented at the DRUID Summer Conference 2004 on Industrial Dynamics, Innovation And Development, Elsinore, Denmark, June 14-16, 2004.

8. ВПИ - валовой продукт индустрии. Этот показатель использован в Австралии в период до 1997-1998, для вычисления вклада некоторых отраслей в ВВП "The Economic Contribution of Australia's Copyright Industries.

**Акрамова Шахноза Ганишеровна**  
**ТДИУ хузуридаги ИТМ катта илмий ходими**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Бугунги кунга келиб инсон ва унинг фаровонлиги ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бош мақсадига айланган. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини ошириш давлатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг устувор мақсадларидан биридир.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг саломатликка берган таърифига кўра, саломатлик бу нафақат касаллик ва жисмоний камчиликларнинг мавжуд бўлмаслиги, балки, у – инсоннинг тўлиқ жисмоний, маънавий ва ижтимоий фаровонлик ҳолати сифатида таърифланади. Бу билан саломатлик нафақат тиббиётнинг муаммоси, балки бутун жамият ва ҳукуматнинг асосий муаммоси сифатида қаралишига асос солинди.

Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб мамлакатимиз ҳукумати томонидан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислох

қилишга катта эътибор қаратди. Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 14 та Қонунлари, ЎзР Президентининг 30 дан ортик Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортик Қарорлари қабул қилинган. 1996 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонун асосида аҳолини соғломлаштириш жараёнларида давлатнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди. 10.11.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастури тўғрисида”ги ПФ 2107-сонли Фармони соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш асосларини яратиб, унда тиббий хизматларнинг сифатини ошириш, соғлом авлод тарбиялаш, республикада тиббий хизмат кўрсатиш даражаларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун зарур бўлган барча иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш йўллари аниқлаб кўрсатилган. Аҳоли саломатлигини кенг омма орасида тарғиб этиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом ва баркамол авлод тарбиялаш республикада олиб борилаётган ислохотларнинг асосий тамойили ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар давлат сиёсати, инвестицияларни жалб этиш, тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш, шунингдек, Минг йиллик ривожланиш Мақсадларига эришиш каби тамойилларга таянган.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришда унинг инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий инфратузилма аҳоли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилганлиги сабабли, унинг амал қилишида демографик омилнинг таъсири катта бўлиб, миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада уларнинг чуқур таҳлилини талаб этади. Бундан келиб чиқиб, ҳар қандай давлат, минтақа ёки ҳудудда ижтимоий инфратузилма объектларини жойлаштириш ва ривожлантириш тадбирлари, авваламбор, демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Аҳоли бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатишнинг объекти ва субъекти сифатида намоён бўлиб, ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилиши билан бирга, унинг келгуси ривожланишини ҳам белгилаб беради. Аҳолининг қайта барпо бўлиш суръатлари, ёш-жинс таркиби, меҳнатга лаёқатсизларнинг улуши, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси ижтимоий инфратузилма объектларининг йўналишларини белгилаб берса, уларнинг ҳудудий жиҳатдан жойлашув зичлиги ижтимоий инфратузилма объектларини жойлаштириш учун

мезон бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг демографик омили ҳудудларнинг демографик хусусиятлари, аҳолининг жойлашув зичлигидан келиб чиқиб, ижтимоий инфратузилманинг тармоқ ва ҳудуд кесимида самарали амал қилишини ташкил этиш имкониятини беради.


Мустақиллик йиллари давомида (1991-2015 йилларда) Ўзбекистон аҳолиси сони 9,8 млн. кишига кўпайиб, 2015 йил бошига 30,4 млн. кишини ташкил этдиган ва сўнгги йилларда аҳолининг ўртача ўсиш суръатлари 1,5% на ташкил этмоқда. Статистик маълумотларнинг таҳлили 24 йил давомида Ўзбекистон аҳолиси сони деярли 50%га ўсганлигини кўрсатмоқда.

Россия Фанлар Академияси Инсон демографияси ва экологияси марказининг прогнозларига қараганда, Ўзбекистон МДХнинг аҳолиси ўсиб боровчи мамлакатлари гуруҳига тааллуқли бўлиб (ундан ташқари бу гуруҳга Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон киради), 2050 йилга келиб аҳолиси 32,7 млн.дан 50,9 млн. кишигача етиши мумкин [6]. БМТ мутахассислари ҳам шунга яқин рақамларни келтиришади, 2025 йилда 33,3 млн.киши ва 2050 йилга келиб 40,6 млн.кишини ташкил этади [7]. Ўзбекистон иқтисодий тадқиқотлар Маркази экспертларининг ҳисоб китобларига қараганда 2050 йилга келиб, Ўзбекистон аҳолиси 43,9млн. кишини ташкил этади. Албатта бундай тенденция ижтимоий инфратузилманинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, аҳоли ёш-жинс таркиби ижтимоий инфратузилманинг қайси тармоқларини ривожлантиришни белгилаб берувчи асосий омил сифатида юзага чиқади. Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси нисбатан ёш бўлган мамлакатлар сафидан жой эгаллаб, республикада ўртача ёш 2013 йилда 28,6 ёшни ташкил этди. Демография соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар республикада аҳолининг ёш бўйича таркиби жуда оптимал даражада шаклланган бўлиб, шиддатли ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлайдиган катта имкониятлар “эшиги” ёки “демографик дарча” очилганлигини эътироф этишади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, бутун ер шари учун бундай имкониятлар эшиги очилди, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари самарали таълим ва бандлик сиёсатини жорий этиш орқали ушбу имкониятдан максимал даражада фойдаланди ва иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори даражада ўсишини таъминлади. Одатда имкониятларнинг демографик дарчаси 30-40 йил мобайнида давом этиб, Европа мамлакатлари учун “демографик дарча” тўлиқ ёпилган. Ўзбекистон юзага келган имкониятларнинг “демографик

дарчаси”дан самарали фойдалана олиш даражаси унинг келажагини белгилаб беради. Аҳоли таркибида ёшлар улушининг юқорилиги мамлакатда аҳоли сифатини оширувчи соҳалар таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг аҳамиятини янада оширади.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича (1-расм), мустақиллик йиллар давомида республикада болаларнинг жами аҳоли таркибидаги улуши 13 %га қисқариб, меҳнат қилиш ёшидаги аҳоли ҳиссаси 12,6% га ошган. Бу ҳолат ҳам ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга ўз таъсирини кўрсатади.



*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.*

### 1-расм. Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби (йил бошига нисбатан %да)

Соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида тиббий хизмат кўрсатишнинг кўп босқичлилиқ ва мураккаб тузилмавий хусусиятига эга бўлган тизим ўрнига содда ва самарали амал қиладиган тизим яратилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг бошланғич бўғинида умумий шифокорлик амалиёти тизими жорий этилди ва қишлоқларда фельдшер акушерлик пунктлари, қишлоқ шифокорлик амбулаториялари, қишлоқ участка шифохоналарини ўз ичига олувчи тизим соддалаштирилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуна билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Бу шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам, бирламчи тиббий ёрдам олиш учун бир хил шароитлар яратади.

Олиб борилаётган ислохотлар натижасида мустақиллик йиллари давомида гўдаклар ўлими коэффиценти (1000 та туғилган болага 1 ёшгача болалар ўлими) 1991 йилда 35,5дан 2013 йилда 10,2 га тушди, яъни 3 баробарга камайди. Оналар ўлими коэффиценти (100000 туғилишга нисбатан) ушбу йиллар оралиғида 1,5 баробарга 33,3 дан 20 га камайди. Ушбу кўрсаткич жаҳон миқёсида таққосланадиган бўлса ҳам, республикада болалик ва оналикка катта эътибор берилаётгани маълум бўлади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, 2013 йилда дунёда оналар ўлими коэффицентининг минимал даражаси-1 га, ўртача даражаси 69 га ва максимал даражаси 1100 га тенг бўлган. Мисол учун, ривожланган мамлакатлардан Германияда 7 ф.п, Японияда 6 ф.п, АҚШда 12 ф.п, ривожланаётган мамлакатлардан бўлган Хитойда 32 ф.п, Бразилияда 69 ф.п, Ҳиндистонда 190 ф.п, собиқ иттифоқ мамлакатларидан Қирғизистонда 75 ф.п, Россияда 24 ф.п ни ташкил этди [4].



Манба: World Health Statistics 2015. P.134-135. асосида тузилган.

## 2-расм. Даромадига кўра мамлакат гуруҳларида соғлиқни сақлаш харажатлари

Соғлиқни сақлаш тизимининг самарали амал қилиши бир қатор омиллар – ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, инфратузилмасини ривожлантириш, ҳамда тиббиёт тизими олдида турган муаммоларни ҳал қила оладиган тиббиёт кадрларнинг етарли миқдорининг мавжудлиги билан белгиланади. Инфратузилмани

шакллантириш ва ривожлантириш соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг энг харажатли қисми бўлиб, унинг тўғри ташкил этилиши бутун тизимнинг даволаш жараёнинг қиймати ва сифати нуқтаи назаридан самарадорлигини белгилаб беради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига кўра мамлакатда миллат саломатлигини яхшилаш ва сақлаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштирилиши ЯИМнинг 5-6 %дан кам бўлмаган миқдорда ўрнатилиши зарур. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра Ўзбекистонда 2012 йилда соғлиқни сақлашга ажратилган умумий харажатлар миқдори ЯИМнинг 6,1 % даражасида бўлиб, улардан 51,1 % давлат ва 48,9 % фуқароларнинг шахсий харажатларига тўғри келган. Даромади юқори бўлган ривожланган мамлакатларда умумий харажатлар таркибида 60,6% давлат ва қолгани аҳолининг шахсий харажатлари ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимига сарфланадиган умумий харажатларнинг ЯИМдаги улуши бўйича ўртачадан юқори даромадли давлатлар қаторидан жой эгалласа-да, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган харажат бўйича ушбу гуруҳ бўйича ўртача кўрсаткичдан икки баробар паст бўлиб, ўртачадан паст даромадли мамлакатлар гуруҳи кўрсаткичларига яқин. Бир томондан бу аҳолининг ёш стузилмаси билан боғлиқ бўлсада, мамлакатда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш нуқтаи назаридан соғлиқни сақлаш соҳасини янада такомиллаштириш давлат томонидан қилинадиган харажатлар миқдорини оширишни талаб этади.

Республикада соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири оптималлаштириш бўлиб, бу камқувватли ва самарасиз фаолият кўрсатаётган тиббиёт муассасаларини тугатишни назарда тутди. Бюджетдан молиялаштиришдаги етишмовчиликларни қоплаш, ҳамда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ва тиббий хизматлар бозорида рақобатни шакллантириш мақсадида хусусий ва пуллик хизматларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга давлат бюджетидан ҳам соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган харажатлар охириги йилларда ошиб бормоқда. Фақатгина 2014 йилда 133 та тиббиёт муассасаси янгитдан қурилди ва реконструкция қилинди [2].

Сўнгги тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, инсон саломатлигининг атиги 8-10%и соғлиқни сақлаш тизимига, 20%и



экологик шарт-шароитларга, 20% генетик омилларга боғлиқдир, қолган 50% эса инсон ҳаёт тарзини ташкил этиш (яъни, кундалик рационал режими, овқатланиш тартиби, зарарли одатлар, турли жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш, ортиқча вазн ва стрессларнинг олдини олиш, анъанавий ва ноанъанавий чиниқтириш усуллари ва бошқалар) билан боғлиқ. Шу сабабли соғлиқни сақлаш тизимининг инфратузилмасини ташкил этишда бевосита соғлиқни сақлаш инфратузилмаси объектларидан ташқари аҳоли саломатлигига таъсир этувчи касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва профилактика тадбирларини олиб бориш билан боғлиқ инфратузилма объектларини кенгайтириш, ҳамда аҳолининг кенг оммаси учун унинг имконлилигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

### БИБЛИОГРАФИЯ

1. “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 29 август. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Каримов И.А. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларги бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. <http://uza.uz/oz/politics/-tub-tarkibiy-zgarishlarni-amalg-17-01-2015>
3. Здравоохранение: в поиска хновой модели. / Экономическое обозрение №9, 2011. С. 14-19.
4. World Health Statistics 2015. World Health Organization <http://www.who.int/en/>
5. Heller P. People and Places: Can They Align to Bring Growth to Africa? <http://www.cgdev.org>
6. ДемоскопWeekly 69-70, 3-16 июня 2002, <http://demoscope.ru/weekly/2002/069/>
7. [http://agrointernet.org/new\\_page\\_0.11.htm](http://agrointernet.org/new_page_0.11.htm)

## ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ТАРКИБИДА ЁШЛАРНИНГ САЛМОҒИ

Маълумки, ҳар қандай халқ тараққиётида ёшлар халқ истиқболини белгилайдиган омил, миллат давомчиси сифатида жамиятда алоҳида ўринга эга. Ёшлар замонавий дунёқараш, фан-техника тараққиёти, илғор технологиялар моҳиятини тез англайдиган ва ўзлаштирадиган ва замон билан ҳамоҳанг қадам ташлайдиган, ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай мамлакат ёки жамият юксак малакали, чуқур билимли ёшларга таянишга, янги тафаккур эгаларини етиштиришга, замонавий интеллектуал янги авлодни вояга етказишга эҳтиёж сезади. Ҳар бир давлатда юзага келадиган бундай жараёнлар ўзига хос демографик хусусиятларга эга. Шундай экан, аҳолининг энг фаол ижтимоий гуруҳ сифатида ёшларнинг демографик жиҳатларини ўрганиш таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу ўринда ёшларнинг ёш гуруҳларига тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Ёшларнинг ёш гуруҳларига ўз даврининг етук олимлари томонидан берилган фикрлар илмий жиҳатдан таснифланганда, уларни ўрганишда биологик, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, демографик нуқтаи назардан ёндашиш мумкинлигини кўрсатади.

Демографик нуқтаи назардан қаралганда аҳолини ёш гуруҳи бўйича ёшлар, ўрта ёшдагилар ва кексаларга бўлинади. Бу борода ҳурматли олимимиз М.Ш. Шарифхўжаев «Ёшлар деб аталувчи ижтимоий гуруҳга 16 ёшдан 30 ёшга қадар бўлган кишиларни киритиш тўғри бўлади. Чунки шу ёш оралиғидаги кишилар умумий психологик, социологик ҳамда акциологик сифатларга, манфаатдорлик ва қизиқиш кўрсаткичларига эга бўладилар», деб таъкидлаган [4] бўлсалар, яна бир олимимиз Бўриева М.Р. ёшларни жамиятдаги асосий ижтимоий демографик гуруҳи сифатида таърифлаб бу гуруҳга 16-29 ёшли аҳолини киритадилар [1].

Бундан ташқари бугунги кун Ўзбекистоннинг демограф олимлари ёшларнинг ёш гуруҳларига қуйидагича тасниф беришади (1-жадвал).

## Ёшларнинг ёш гуруҳларини ёш таснифи

Давр	Календар ёш	Ёш гуруҳларининг ҳаёт даври	
I.	0-6 ёш	Мактабгача бўлган ёш	
II.	7-17 ёш	Мактаб ёши	1.7-10 ёш– кичик мактаб ёши
			2.11-13 ёш– ўрта мактаб ёши
			3.14-17 ёш– катта мактаб ёши
III.	18-30 ёш	Фуқаролик ёши	1.18-20 ёш– кичик фуқаролик ёши
			2.21-24 ёш– ўрта фуқаролик ёши
			3.25-30 ёш– катта фуқаролик ёши

*Манба: Ўзбекистон ёшлари : ижтимоий қиёфа. Тошкент-2008. 12-Б.*

Олимлар ёшларнинг муайян, хусусан ижтимоий етуклик, касбда ўсиш, малака ошириш каби белгиларига аниқлик киритишга ҳаракат қилганлар. Масалан, бир гуруҳ социологлар ижтимоий етукликка “шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимида иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ соҳаларида ўз тенг ҳуқуқли ижтимоий ролини амалда бажариб, бу роли ва масъулиятини англатадиган ҳамда улардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажарадиган ҳолати” [2] деб таъриф берганлар.

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонунда ҳам ёшлар тоифасига 14-30 ёшдагилар кириши кўрсатилган [5]. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан меҳнат билан банд бўлганлар 16 ёшгача бўлган болалар ҳамда 16–29 ёшдаги ёшларга ажратилади. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан ёшлар учта демографик гуруҳга ажратилади:

1. 16–19 ёшдагилар;
2. 20–24 ёшдагилар;
3. 25–29 ёшдагилар.

Бу демографик кўрсаткичлар Ўзбекистон аҳолисини ёш гуруҳларини ажратиб кўрсатишда ҳам ўз ифодасини топади.

Ўзбекистоннинг умумий аҳолиси 2013 йилда 2003 йилга нисбатан 17,9 фоизга ўсган бўлса, 16-29 ёшдаги аҳоли сони шу йиллар давомида 27,2 фоизга кўпайган. Ҳозирда аҳолининг 36,7 фоизи шаҳар, 63,3 фоизи қишлоқ аҳолисини ташкил қилган. Шаҳар аҳолисининг 26,4 фоизини, қишлоқ аҳолисини 27,0 фоизини 16-29

ёшдагилар ташкил қилган. Лекин, демографик тадқиқотлар Ўзбекистонда сўнгги йиллар давомида туғилиш жараёнининг камайиб бораётганлигини кўрсатади.

2–жадвал

Ўзбекистонда ёшларнинг ёш гуруҳлари (минг киши)

Йиллар	Умумий аҳоли сони	Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар	16-29 ёшдагилар	Шу жумладан:		
				16-19 ёшдагилар	20-24 ёшдагилар	25-29 ёшдагилар
2003	25427,9	13991,3	6818,3	2355,4	2402,4	2060,5
2004	25707,4	14433,6	7020,0	2447,9	2478,2	2093,9
2005	26021,3	14859,2	7214,0	2498,5	2565,7	2149,8
2006	26312,7	15241,3	7378,8	2501,8	2682,2	2194,8
2007	26663,8	15663,9	7560,1	2511,2	2804,5	2244,4
2008	27072,2	16101,9	7787,2	2546,4	2919,7	2321,2
2009	27533,4	16543,4	7991,9	2578,8	3009,4	2403,7
2010	28001,4	16953,6	8155,3	2604,2	3052,7	2498,4
2011	16953,6	17804,7	8447,9	2621,0	3145,7	2681,2
2012	29555,4	18184,6	8584,6	2587,9	3188,9	2807,8
2013	29993,5	18517,6	8678,0	2535,1	3215,4	2927,5
2003-2013 йй. ўсиш суръатлари, %да	117,9	132,3	127,2	99,2	133,8	142,0

Манба: Государственный комитет Республице Ўзбекистан по статистике “Население Узбекистана 2014” Ташкент – 2014.

Шунингдек такидлаш жоизки, республиканинг қишлоқ жойларида туғилиш жараёни шаҳарга нисбатан тезроқ суръатлар билан қисқармоқда. Туғилишнинг камайиши доимий туғилиш жараёни юқори бўлган Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ҳам кузатилмоқда. Туғилиш даражасига таъсир эътувчи омиллардан бири оила-никоҳ муносабатлари бўлса, иккинчи томондан аҳолининг иқтисодий аҳволига ҳам боғлиқдир. Республикада туғилиш жараёнининг бориши аҳоли таркибидаги ёшлар салмогининг ортиб кетиши ёки камайиб боришига таъсир қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республика аҳолиси таркибида ёшлар катта улушни ташкил этади. 2003 йилда улар жами аҳолининг

26,8 фоизини ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 29,0 фоизга тенг бўлган.

Демак, Ўзбекистон аҳолисининг кўпайиши бир текис давом этаётгани йўқ. Бу мамлакат ёшларининг ва меҳнат ресурсларига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Бундай ҳолат уларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига салмоқли улушини белгилайди. Айни пайтда охириги ўн йилликда уларнинг улуши қисқариш тенденциясига эга эканлиги ҳам кўринмоқда. (3-жадвал). Ушбу тенденция республикада мустақиллик йилларида шакллана бошлаган янги демографик вазият билан боғлиқдир.

Ёшларнинг ёш таркиби демографик ва иқтисодий кўрсаткичларнинг энг муҳимларидан бири эканлигини инобатга олган ҳолда ёш гуруҳлари ўртасидаги мувофиқлик иқтисодий фаол аҳоли ва меҳнат ресурсларининг сифат жиҳатларини аниқлаш учун аҳамиятлидир. Ёшларнинг ёш гуруҳларни таҳлил этиш меҳнат ресурсларнинг шаклланиш манбаларини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун зарурдир. Ёшларнинг ёш гуруҳлари ҳақидаги маълумотлар меҳнат бозори, меҳнат ресурсларини ҳисоблаш ва прогнозлаштириш учун ҳам керак бўлади.

3-жадвал

**Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибида  
ёшларнинг улуши (%)**

Йиллар	Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар	16-29 ёшдагилар	Шундан:		
			16-19 ёшдагилар	20-24 ёшдагилар	25-29 ёшдагилар
2003	100	48,8	16,8	17,2	14,8
2005	100	48,5	16,8	17,2	14,5
2010	100	48,2	15,5	18,0	14,7
2013	100	47,2	13,7	17,4	15,8

*Манба: Жавдвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари*

Ёшларни 3та йирик ёш гуруҳларига ажратиш уларнинг «ёшариш» ва «қариш» тенденциясини аниқлашга ёрдам беради.

16-19 ёшлилар гуруҳи меҳнат ресурслари кенгайиши имкониятларини акс эттиради. Чунки, улар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқувчилар ҳисобланиб, бу ёш гуруҳидаги ёшлар сони 2003-2013 йилларда 99,2 фоизга ошган. Лекин ёшларнинг

бу ёш гуруҳидагилар бошқа ёш гуруҳларига нисбатан сони 2013 йилга келиб камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса 1996-1999 йилларда Ўзбекистонда туғилиш жараёнининг камайганлигини кўрсатди.

20-24 ёшлилар гуруҳининг маълум бир қисми олий ўқув юртлари талабалари ҳисобланса, қолган маълум бир қисми иқтисодий фаол аҳоли қаторига киради. Бу ёшдагилар эса шу йиллар давомида 133,8 фоизга ошди. Йиллар ўтиб ёшларнинг бу ёш гуруҳидагилар сонини ҳам камайиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Чунки бу ёш гуруҳига қўшиладиганларнинг сони камаётганлиги ҳозирда ўз аксини кўрсатмоқда. Бундан кўриниб турибдики, бу авлод вакиллари 3-чи гуруҳ ёшларнинг ёш гуруҳига ҳам таъсир қилади. Бундан ташқари аёлларнинг кўпроқ фарзанд кўриш даври шу ёш гуруҳларида кузатилмоқда.

25-29 ёш гуруҳидаги аҳоли сони 2003 йилда 2060,5 минг киши бўлган бўлса, уларнинг сони 2013 йилга келиб 2927,5 минг кишини ташкил этди. Аниқроқ қилиб айтганда, шу йиллар давомида 42,1 фоизга кўпайган. Бу ёш гуруҳидагиларининг жуда оз миқдори олий таълимдан сўнги ўқиш босқичларини давом эттирсалар, қолган катта қисми иш билан банд бўлишлари зарур, чунки бу ёшда уларнинг аксарият қисми оилали ва фарзандли бўлади. Ёшларнинг бу гуруҳ вакилларида ҳам камайиб бориш тенденцияси кузатилади.

Ҳозирги кунда халқаро демографик таснифга кўра, Ўзбекистон аҳолиси ёш давлатлар қаторига киради. Яқин ва узоқ истиқболда Ўзбекистон катта меҳнат салоҳиятига эга бўлади [3] деган маълумотларни кўп ўқиганмиз. Юқоридаги кузатишларни инобатга олганда келажакда бу маълумотлар аксини кўрсатиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Демак, бундан кўриниб турибдики умумий аҳоли ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибида ёшларнинг салмоғини камайиб бориши кузатилади. Мамлакатда йиллар давомида туғилишнинг ўсиши ёшларнинг ёш гуруҳларида катта ўзгаришларга олиб келади. Яъни, таркиб топган демографик муҳит натижасида эркаклар ва аёллар сони ўртасидаги миқдорни ортиб ёки камайиб бориш жараёнини кузатиб боришни талаб қилади.

Ҳозирги кунда нисбий кўрсаткичлардаги ўзгаришларга боғлиқ равишда таҳлил этилаётган аҳолининг ёш гуруҳларида ёшларнинг умумий миқдорида эркакларнинг салмоғи ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Лекин, шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, аҳолининг

жинсга кўра таркибининг бузилиши демографик муҳитни мураккаблаштиради.

Демак, юқори даражадаги туғилиш келгусида меҳнат бозорига иш кучи кириб келиши ортиши, бинобарин иш кучи таклифи талабга нисбатан ортиқ бўлишини англатади. Шу билан бирга туғилиш сонининг кўпайиши иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сонига таъсир кўрсатади. Чунки болали оналар туғруқ таътилига чиқиши натижасида улар иқтисодий фаол аҳоли таркибидан иқтисодий фаол бўлмаганлар қаторига кўшилади. Шу билан бирга ўз ўрнида ёшларнинг ёш гуруҳларини миқдорини ўзгаришига сабаб бўлади.

### **БИБЛИОГРАФИЯ**

1. Бўриева М.Р. Ижтимоий-демографик гуруҳлар. Т.: 1999 й. 12-бет.

2. Громов Ц.А., Иконникова С.Н., Лисовский В.Т. Молодёжь в обществе: человек и общество. Социальные проблемы молодежи. Уч.записки ЛГУ. Вып. VI. -Ленинград, 1969, -С. 159.

3. Расулова Д.В. Бозор муносабатлари тизимида ишчи кучи миграциясининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш // Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун такдим этилган диссертация автореферати.- Т., 2010. 23 б.

4. Шарифхўжаев М.Ш. Ёшлар муаммосини ўрганишнинг айрим методологик масалалари «Ёшлар муаммолари ва улар ечими (ҳолат ва истиқбол)» мавзuidaги республика илмий амалий конференцияси материаллари. –Т.: қатортол-Камолот. 1999.

5. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсати» тўғрисида, «Халқ сўзи» газетаси, 1991 йил 13 ноябрь.

**Икрамова Нилуфар Ибрагимжановна**  
ТДИУ и.ф.н., доцент

### **КОРХОНАЛАРДА ИШ ҲАҚИ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ**

Бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнида реал сектор тармоқларидаги корхоналарда иш ҳақини тўлашда анъанавий тариф тизимидан фойдаланиб келинмоқда. Бундай корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий элементлари меҳнатни меъёрлаш,

тариф тизими, иш ҳақишг шакллари ва тизимларидир. Ҳар бир элемент қатъий белгиланган вазифасига эгадир.

Корхоналарда ходимлар иш ҳақи ва даромадларини тартибга солишнинг ташкилий ва иқтисодий механизмини такомиллаштириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг таркибий қисмидир. Бу соҳада ҳукумат томонидан белгиланган тадбирлар доимий равишда аҳоли турмуш даражасини ошириб боришга қаратилган. Бунинг натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш фақатгина энг кам иш ҳақи ва таъриф сеткасига боғлиқ бўлиб қолмай, балки ходимнинг шахсий касб маҳорати, меҳнат унумдорлиги корхона фаолиятига қўшган хиссаси хисобга олиб, тегишли тоифаларга ва кўшимчала устамалар киритиш орқали амалга ошириладиган бўлди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислохатларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, босқичма-босқич импортни қисқартириб бориш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини ўсишини таъминлаш, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни ошириш бўйича республика ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал этиш борасида маъсулятни кучайтиришни тақозо этганлиги боис ҳар бир келаётган йил давлат раҳбари томонидан алоҳида ном берилиши тақлиф этилиб, келаётган йилда асосан қайси тармоқ ёки ёки жабха ривожлантирилишига кўпроқ эътибор қаратилиши инobatта олинмоқда.

Президентимиз И.А. Каримов 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, “Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётган аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва степендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди” деб таъкидлаб ўтдилар [1].

Меҳнатни меъёрлаш - бу илмий асосланган меҳнат харажатларини ва унинг натижаларини: вақт меъёрлари, сони, хизмат кўрсатишнинг



бошқарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрланган топшириқлари меъёрларини аниқлашдир. Булар бўлмаса, меҳнат миқдорини, ҳар бир ходимнинг умумий натижаларга қўшган алоҳида ҳиссасини ҳисобга олиб бўлмайди.

